

НОДИРА СОБИРОВА



ХОРАЗМ «ОШИК»
ТУРКУМИ ДОСТОНЛАРИ

НОДИРА СОБИРОВА

ХОРАЗМ “ОШИҚ” ТУРКУМИ ДОСТОНЛАРИ

Тошкент

«Минҳож» нашриёти

2005

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI

ToʻshDO'TAU

AXBOROT-RESURS MARKAZI

4761

2215

Масъул муҳаррир: Жаббор ЭШОНҚУЛ

© Н.СОБИРОВА. «Хоразм “ошиқ” туркуми дostonлари».
«Минҳож» нашриёти, 2005.

К И Р И Ш

Маънавий бойликларимизга мурожаат қилиш, уларни ўрганиш азалий қадриятларимизни тиклаш демакдир. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг: "...Миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз, хуллас, маънавиятимизга дахлдор барча бойликларимиз қайтадан қад ростлаяпти"¹, - деб таъкидлаши бежиз эмас. Маълумки, халқ бадий тафаккурининг энг қадимги намуналари мифлар бўлиб, улар "...кейинчалик ягона халқ бўлиб шаклланган ҳар бир уруғ ёки қabila бирлашмалари ижодида бўлган ва ҳозирда ҳам бор"². Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги каби Хоразмда ҳам ўзига хос мифология мавжуд. Уларнинг энг қадимий намуналари бизга "Авесто" орқали етиб келган бўлса, маълум бир қисми халқ оғзаки ижодиётининг турли жанрлари таркибида сақланиб қолган.

Мифология фақат сеҳр-жодудангина иборат бўлмасдан, унда ибтидоий инсон тафаккурининг турли қирралари намоён бўлади. Уларда ҳаётга, жамиятга, табиатга бўлган муносабат акс этади. Бу асарлар халқ ижодиётининг эртак, дoston каби жанрлари, қолаверса ёзма адабиётнинг шаклланиши ва ривожланишида асосий замин бўлиб хизмат қилган. Бундан ташқари, мифология ўзида" ибтидоий инсон маънавиятини мужассам этган бўлиб, мифларда юксак тарбиявий-ахлоқий масалалар ҳам ўз ифодасини топган.

Ўзбек фольклорининг бойлиги, ранго ранглиги, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос бетакрор оғзаки ижод намуналарига, анъана ва ижро усулларига эғалигида ҳам намоёндир. Хусусан Хоразм воҳасида қадим-қадимдан келаётган мерос бу ҳолатга ёрқин мисол бўлади. Хоразм дostonлари таркибида "Ошиқ" туркум дostonлари алоҳида ажралиб туради. Биргина "ошиқ" атамасининг ўзи ҳам ҳар қандай тингловчи, ўқувчи диққатини тортади. Ушбу туркумга мансуб дostonларининг ўзига хос табиатини белгилаш, бу тип дostonларнинг асосий сюжет кўринишлари ва етакчи мотивларини аниқлаш, асосий образларини тадқиқ этиш баробарида бу тип асарларда мифологиянинг тутган ўрнини, хусусан, мифологик обоазалари ва тафаккур тарзининг халқ дostonлари шаклланиши ва бадиятидаги ролинини кўрсатишига алоҳида илмий қимматга эга.

Мазкур рисоладан кўзланган асосий мақсад Хоразм “ошиқ” туркуми дostonлари мисолида ана шу муаммоларни имкор қадар тадқиқ этишдан иборат.

“Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Ошиқ Маҳмуд”, “Ошиқ Албанд” каби дostonлар нафақат воқеалар баёни, балки юксак бадиий ижод намуналари сифатида ҳам ҳар қандай адабиёт ва санъат мухлисини ўзига ром этади. Шундай экан ишқий-романик дostonларни ўзига хос кўриниши бўлган “Ошиқ” туркум дostonларининг етакчи белги, хусусиятларини алоҳида монографик йўналишида ўрганиши илмий, амалий жиҳатдан ҳам аҳамиятга молик. Биз ўз тадқиқотимизда ана шу масалаларга ҳам алоҳида тўхталишни лозим топдик.

Ушбу рисоланинг дунёга келишида бизга яқиндан ёрдам бериб, ўз маслаҳатларини аямаган узтоз фольклоршуносларимиз ҳамда Ўз РФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти фольклор бўлими ходимларига самимий миннатдорчилигимизни билдирамыз.



I – БОБ

“ОШИҚ” ТУРКУМИ ДОСТОНЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбек халқининг бой ва ранг-баранг фольклор меросига эгаллиги унинг этник таркибининг серқатламлиги ва тарихий тараққиёт йўлининг асосан Марказий Осиёдаги икки дарё оралиғида кечганлиги билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Чунки Аму ва Сир оралиғидаги ҳудуд қадим-қадимдан халқларнинг буюк кўчишлари ҳамда турли сиёсий, маданий, иқтисодий муносабатлардаги юксалиш ва тушишларда бир чорраҳа вазифасини ўтаган. Бу борада биргина Буюк ипак йўлининг ушбу ҳудудни деярли тўлиқ кесиб ўтганлигини эслашнинг ўзи кифоя. Ўз навбатида, қайси ердан савдо йўллари ўтса, ўша жойда иқтисодий-сиёсий ва маданий юксалиш жараёнлари кечганлиги табиийдир.

Марказий Осиё ҳудуди, жумладан, икки дарё оралиғида пайдо бўлган этнослар ва давлатлар тарихи бутун дунё тарихи ва цивилизацияси тараққиётида ҳам муҳим ўрин тутиши бу ҳудуднинг ҳар жиҳатдан қулай шароитда жойлашганлиги билан ҳам белгиланади.

Ўзбек халқининг уч катта этник гуруҳдан ташкил топганлиги илм аҳли ўртасида хрестоматив фактга айланган. Яъни, қорлуқ, қипчоқ, ўғиз қабила бирлашмаларининг ўзаро бирикуви натижасида ўзбек халқининг ядроси пайдо бўлди. Шундай экан, бевосита халқнинг ҳаёти, турмуш тарзи, тарихи билан чамбарчас боғлиқ фольклор асарларини ўрганишда, хусусан уларнинг туб илдизларини ёритишда ушбу масалани четлаб ўтиш мумкин эмас.

Маълумки, қипчоқ, ўғиз, қорлуқ қабила бирлашмалари бошқа жойларда ҳам туркий халқларнинг шаклланиб, таркиб топишида муҳим роль ўйнаган. Бу ҳолат, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг у ёки бу уруғ-қабила бирлашмаси доминантлик қилувчи ҳудудидаги фольклор намуналарининг ўз таркибида айни уруғ-қабила мавжуд бошқа қардош халқлар фольклори билан муштарак жиҳатлари юзага келишига сабаб бўлган.

Т.Мирзаев ҳақли равишда таъкидлаб кўрсатганидек, “турли уруғ ва қабилалар бир неча халқлар таркибига кириши билан уларнинг эпоси ҳам ўша халқлар орасига тарқалади. Генетик асоси бир бўлган маълум бир сюжет энди янги ижтимоий муҳитда турлича талқин қилинади ва турлича ривожлана бошланади.

Бунинг натижасида улар орасида принципиал фарқлар вужудга келса-да, ҳар бир халқ ўз миллий ҳусусиятларини, ўз тақдирини унда ифодалайди. Бундай ҳолда версия вужудга келади. Масалан, “Алпомиш” достонининг ўзбек, қорақалпоқ, қozoқ версиялари каби”.

Бевосита бизнинг илмий тадқиқот объектимиш бўлмиш “ошиқ” туркум достонларининг пайдо бўлиши ва шаклланиб, туркий халқлар ўртасида тарқалишида ҳам ушбу муҳим омил амал қилганлигини кузатамиз.

Маълумки, ўзбек фольклорида “Ошиқ” туркум достонлари фақат Хоразм воҳаси ҳудудида тарқалганлиги билан характерли. Айни пайтда, бу туркумга кирувчи асосий асарлар намунаси туркман, озарбайжон ва турк фольклорида етакчи достонлардан ҳисобланади. Ушбу достон персонажлари айни халқлар орасида энг сеvimли халқ қаҳрамонлари сифатида ардоқланади. Шу билан биргаликда, ушбу халқлар билан бевосита яқин маданий алоқада бўлган арман, грузин, курд ва бошқа халқлар орасида ҳам ушбу достонлар машҳур. Бир сўз билан айтганда, “ошиқ” туркум достонлари этник таркибида ўғиз қабила бирлашмалари доминантлик қилувчи миллатлар ва улар билан яқин адабий-маданий алоқада бўлган халқлар орасида кенг ёйилгани бу туркумнинг ўғиз эпик аънаналари асосида шаклланиб, ривож топганлигидан далолат беради. Ўзбек халқининг ўғиз гуруҳига кирувчи қатламнинг асосий қисми Хоразм ҳудудида яшашлигини инобатга олсак, масала янада ойдинлашади. Умуман олганда, Хоразм ҳудудидаги фольклор ижрочилигида умумўғиз фольклор аънаналарининг етакчилик қилиши ўз табиий асосларига эга. “ошиқ” туркум достонларининг қардош версиялари билан алоқаси масаласи бевосита бизнинг тадқиқот объектимишга кирмаганлиги сабабли ушбу ўта қизиқарли, ва айни пайтда, жуда катта масалага махсус тўхтамаймиз. Мазкур муаммонинг нисбатан кенг тадқиқ этилганлиги ва бу йўналишда устоз фольклоршунослар қимматли фикр-мулоҳазалар билдирганлигини таъкидлаб ўтишни ҳам ўз бурчимиз деб биламиз.

Бевосита тадқиқот объектимиш бўлмиш “ошиқ” туркум достонлари сюжети ва етакчи мотивларининг мифологик асослари ҳақида фикр юритишдан аввал “ошиқ” туркуми ва унинг умумўзбек достонлари, хусусан, Хоразм воҳаси достончилигидаги ўрни ҳақида тўхталиб ўтамыз. Чунки айни масалага ойдинлик киритмай, “ошиқ” туркум достонлари ҳақида бирон-бир мулоҳаза айтиш мушкул.

Ўзбек фольклоршунослигида қадим-қадимдан Хоразм воҳа-сида авлоддан-авлодга ўтиб, халқ орасида севиб куйланиб кела-ётган дostonлар ва дostonчилик анъаналари ҳақида диққатга молик тадқиқотлар мавжуд. Жумладан, Ҳ.Зариф ва В.Т.Жир-мунскийлар “Узбекский народный героический эпос” деб ном-ланган салмоқли тадқиқотларида бу хусусда алоҳида тўхталиш-ган. Муаллифлар Хоразм дostonчилик анъаналари нафақат Ўзбе-кистон, балки Туркменистондаги бахшичилик мактаблари би-лан чамбарчас боғлиқ эканлигини таъкидлаб: “Туркман ва Хо-разм бахшилари ўртасида борди-келди азалдан бўлган, Хоразм бахшиларининг туркман устозлари ва аксинча туркманларга устозлик қилувчи Хоразм бахшилари кўплаб учрайди, шу сабаб-ли ҳам Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида учрамайдиган турк-ман фольклорига хос эпик сюжетларнинг Хоразмда бўлиши таби-ий эди”⁴, - деб ёзадилар. Уларнинг бевосита бизнинг тадқиқот объектимишга тегишли “Ошиқ Ғариб” дostonи ҳақидаги қараш-лари ҳам ўта муҳим: “Ўзбек бахшилари ўртасида кенг тарқал-ган кўпчилик туркман ва озарбайжон дostonлари(масалан, “Ошиқ Ғариб”) Ўзбекистонга бевосита Хоразм орқали ўтган”⁵. Айни пайтда, Хоразм ҳудудига хос бўлган турмуш тарзи ва ма-даний анъаналар ҳам эпик ижодга сезиларли таъсир ўтказганли-ги қайд этилган. Бу ўринда олимлар шаҳар ҳаёти билан чамбар-час алоқада ривожланган қишлоқлар ва бахшичиликдаги ёзма адабиёт билан уйғунлашиб кетувчи жиҳатларга алоҳида урғу берганлар: “Бу ҳудудда саводхон бахшилар кўпчиликини таш-кил этади. Ижро жараёнида бахши дostonнинг шеърӣ қисмла-рини қандай ўрганган бўлса, шундай – бадиҳасиз ижро этади. Баъзи ҳолатларда дostonнинг мавжуд қўлёзма нусхаларига тая-ниб, ижрода ундан четга чиқмасликка интилишади”⁶.

Айни ҳолат Хоразм дostonларининг генезиси, сюжет қурили-ши, етакчи мотивлари, бадиий тасвир воситаларини ва, умуман, поэтик табиатини тадқиқ этишда эътибор қаратиш лозим бўлган муҳим жиҳатлардан биридир. Фольклоршунослар С.Рўзимбоев-нинг Хоразм дostonи бўйича тадқиқотлари бу жиҳатдан янада диққатга сазовор⁷. Жумладан, С. Рўзимбоев ўзининг “Хоразм дostonлари” китобида Хоразм дostonларининг ўзига хос хусуси-ятлари, тарқалиши ва ижрочилари, Хоразм “Гурўғли” туркум дostonлари ва унинг бошқа туркий халқлар вариантлари билан алоқаси ҳақида ҳамда “ошиқ” туркум дostonларининг қиёсий таҳлили юзасидан атрофлича фикр юритган. Ҳ. Абдуллаев эса “Халқ дostonлари ва уларнинг вариантлари” деб номланган ўқув

қўлланмасида Хоразмда куйланган дostonларни қорақалпоқ эпоси намуналари билан ўзаро қиёслаб таҳлил этган. Бу ўринда муштарак сюжет ва мотивлар, образлар типологияси ҳамда эртак ва дoston муносабатлари текширилган. Бир қанча намуналар ғоявий-бадий жиҳатидан талқин қилинган. Шу ўринда С.Рўзимбоевнинг куйидаги фикрлари алоҳида диққатга сазовор: “Хоразмда тарқалган дostonларнинг барчаси ҳам озарбайжон ва туркман фольклорига алоқадор эмас. Алоқадорлари ҳам ўзбек бахшиларининг каттагина ижодий қайта ишлашлари асосида оммалашган. Шу билан бирга, Хоразмнинг ўзида ҳам кўплаб эпик асарлар юзага келган ва уларнинг энг яхшилари, ўз навбатида, бошқа халқлар фольклори хазинасидан мустақкам ўрин эгаллаган. Жумладан, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Асил ва Карам” дostonларининг Озарбайжон фольклоридан, “Гурўгли” туркум дostonларининг эса туркман фольклоридан кириб келганлигига шубҳа билдириш қийин. Аммо “Юсуф ва Аҳмад”, “Мискин ва Гулқанд”, “Ошиқ Ғариб ва Ҳилоли пари”, “Маликаи Завриё”, “Шахриёр” каби дostonлар Хоразмнинг ўзида яратилган деб айтишга старли далилларни келтириш мумкин”⁸.

Умумўзбек эпик хазинаси яхлит холда олиниб қаралса-да, ҳар бир ҳудудда бу улкан маънавий ҳодисанинг ўзига хос равишда намоён бўлишини кузатишимиз мумкин. Хусусан, фольклоршунослигимизда Самарқанд-Жиззах, Сурхондарё-қашқадарё, Тошкент, Фарғона водийси ва Хоразм воҳасидаги дostonчилик алоҳида-алоҳида олиб қаралади.

Ушбу тасниф шунчаки географик-ҳудудий чегаралар асосида тузилган эмас. Унда ҳар бир жойда амал қилувчи эпик анъаналар, бахшичиликнинг ижродаги ўзига хослиги, эпик репертуар ва бевосита дostonларнинг поэтик табиатини инобатга олган ҳолда гуруҳларга ажратилган. Хусусан, Хоразм дostonчилигидаги ижро усули, мавжуд эпик асарларнинг композицион қурилиши, образлар тизими, шеърий қурилиши, оҳанглари ва бошқа бир қатор жиҳатлари республикамизнинг бошқа дostonчилик марказларидан кескин фарқ қилади. Хоразм дostonчилигидаги ушбу ҳолат куйидаги ўринларда янада яққолроқ кўринади.

Аввало, Хоразм бахшилари ташқи овозда, янада аниқроқ айтилса, қўшиқ, ашула ижросига уйғун йўлда дoston куйлайдилар. Дoston куйловчи - бахшига бошқа созандалар ҳам ҳамкор бўлишади.

Хоразм дostonларининг матни, хусусан, уларнинг шеърий қисми турғун кўринишга эга. С.Рўзимбоев хақли равишда ёзга-

нидек: "...достонлар таркибидаги шеърлар ритмик жиҳатдан тугал уйғунлашган, силлиқлашган, бадний жиҳатдан мукамал бўлган шеърый матн шаклига кирган. Шу боисдан ҳам Хоразм достонларидаги шеърый парчалар қатъий тартиб асосида қофиялашади ва бандларга бўлинади⁹. Яна бир ўзига хос жиҳат шундаки, Хоразм достончилигидаги эпик репертуарнинг аксарият қисми ишқий романик турга мансуб намуналардир.

Бевосита бахшилар ижросидаги ўзига хос жиҳат хусусида тўхталадиган бўлсак, бугунги кунда бахшилар икки йўлда ўз асарларини оммалаштиришаётганлиги қайд этилган. Яъни: "а) бахшилар ва ансамблли халифалар репертуари орқали оғзаки тарзда; б) якка халфалар, қиссахонлар репертуари орқали китобий матн ўқиб ёки ёдаки эшиттириш тарзида"¹⁰.

Юқорида келтирилган фикрлар ҳам кўрсатиб турибдики, Хоразм достончилиги ўз анъаналари, репертуари ва бошқа жиҳатлари билан умумўзбек эпик ижодиётида муносиб ўринга эга. Шундай экан, бу ҳудуддаги эпик ижод билан боғлиқ барча ҳолатларни илмий жиҳатдан тадқиқ этиб, муносиб баҳосини бериш умумўзбек эпик ижодиётини янада теранроқ таниш, илмий ўрганиш ва кенг илмий жамоатчиликка етказиш имконини яратди.

Ўзбек фольклоршунослигида достонларни ички туркумларга ажратишда у ёки бу намунанинг ўзаро боғлиқлигини таъминловчи етакчи кўрсаткичлар асос сифатида олиншини кузатамиз. Яъни, бирор-бир қаҳрамоннинг сулоласи, ҳаёти, муайян эпик макон ва замондаги фаолияти асосида боғланувчи достонлар гуруҳига туркум сифатида қаралади. Масалан, қаҳрамон биографияси билан боғлиқ туркум достонлар (кичик "Гўрўғли" ҳамда Ҳасанхон, Авазхон ҳақидаги достонлар) ёки наслий туркумлик доирасида юзага келган достонлар (Нурали ва Равшан ҳақидаги). Достонларни бу хилдаги туркумларга ажратиш анъанаси бевосита бахшилар эпик репертуарида мавжуд бўлган асарларни таҳлил қилиш ва юқорида келтирилган мезонларга таянган ҳолда тасниф этиш натижасида юзага келган.

Ушбу асосдан келиб чиқиб, ўзбек фольклоршунослигида туркумликни икки гуруҳга жамлаб кўрсатиш нисбатан оммавий тус олган ва кўпчилик тадқиқотларда асосан ана шу икки гуруҳга кўпроқ урғу берилганлигини кўрамиз. Яъни қаҳрамоннинг ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилувчи *биографик туркум* ва унинг авлодлари ҳаётини акс эттирувчи *наслий туркум* достонлар атрофлича тадқиқот объектига айланган. Шу нуқтаи назардаёлиб қарал-

са, “ошиқ” туркум дostonларида асосий таянч мезон бош қаҳрамоннинг ошиқ-бахши эканлигидир. Ўзбек фольклоршунослигида “ошиқ” туркуми дostonларининг мавжудлиги ҳақида Т. Мирзаев, М. Саидов, О. Мадаев каби олимларнинг илмий асарларида муҳим қайдлар мавжуд бўлса-да, бу тип дostonлар хусусида С. Рўзимбоевнинг тадқиқотларида анча жиддий фикр-мулоҳазалар билдирилган.

С. Рўзимбоев “Хоразм дostonлари” китобининг бир бўлимини бевосита “ошиқ” туркум дostonларига бағишлаб, бу туркумга кирувчи намуналарга хос бўлган специфик хусусиятларни тадқиқ этар экан, масаланинг ана шу жиҳатига ҳам алоҳида эътибор қаратади. Фольклоршунос ҳақли равишда таъкидлаганидек, “ошиқ” туркуми асарларида бош қаҳрамон қўшиқчи, бахши, жафокаш ошиқ сифатида намоён бўлади” .

“Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” дostonидаги ғариб дутор чертиб қўшиқ айтувчи машҳур бахши - “ашуғ” эди. “Ошиқ Албанд” дostonидаги Албанджон ҳам ошиқ Ойдиннинг етук шоғирди, яъни бахши сифатида тасвирланади. Дostonда тасвирланишича, Албанд Табриз шаҳрига борганида Маҳмудшоҳнинг Бағриқул деган маҳрами уни баққолнинг олдида кўриб: “Эй баққол, подшо тўй бериб турибдур, ман бахши қидириб юрибман, сен ўз олдинга бахшини ҳангома айттиурсан. Қўрқмаймусан?” - деб Албандни тўйга олиб кетиши, Албанднинг Бағдод шоҳи Одилхоннинг халфаси Жаҳонгирни айтишувда енгиши ҳам унинг етук бахши-шоирлигидан далолат беради. “Ошиқ Маҳмуд” дostonидаги Маҳмуд ҳам худди шу қаторда турувчи бахши-шоир сифатида намоён бўлади.

Бахши(ашуғ)лик “ошиқ” туркум дostonларида қаҳрамоннинг етакчи хусусияти бўлиши билан бир қаторда, унинг ўз маъшуқаси васлига етиши ва маълум тўсиқлардан ўтишида ҳам ана шу жиҳат асосий восита сифатида хизмат қилади. Бу ҳолат “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Ошиқ Албанд”, “Ошиқ Маҳмуд” дostonларида янада аниқ кузатилади.

“Ошиқ” туркуми дostonларининг ўзига хос жиҳатларини тўлақонли ёритиш мақсадида “ошиқ” атамасининг келиб чиқиши ва туркий эпик анъанада мавжуд бўлган “ошиқ ижодиёти”нинг шаклланиши масаласига муносабат билдириб ўтиш зарур бўлади.

Ушбу мулоҳаза бевосита “ошиқ” туркум дostonларидаги етакчи образларга ҳам тегишлидир. Хусусан, бош қаҳрамонлар исмига сифатловчи бўлиб келган “Ошиқ” сўзи алоҳида диққатга молик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “ошиқ” сўзининг куйи-

даги маънолари келтирилган. “Ошиқ [а]1. Бировни жуда севиб, унга шайдо бўлиб қолган, бировга муҳаббат қўйган киши 2. Кучма. Бирор нарсани жуда яхши кўриб қолган унга берилган”.¹¹

“Ошиқ” сўзининг луғатдаги бошқа, “Айрим ҳайвонларнинг орқа ёғи тизза бўғимидаги бириктирувчи чорқирра суяги” ва “Шундай суякка (одатда қуй ошиғи) воситасида ўйналадиган ўйини”¹² маънолари бизнинг объект доирамизга кирмайди. Нима сабабдандир луғатда “ошиқ”нинг *бахши* маъноси келтирилмаган. Эҳтимол бу маъно асосан шевага хос деб эътибордан четда қолган бўлиши мумкин. “Ошиқ” атамасининг айна маъноси ўғиз, гуруҳига мансуб етакчи тилларда фаол кўриниш олган. Жумладан, озарбайжон фольклоршуноси М. Акимов бу ҳақида шундай ёзади: “Туркий халқлар ўртасида “ошиқ” унвонининг илмий таҳлили ва унинг XV асргача тунгуслар, ёқутлар, олтайлар, туркманлар, гагаузлар, ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, турклар, эрон озарбайжонлари ўртасида тарқалиш кўлами ҳамда сая, саячи, угурдеди, угурустау, оқсақол, ата, деде, пирустад, пирбаба озанузан, варсаг, ишыг, ишман, оюк, қам, афис, бахши, оқын атамаларининг шу халқлар орасида айна пайтда қўлланилиши “ошиқ” сўзини англатувчи “халқ бахшиси” маъносига уйғун келади”.¹³

“*Ошиқ*” атамасининг этимологик асоси араб тилидаги *ишқ* сўзига боғланади. Озарбайжон олими П.Афандиев профессор М.Тахмасибнинг “Ашиг” сўзининг кўклари арабчадаги “ишқ” маъносини билдирувчи “ашг” сўзига бориб тақалади. “ашыг” сўзининг этимологик асоси эса қадим туркийча “аш” сўзига боғланади” деган фикрига асосланиб туриб, “ошиқ” сўзининг келиб чиқиши ҳозирги ўзбек тилидаги “ашула” сўзи билан бир эканлигини айтади.¹⁴

Бизнингча ҳам агар “ошиқ” сўзи қадимда фольклор асарларини, жумладан халқ эпоси намуналарини айтувчи фольклор ижрочиси маъносини ҳам англатган экан, “ошиқ” ва “ашула” сўзлари этимологик жиҳатдан ўзакдош бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

М.Ҳакимов, О.Набиев каби озарбайжон фольклоршунослари ва бевосита Хоразм фольклори материалларига таяниб профессор С.Рўзимбоев “ошиқ” туркум дostonларидаги “ошиқ” атамаси хусусида “Хоразм региониди тарқалган “ошиқ” туркум дostonларининг аксариятида асар бош қаҳрамонлари номига қўшилиб айтиладиган “Ошиқ” атамаси генезиси ҳақиқатдан ўзининг дастлабки асоси бахши маъносига бориб тақалади. Негаки, бу типдаги дostonларнинг аксарияти биринчидан, Хоразм воҳасига

Озарбайжон орқали кириб келган бўлса, иккинчидан, улардаги бош қаҳрамон сиймосида куч-қудратга эга бўлган курашувчи қаҳрамон эмас, балки бахши, ошиқ тарзида куйловчи қаҳрамон гавдаланади. Дарҳақиқат, мазкур дostonлар ўзларининг яратувчиси бўлмиш “ошй”ларнинг бевосита иштирокида рўй берган воқеалар асосида ижод қилинган ва бу асарларнинг кўпчилигида уларнинг ўзлари бош қаҳрамон сифатида ҳаракат”ларнинг бевосита иштирокида рўй берган воқеалар асосида ижод қилинган ва бу асарларнинг кўпчилигида уларнинг ўзлари бош қаҳрамон сифатида ҳаракат қиладилар.”¹⁵

Келтирилган фикр-мулоҳазалардан ҳам маълум бўлмоқдаки, “ошиқ” туркум дostonларидаги бош қаҳрамон номига сифатлаш бўлиб келувчи ошиқ атамаси бахши (шоир) маъносига эга экан.

Бизнинг назаримизда бу образ шунчаки ўз маҳбубасига шайдо фидоий ошиқ (севувчи) бахши (ошиқ) образгина эмас, у ўз тарихий илдизлари билан сўз ва соз магияси билан боғлиқ ушбу санъатни эгаллаган бахши культи ва ишонч эътиқодлари билан ҳам чамбарчас боғлиқ кўпқатламли образдир.

Бахшилар билан боғлиқ ишонч эътиқодлар қандай намоён бўлган? Ўзбек бахшилик санъатини ҳар тарафлама тадқиқ этган профессор Тўра Мирзаевнинг бу жабҳадаги хулосалари ўта муҳимдир. Олим Ҳ.Т.Зарифовнинг бахши сўзи мўғулча *бахша, багши* сўзидан олинган бўлиб устоз, маърифатчи деган маъноларни англатади, деган фикрига таяниб “Ўзбекларда бахши - кенг маънода халқ дostonчиси, дostonларни куйловчи, ёдда сақловчи ва наслдан-наслга ўтказувчи санъаткор. Халқ орасида бахши сўзи шаман, қушноч, парихон маъносида ҳам қўлланган. Лекин бу маънодаги бахши сўзи ҳозирги кунда архаиклашган. Бироқ узоқ ўтмишда бу икки вазифани бир шахс бажарган. Эпик поэзиянинг қадимий синкритик босқичи ҳам шуни тақозо этар эди.

Академик А. Н. Веселовскийнинг кўрсатишича, кишилик жамияти тараққиётининг илк босқичларида халқ поэзияси магик ирим-сиримлар ва турли маросимлар билан маҳкам боғлиқ бўлган. Бир қатор бахшиларнинг ҳозир ҳам ўз санъатларини сир тутиб, уни “илоҳийлаштиришлари”, бахшилик санъати ҳақида халқ орасида мавжуд турли-турли афсоналар юқоридаги мулоҳазани яна бир бор тасдиқлайди.”¹⁶

Т.Бунаядовнинг ёзишича, Озарбайжонда ошиқ ижрочилиги бундан тахминан 4 минг йил бурун шаклланган. Олимнинг фикрича, ошиқлик санъати даставвал чорвачилик билан шуғулла-

нувчи кўчманчи туркий қабилалар орасида келиб чиққан бўлиб, кейинчалик ўтроқ қавмлар маданиятига ҳам кириб келган.¹⁷

П.Афандиев эса қадимги давр ошиқ ижодиётининг намуналари бизнинг кунларгача етиб келмаган бўлса-да, эпик анъананинг шаклланиши ва эпос тараққиётининг умумий қонуниятлари асосида ошиқ санъати синкретик характерга эга бўлган деб ҳисоблайди. Қадимги ошиқ-бахшилар шоирлик, хонандалик, бастакорлик, созандалик, раққослик, актёрлик каби хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган.¹⁸

Бизнинг фикримизча, энг қадимги ошиқ-бахшилар юқорида санаб ўтилган хусусиятлардан ташқари яна шомон, табиб, коҳин вазифасини ҳам бажарган бўлиши керак. Чунки қадимги фольклор ижрочилигининг синкретик табиати ана шуни тақазо қиларди. Зеро ошygлар ва ошygлик санъатининг кўҳна мавсумий маросимларга боғликлиги ва бу маросимларда ашygларнинг алоҳида вазифаси бажаришлари ва умуман ашygларининг алоҳида вазифа бажаришлари ва умуман ошygлар ҳақидаги афсоналарда бу санъатни илохий кучлар билан боғлаб изоҳланганлиги ҳақида М.Акимов ҳам ёзган.¹⁹

“Гўрўғли” туркум дostonларидаги эпик бахши Соқибулбул образининг тарихий асослари ҳақида ёзар экан фольклоршунос Ш. Турдимов Соқибулбул Гўрўғлининг устози, бахшиси, даврасининг соқиси ва тулпарининг саиси бўлиш билан бир қаторда унинг бирга маросимларини ўтказувчи руҳоний сифатида ҳам келишини ёзган.²⁰

Юқорида келтирилган фикр ва мулоҳазалар асосида ошиқ атамаси ҳақида шундай умумий хулосага келиши мумкин.

“Ошиқ” туркум дostonларидаги ошиқ образи бевосита халқнинг бахши, ўзан, ошиқлар ҳақидаги кўҳна тасаввур ва эътиқодларининг синтизи сифатида пайдо бўлиб, унинг муҳаббат шайдо-си, тимсолига айланувида ушбу эътиқодий қарашлар асос босқич вазифасини ўтаган.

Ошиқ-бахшилар фақатгина муҳаббат мавзусидаги фольклор асарларини эмас, балки йирик эпик асарларнинг турли намуналарини ижро этишган. Кейинчалик ана шундай эпик асарларни ижро қилувчи ошиқ-бахшиларнинг култи юзага келган ва улар тўғрисидаги алоҳида дostonлар ҳам яратилган. Бунинг ёрқин мисоли сифатида бугунги кунда тўлиқ етиб келмаган “Ошиқ Ойдин” ҳақидаги дostonни мисол қилиб келтириш мумкин. Шу тариқа эпик анъанада ошиқ-бахши образи асосий ўринда турадиган алоҳида эпик асарлар пайдо бўлган. “Ошиқ” туркуми дос-

тонларининг келиб чиқиши ана шу жараёнлар кечган қадимги даврларга боғланади.

“Ошиқ” туркум дostonларини деярли барча тадқиқотчилар романик дostonлар турига мансуб намуналар сифатида баҳолашади.¹ Янада аниқроқ айтилса, улар ишқий романик дostonлар сирасига киради. Туркий халқлар фольклоршунослигида масалан, озарбайжон фольклоршунослигида ҳам бу тип асарлар “муҳаббат дostonлари” сирасига киритилади. П.Афандиевнинг ёзишича, “муҳаббат дostonлари, бошқача қилиб айтганда, “халқ романлари” фольклоримизнинг алоҳида муҳим бир тизимини ташкил этади. Агар қаҳрамонлик дostonлари аждодларнинг буюк қаҳрамонликлари, ватан, юрт, озодлик, истиқлолият учун олиб борилган курашлар билан алоқадор бўлса, халқ романлари нисбатан тинч, осойишта ҳаёт даврининг маҳсулидир. Бундай асарларда вафо, садоқат, соф муҳаббат, манавий софлик, дўстлик, биродарлик, гуманизм, ишқ йўлидаги жасоратлар ва шу каби мавзулар асосий ўринда туради”.²¹ Озарбайжон ошиқ ижодиёти ни махсус ўрганган фольклоршунос олим М.Акимов ҳам халқ дostonларини худди шу тасниф асосида “қаҳрамонлик дostonлари” ва “муҳаббат дostonлари” каби типларга ажратади.²²

Бизнинг фикримизча, муҳаббат дostonлари ёки романик дostonларнинг ўзини эпик аъъанадаги яхлит ҳодиса сифатида баҳолаш тўғри, албатта. Аммо романик дostonларнинг ўзи ҳам мавзу қамровига кўра маълум типларга бўлинишини эътибордан соқит қилмаслик керак бўлади. Жумладан, бош қаҳрамон ошиқ-бахши образидан иборат бўлган эпик асарларнинг умумий белгилари уларни “ошиқ” туркуми дostonлари деб таснифлашга тўла асос беради.

Шу ўринда “ошиқ” туркум дostonларининг таркиби ва бу типга ҳозир эпик аъъанада мавжуд бўлган дostonларнинг қайси бирлари киритилиши масаласига тўхталиб ўтсак. Бизнинг кузатишларимизга кўра, Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Ошиқ Ойдин”, “Ошиқ Албанд”, “Ошиқ Маҳмуд”, “Ҳилоли пари ва ғариб” каби дostonларни шу туркумга мансуб деб ҳисоблаймиз. “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” дostonини 1956 йилда йиғма матн сифатида нашр эттирган фольклоршунос олима З.Хусаинова “Ҳилоли пари ва ғариб” дostonини ҳам “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”га қўшиб юборган. Бу ўринда олима ҳар иккала асарни яхлит бир дoston деб қарайди. С.Рўзимбоев эса Ҳ.Вамберининг 1867 йилда Лейпцигда нашр этилган китобида “Ошиқ Ғариб”нинг “Ойсанам-Шоҳсанам” номли шахобчаси ҳам мавжудлиги ҳақидаги қайднома-

сига асосланган ҳолда ҳозирги кунда оғзаки анъанада етиб келмаган бўлса-да, халфалар қўлида халқ китоби тарзида сақланиб қолган “Ҳилоли пари ва ғариб” достонини алоҳида сюжетга эга бўлган эпик асар деб билади.²³ Биз ҳам шу фикрни қувватлаганимиз ҳолда “Ҳилоли пари ва ғариб” достонини мустақил асар сифатида шу таснифга киритдик.

“Ошиқ” туркум достонларининг бошқа ишқий-романик турга мансуб достонлар билан бир қаторда уйғун жиҳатлари борки, юзаки қараганда уларни ажратиш мушкулдек туюлади. Биз қуйидаги ана шу умумий ва хусусий жиҳатлар ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Авалло “ошиқ” туркумига кирувчи “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Ошиқ Ойдин” каби достонлар ўзларининг образлар тизими, воқеаларни тасвирлаш усули, мазмунининг ишқий саргузаштлардан иборат эканлиги билан “Тоҳир ва Зуҳра”, “Ҳурлиқо ва Хамро”, “Ёзи ва Зебо”, “Асил ва Карам” каби достонларга жуда яқин. Бу хил асарларнинг комзицион тузилиши, етакчи мотивлардаги уйғунликлар ҳам уларни бир туркум доирасида баҳолашга имкон берарлик даражада. Лекин биз юқоригда қайд этганимиздек, бош қаҳрамон фазилатлари ва сифатларидан келиб чиқиб, “ошиқ” достонлари туркумига фақат бахши-шоир-ошиқ образи фаолият юритувчи намуналарнигина киритишни тўғри деб топдик.

Аслида муҳаббат мавзуси халқ достонларининг барчасида муҳим ўрин тўтади. Маълумки, ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси “Алпомиш” халқ достонларининг мумтоз намунаси сифатида қаралади. Асар воқеалари ечимида бош қаҳрамоннинг ботирлиги, жисмоний кучу қудрати, жангу-жадал етакчи мавқеда турса-да, Алпомиш ва Барчиннинг муҳаббати, айрилиғу висоли достон фабуласини ташкил этади, “Алпомиш” достонининг сюжети ўта содда ҳолатга келтирилса, унинг “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” сюжети билан ягона типга мансублиги намоён бўлади. Шундай бўлса-да, “Алпомиш” қаҳрамонлик эпоси, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” романик эпос намунаси сифатида қаралади. Албатта, бу таснифга ҳеч бир эътироз йўқ. Асосий эътибор достонларни маълум тур ва туркумга ажратишда таянч сифатида олинувчи кўрсаткич хусусида бормоқда. Яъни асосий фарқ “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”да ишқ-муҳаббат кечинмаларининг биринчи планга чиқарилиши ва синов-тўсиқларнинг ана шу кўламда ечилишига асосий эътибор қаратилишидадир.

“Ошиқ” типдаги достонлар туркий халқларнинг кўпчилига маълум бўлиб, улар халқ бахшилари томонидан асрлар давоми-

да севиб куйлаб келинган. “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”ни номзодлик диссертацияси сифатида ўрганган Г.Эшчонова дostonнинг тарқалиш доираси ҳақида ёзганида, назаримизда, бу эпик асар ижро этиладиган ҳудудни бироз торайтириб юборганга ўхшайди. Унинг ёзишича, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, асосан, Хоразм вилояти, Бухоро вилоятининг Олот, қорақўл туманлари, Туркменистон республикасининг Чоржўй ва Тошовуз вилоятлари ҳамда қорақалпоғистон республикаси ҳудудида яшовчи ўзбеклар орасида кенг тарқалган”²⁴.

Биз ўз рисоламизда “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” дostonининг ўзбек миллий версиясини ўрганганлигини назарда тутсак, бу ўринда гап мазкур асарнинг ўзбеклар орасида тарқалиши ҳақида бораётганлиги маълум бўлади. Агар шундай бўлса, буни ишда қайд қилиш, яъни дostonнинг ўзбек миллий версияси ўзбеклар истиқомат қиладиган ҳудудларда тарқалиши масаласида гап бораётганлигини айтиш керак бўларди. ЎЗР ФА Тил ва адабиёт институтининг Фольклор архиви ҳамда собиқ қўлёзмалар институтининг Фольклор фонди билан яқиндан танишиш давомида “ошиқ” туркуми дostonлари, хусусан, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” дostonи ўзбеклар яшайдиган бошқа вилоятларда ҳам тарқалганлигига гувоҳ бўлдик. Жумладан, Ҳ.Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институтининг Фольклор фондида “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” дostonининг ҳозирда Тошкентда яшовчи Рўзимбек Муродовдан ёзиб олинган варианты сақланиши (Инв№7234), қўқон шаҳрида яшовчи фольклоршунос И.Бекмуродов томонидан фарғоналик ижрочидан магнит тасмасига ёзиб олинган вариант ҳам борлиги дostonнинг тарқалиш доираси бироз кенгроқ эканлигини кўрсатади. Бунинг устига, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” дostonининг айрим қўшиқлари халқ орасида жуда машҳур бўлиб кетганлигини ҳам эътибордан соқит қилмаслик керак.

“Ошиқ” туркуми дostonларнинг типик намуналаридан бири бўлган “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” дostonи ўзбек, қорақалпоқ, туркман, озарбайжон, усмонли турк, қрим-татар ва бошқа туркий халқлар орасида кенг ёйилган. Филология фанлари номзоди С.Якубаеванинг қайд қилишича, мазкур дostonнинг Кавказ орти, Кичик ва Ўрта Осиё туркий халқлари ўртасида тарқалган миллий версия ва вариантлари ягона эпик сюжет асосида яратилган бўлса-да, ижро жараёни, бахши, ошиқлар ижрочилилик маҳорати ва миллий фольклор анъаналарининг таъсирида бир қатор ўзига хосликларга эгаллиги билан ҳам бир-биридан фарқланиб туради.²⁵

“Ошиқ” туркуми дostonлари Ставропол ўлкасида истиқомат қилувчи туркий тилли ҳалқ-турхменлар фольклорида ҳам мавжудлиги илмий адабиётларда қайд қилинган. Б.Валиевнинг берган маълумотларига қараганда, Ставрополь туркманлари (аслида турхменлар) орасида машҳур бўлган дostonлардан бири “Ашық Гарыб” (яъни “Ошиқ Фариб”) ҳисобланади. Бу дostonнинг Ставропол варианты умумтуркий версиялар билан муштарак жиҳатларга эга.²⁶

“Ошиқ” туркум дostonларида туш кўриш таянч мотивлардан бири ҳисобланади. “Одатда “ошиқ” туркум дostonларининг экспозицияси ўзига хос анъанавий схема асосида тузилиб, воқеанинг бошланиши кўпчилик ҳолларда туш кўриш эпизоди билан боғлиқ тарзда ифодаланади. Асарнинг бош қаҳрамони тушида ўзга элдаги гўзал қизга ошиқ бўлади ёки уларни тушларида чилтонлар ёки эранлар никоҳлаб қўяди.”

Айни ҳолатни бевосита романик дostonларнинг яна бир мумтоз намунаси “Кунтуғмиш” дostonида ҳам кўришимиз мумкин. Кунтуғмиш ҳам Ошиқ Албанд, Ошиқ Маҳмудлар каби Холбекани тушида кўриб ошиқ бўлиб, уни излаб сафарга чиқади. “Кунтуғмиш” даги қаҳрамонинг севган ёри васлига етишиб, то бир терига тикилиб, чўл-биёбонга чиққунгача бўлган воқеалар содда шаклга келтирилса, кўп жиҳатдан бу сюжет ошиқ туркуми дostonлари сюжетига шакл ва моҳият жиҳатидан уйғун келишининг гувоҳи бўламиз. Лекин барча тадқиқотчилар “Кунтуғмиш”ни ишқий-романик турга мансуб дostonлар таркибида таҳлил этишади. Уни ошиқ дostonлари сирасига киритишмайди. Шу маънода олиб қаралса, бизнинг “Ошиқ” туркум дostonларини бир умумий ички туркум қамровида олиш учун бош қаҳрамон характери ва фазилатларига таянишимиз ўзини оқлайди.

Ушбу ўринда кўпчилик Хоразм дostonлари ва ўғуз эпик анъаналари замирида, шакланган романик дostonлардаги бош қаҳрамонга ўзига хос бўлган бир жиҳат хусусида алоҳида тўхталиш талаб этилади. Этибор қилинса, ушбу дostonларда бош қаҳрамон соз чертиб қўшиқ куйлайди, баъзан эса бахшилик санъатини ҳам эгаллаган шахс, деб талқин этилади. Бунга ёрқин мисол тариқасида Озарбажон Кўрўғлисини олиш мумкин: “Озарбайжан дostonлари Кёроғлы шимолий Хуросонда туғилган бўлиб, туркманларнинг Тэкэ уруғига мансуб деб қаралади, у инглиз балладаларининг қаҳрамони машҳур Робин Гуд каби олижаноб қароқчи сифатида талқин этилиш баробарида бадихағуи бахши ошиқ ҳамдир, Кўрўғли ижро этган кўшиқларда унинг

2215

4261

ToshDO'TAU

XBOROT-RESURS MARKAZI

мардлик ва жасоратлари куйланади, гўзал қизлар таъриф этилади, душманлар жанг ва беллашувларга чорланади “.

Хоразм “Гурӯғли” дostonларида ҳам Гурӯғлининг соз чалиб қўшиқ куйлаши кенг ўрин эгаллаган. Шундай бўлса-да, Гурӯғли образига хос бўлган бошқа етакчи хусусиятлар ва унинг ҳаёти васф этилувчи дostonларнинг композицион қурилиши, мотивлар талқини бу дostonларнинг “ошиқ” туркум дostonларидан фарқ қилишини намоён этади ва “ошиқ” туркуми дostonларини атрофлича тадқиқ этган С.Рўзимбоев бу хусусда шундай ёзади: “Гурӯғли” туркуми дostonларида қаҳрамонлик ҳам, ишқий саргузашт ҳам бир-бири билан аралашган ҳолда тасвирланади. Аксарият ҳолларда қаҳрамон линияси биринчи берилади Шу жиҳатдан улар “ошиқ” туркумидаги дostonлардан фарқ қилади. Масалан, “Бозоргон”да Гурӯғли билан Бозиргоннинг кураши, сўнгра эса Ойсултон билан бўлган кураш, қорахон лашкари билан Гурӯғли ўртасидаги жанг эпизодлари, “Авазхон”даги Хунхоршоҳ билан бўлган кураш тафсилотлари, “Хирмондали”даги Гурӯғли билан Хирмондали олишувлари “ошиқ” туркумидаги дostonлар таркибида кўзга ташланмайди. Бироқ ушбу туркумда шундай дostonлар ҳам борки, уларда кўпроқ саргузашт, душманни ҳийла ишлатиб маҳв этиш каби тафсилотлар бўртиб кўрилади”.

Фольклоршунос олим С.Рўзимбоев “ошиқ” туркуми дostonларининг ўзига хослиги тўғрисида тўхталар экан, “Ҳилоли пари ва ғариб” дostonи асосида шундай фикрни билдиради: “Асарда асосий эътибор қўшиқ матнларига, уларнинг ўйноқилиги ва таъсирчанлигига қаратилган бўлиб, бу ҳолат “ошиқ” туркуми дostonларига хос бўлган асосий хусусиятлардан биридир”.²⁷ Ҳақиқатан ҳам матнда қўшиқларнинг ўйноқилиги, бадиий ширдорлик, асосий мазмуннинг муҳаббат масалаларига қаратилиши бу тип дostonларда яққол бўртиб туради.

Юқорида айтилган фикр-мулоҳазалар асосида “ошиқ” туркум дostonларига хос бўлган етакчи хусусиятларни қуйидаги тартибда умумлаштириш мумкин:

- “ошиқ” туркум дostonларида бош қаҳрамон ҳам ошиқ, ҳам бахши, ҳам шоир ҳисобланади.

- дoston сюжетида асос бўлган воқеалар баёнида ишқий саргузаштлар етакчи ўрин тутди ва уларда турли жангу-жадаллар, курашу, жисмоний беллашувлар тасвири учрамайди.

- дostonдаги ишқий саргузаштлар севувчи киши-ошиқнинггина эмас, бахши шоирнинг кечинмаларини ҳам ташкил этади.

- қаҳрамоннинг турли синов ва тўсиқлардан ўтиши, ўзаро беллашувлари ҳам бахши-шоирнинг сўз ва сози билан боғлиқ ҳолатда рўёбга чиқади. Ошиқ бахшининг руҳий камолотга тимсолида ўз ечимини топади.

Ишнинг биринчи бобида билдирилган мулоҳазаларимизни умумлаштириб, айтиш мумкинки, “ошиқ” туркуми дostonлари ўзбек фольклори эпик анъанасида алоҳида ҳодиса сифатида шаклланган. Бу тип дostonлар мамлакатимизнинг асосан ўғуз эпик анъанаси мавжуд бўлган ҳудудларида кенг тарқалган бўлиб, уларнинг турли версиялари бошқа туркий халқлар, яъни қорақалпоқ, туркман, озарбайжон, усмонли турк, қўмиқ фольклорида ҳам мавжуддир.

Асосий қаҳрамонларнинг ошиқ ва маъшуқа образидан иборат бўлиши, асар мавзусининг ишқ-муҳаббат саргузаштларини ўз ичига қамраб олиши, матннинг ўйноқчилиги ва бадий жиҳатдан ихчам шаклда оммалашганлиги, конфликтнинг ечимида жисмоний куч эмас, балки ақл-фаросат, соз ва сўз асосий ўринда туриши, асосий қаҳрамоннинг ошиқ-бахши сифатида тасвирланиши бу тип дostonларнинг ўзига хослигини белгилайди.



II-БОБ

“ОШИҚ” ТУРКУМИ ДОСТОНЛАРИ СЮЖЕТ ҚУРИЛИШИ ВА ЕТАКЧИ МОТИВЛАРИНИНГ МИФОЛОГИК АСОСЛАРИ

“Ошиқ” туркум достонлари ишқий романик турга мансуб аксарият достон намуналари қатори қаҳрамонлик эпосига нисбатан кейинги босқичда шаклланган бўлишига қарамай, уларда мифологик дунёқарашнинг ўрни ёрқин намоён бўлади. Бу ўринда халқ достонларининг пайдо бўлиб, тараққий қилиш жараёнида уларнинг турли жанрлар билан фаол муносабатда бўлишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Фольклоршунос Б.Саримсоқов “... афсона, ривоят, эртақ каби жанрлар шароит талаби, эҳтиёжи асосида жуда кўп ижодий акт туфайли ўсиб, достон структурасига айланиши мумкин”²⁸, деб ҳақли равишда кўрсатиб ўтганидек, “лшиқ” туркум достонларининг пайдо бўлиб, шаклланиши жараёнида ҳам мифологик асосга эга фольклор асарлари ва сайёр сюжетлар фаол иштирок этган. Бир сўз билан айтганда, “миф фольклор жанрларининг бойиши, ривож учун имконият яратиб берган ва қисман ўзлари ҳам фольклор жанрлари таркибига сингиб кетган - диффузиялашган”²⁹.

Халқ достонларининг мифология билан муносабати масаласи бўйича махсус тадқиқотлар у қадар кўп эмас. Ҳ.Акрамовнинг “Ўзбек халқ оғзаки ижодида мифология”³⁰ ҳамда Т.Ҳайдаровнинг “Гўрўғли” ва мифологик синкретизми (“Гўрўғлининг туғилиши” достони мисолида)”³¹ деб номланган номзодлик ишлари билан бирга, қатор фольклоршуносларнинг у ёки бу достон ва образлар талқинига бағишланган илмий мақолаларини мисол Хоразм достонлари билан мифологиянинг алоқадорлиги хусусида эса С.Рўзимбоев ва О.Мадаевларнинг ишларидаги айрим қайд ва мулоҳазалар тариқасида санаб ўтиш мумкин³².

Хоразм достонлари билан мифологиянинг алоқадорлиги хусусида эса С.Рўзимбоев ва О.Мадаевларнинг ишларида айрим фикр-мулоҳазалар билдирилган³³. Жумладан, С.Рўзимбоев “Хоразм достонларининг спецификаси, типологияси ва поэтикаси” мавзuidaги докторлик диссертациясида Хоразм достонларининг генезиси масаласини ёритиш асосида миф ва достон муносабатига эътибор қаратган³⁴. Аини пайтда, С.Рўзимбоев фольклоршунос О.Мадаевнинг Хоразм достонлари ҳақида билдирган “қаҳра-

монларда афсонавий куч, уларга ёрдам берадиган девлар, парилар, тез чопадиган отлар, турли жанглар Хоразм дostonларига хос эмас”,³⁵ - деган фикрига қарши ўлароқ, “Хоразмда асосан романик турга мансуб дostonлар кенг тарқалиб, бу дostonларда қадимий архаик эпосга хос мифологик мотивлар ва образлар хийла кўпроқ кўзга ташланади”, деб ёзади³⁶.

Профессор Б.Саримсоқов ҳам қаҳрамонлик дostonларида қаҳрамон йўлида дуч келадиган тўсиқларнинг генезиси ҳақида тўхталар экан, қаҳрамон дуч келадиган тўсиқларнинг мифологик асосларга яқиндан алоқадорлиги қаҳрамонлик эпосига нисбатан романик эпосда яхши сақлаб қолинганлигини қайд қилади³⁷.

Демак, Хоразм дostonларини, шу жумладан “ошиқ” туркум дostonларини ҳам мифологик асос ва мотивларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Ҳатто, Хоразм “Гўрўғли” туркуми дostonларига нисбатан “ошиқ” туркуми ва ишқий саргузашт мавзуидаги дostonларда мифологиянинг таъсири кучлироқ эканлигини бу тип дostonларнинг сюжет қурилиши ва етакчи мотивлари мисолида аниқ кўрамиз. “Бу типга кирувчи дostonлар “Гўрўғли” туркумини (Хоразм “Гўрўғли” туркуми дostonлари назарда тутилмоқда – Н.С.) ташкил этувчи эпик асарларга нисбатан қадимий сюжет схемасига эга”³⁸. С.Рўзимбоевнинг ушбу фикри жуда тўғрилигини “ошиқ” туркум дostonларининг сюжет қурилиши ва ундаги етакчи мотивларнинг тадқиқи янада аниқроқ кўрсатади.

Хоразм “ошиқ” туркум дostonларининг мумтоз намуналари бўлмиш “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Ошиқ Албанд”, “Ошиқ Маҳмуд” дostonларининг сюжети ўзаро қиёс қилинса, уларда умумўзбек эпосида кенг ёйилган икки сюжет типи қўлланилганлигини кўрамиз. Биринчиси “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” дostonидаги сюжет типи бўлса, иккинчиси “Ошиқ Албанд” ва “Ошиқ Маҳмуд” дostonлари асосини ташкил этувчи сюжет кўринишидир.

“Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” дostonининг сюжети хусусида тўхталишимиздан аввал ушбу дoston сюжетининг қисқача баёнини келтирамиз:

“Подшо Шоҳаббос ва унинг вазири Ҳасанлар қуда бўлишга аҳд қилиб, шартнома тузишади. Подшо қизли бўлиб, отини Шоҳсанам қўяди. Вазир ўғиллик бўлиб, унга Ғарибжон исмини беради. Бу орада Ҳасан вазир вафот этади. Шоҳсанам ва Ғариб мактабга бирга қатнаб, улғайиб, бир-бирига муҳаббат қўйишади. Лекин подшо қизини Ғарибга бериш фикридан қайтади. Ғариб-

нинг онаси аҳдномани кўрсатганида Ғарибни онаси билан бирга саҳрога ҳайдайди. Ғариб уч йил подачилик қилади.

Ғариб Шоҳсанамнинг кўшикига келиб, унинг қул олишини эшитади ва ўзини қул бозорига солдиради. Ғарибнинг саз чалиб, кўшиқ айтишидан таниб қолган Шоҳсанам уни минг тиллога сотиб олиб, қуллари орасига қўшиб қўяди. Бу ҳолдан хафа бўлган Ғариб уйига қайтиб кетади. Лекин ишқ ғолиб келиб, Шоҳсанамнинг боғбонига шогирдликка тушиб, ўз ёрига атаб хат ёзилган гулдаста юборади. Шоҳсанамнинг ҳам ишқи ўт олиб, Ғарибни ахтаради. Улар Ақча каниз ёрдамида бир-бирларининг васлига етишадилар. Лекин Ғарибни севиб қолиб, рад жавобини олган Сувчи каниз Шоҳаббосга воқеани етказди. Шоҳсанам Ғарибни Ақча каниз кўмагида Ясмиқ момо ҳужрасига бекитади. Подшо одамлари Ғарибни топа олмайдилар.

Шоҳсанам яна Ғариб билан учрашади. Лекин подшо айғоқчиларидан қўрқиб, Ғарибга Бағдод шаҳрига кетиб, кўздан вақтинча йироқ бўлишни маслаҳат беради. Бағдод шоҳининг ўғли Ғарибга Боғимуродни бериб, ўз хизматига олади.

Ғарибнинг таърифини эшитиб, Одил шоҳнинг қизи Ҳилоли пари унга ошиқ бўлади. Дастагул канизи орқали ниятига етмоқчи бўлади, лекин ўзи келиб ишқ изҳор этса ҳам, Ғариб рад жавобини беради. Ҳилоли пари жаҳли чиқиб канизларига Ғарибни урдиради.

Шоҳсанам узоқ кетган Ғарибдан хабар олиш учун Ақча канизини эркак либосида Бағдодга жўнатди. Ғариб Шоҳсанамнинг боғига келди. Рақиблардан хавотир олиб, Ғариб ва Шоҳсанам сафарга чиқдилар. Лекин ғариб йўлда юролмаб қолган Шоҳсанамни қолдириб, ўзи Халаф шаҳрига етиб, бир момонинг уйида яшай бошлайди.

Овга чиққан Шоҳаббос ўз қизини, танимаб унинг ҳуснига маст бўлиб йиқилади. Шоҳсанам отасининг отига миниб шаҳарга келади ва воқеани вазирларга етказди. Шоҳаббос гап нимада эканлигини тушунади. Вазири унга Ғарибга нисбатан адолатсизлик қилганлигини айтади. Шоҳаббос Шоҳсанамни Ғарибжонга топширдим, дейди. Шоҳсанам Ғарибни топиш учун Бобоҳон деган киши билан йўлга чиқади. Лекин Бобоҳоннинг йўлда феъли айниб, нияти бузилади. Шоҳсанам уни чашмага чўмилишга юборади. Бобоҳон шотир чашмага чўкиб ўлади. Эркак либосида йўлга тушган Шоҳсанам миршаб қўлига тушиб, зиндонбанд бўлади. У зиндонда ўз ҳолини кўшиқ қилади. Буғроҳонга бу гаплар етиб, унинг додини тинглаб, ўз юртига қайтаради.

Бу орада Шоҳаббос ўлиб, ўрнига Шоҳвалад подшо бўлиб, Шоҳсанамга совчи қўяди. Шоҳсанам имконсиз ҳолда Ақча канзининг маслаҳатига кўра етти ой тўй бериб, юртдаги барча ашулачи созандаларни келтириб кўшк олдидан қўшиқ айтиб ўтказишни шарт қилиб қўяди. Муҳлатга етти кун қолади. Шоҳсанам Азбархўжа деган савдогарни Халаф Ширвонга жўнатиб, Ғарибни топтиради. Ғариб воқеадан хабар топиб, кал сифатида аввал кўр бўлиб қолган онасининг олдига келиб, ўз созини сўраб олиб, кўшк олдида қўшиқ айтмоқчи бўлади. Лекин уни кет, кал, деб яқин йўлатмайдилар. Ғариб чойхоналарда ўтирган йигитлардан ўз номи қатағон қилинганини билади. Йигитлар ёрдамида кўшк олдида ўз номини қўшиб қўшиқ айтади. Подшо мулозимлари уни гуноҳкор қилиб, Шоҳвалад олдига етказишди. Шоҳ уни дорга осишни буюради.

Ғариб ўзининг бир ғариб эканлигини айтганда подшо уни озод қилиб, истаганча қўшиқ айтишига рухсат беради.

Шоҳсанам ва Ғариб кўшк олдида бир-бири билан қўшиқ айтишиб, савол-жавоб қилиб, топишиб, ҳушларидан кетишпади.

Воқеадан Шоҳвалад хабар топиб, Шоҳаббос даврида хизмат қилган икки мулозимни бу иккисини ҳам ўлдириш деб жўнатади. Лекин халқ тўшланиб, мулозимлар ҳам уларни ўлдиришга кўзлари қиймай, Шоҳсанам ва Ғарибни подшонинг олдига олиб борадилар. Подшо халқнинг ғазабидан чўчиб, уларни ўз ҳолига қўяди. Севишганлар мурод-мақсадига етади”³⁹.

Биз асос сифатида олган намуна қардош версия ва бошқа вариантлардан фарқли жиҳатларга эга. Достоннинг версия ва вариантлари ўртасидаги фарқ ва уйғунликларни аниқлаш бизнинг вазифамиз доирасига кирмаслиги сабабли бу хусусда тўхталмадик. Лекин бу масалалар фольклоршуносликда бирмунча кенг ўрганилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

“Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” достонининг биз юқорида келтирган нусхасини нисбатан мукаммал намуна сифатида олиш мумкин. Ушбу вариантда қаҳрамонлар ҳаёти тўлиқ акс этган бўлиб, илмий жамоатчилик ва кенг китобхонлар оммаси учун нашр қилинишида ҳам ана шу жиҳат инobatга олинган. Мавзунини ёритиш баробарида, биз ўрни билан бошқа вариантларга ҳам мурожаат қилиб, воқеликни тўла қамрашга, таянч нусхада тушиб қолган мотивларни тиклашга ҳаракат қиламиз.

Юқорида баён этилган асар сюжетини янада ихчам ҳолатга келтирсак, қуйидаги яхлит фабулага эга бўламиз:

Икки фарзандгалаб киши ўзаро қуда бўлишга аҳд қилишади. Уларнинг бири - қиз, иккинчиси - ўғил кўради. Болалар бирга улғайиб, муҳаббатлари ҳақиқий ишққа айланади. Лекин қизнинг отаси бевақт вафот этган дўстига берган аҳдини инобатга олмай, йигитни куёв қилишни хоҳламайди.

Йигит эса қиз отасининг таъқибидан қочиб, ўзга юртга кетишга мажбур бўлади. Ўзга юртда йигитни ўз паноҳига олган кишининг қизи уни қаттиқ севиб қолади, лекин йигит ўз севгисини унутолмай, унга рад жавобини беради.

Маъшуқа ўз севгилисини ахтариб, уни ёнига чорлайди. Ошиқ ёрининг тўйига бошқа суратда келиб, қўшиқ айтади. Ўзининг кимлигини сездиради. Маъшуқа ошиғини таниб унга ўзини бахшида қилади. Қизни олмоқчи бўлган шахс халқнинг ғазабидан қўрқиб, уларни ўз ҳолига қўяди.

Ушбу фабулани бошқа бир ишқий саргузашт дoston - “Тоҳир ва Зуҳра” фабуласи билан ўзаро қиёс қилайлик. “Тоҳир ва Зуҳра” дostonининг ихчамлаштирилган баёнини 1948 йил Тошкентда нашр эттирилган “Ўзбек поэзиясининг антологияси” дан келтирамиз:

“Бир замонлар Бобохон деган подшо ва унинг Баҳодир номли вазири бўлади. Уларнинг фарзанди бўлмайди, улар фарзанд тилаб, худога ёлворадилар. Бобохон бўлғуси болаларни бирга тарбиялашга, мободо ўз хотини қиз туғса, қизни вазирнинг ўғлига беришга аҳд қилади. Подшоҳнинг хотини қиз туғади, унга Зуҳра деб от қўядилар, вазирнинг хотини ўғил туғади, унга Тоҳир деб от қўядилар. Улар бирга тарбия олиб, бир-бирларини севади. Тоҳир беш ёшга кирганда отаси вафот этади. Бобохон ваъдасидан айнийди. У Тоҳирни “қорача”дан чиққан вазирнинг ўғли деб, уни тенг кўрмайди ва Зуҳра билан севишиб, кўришиб юрганидан хабар топиб, Тоҳирни сандиққа солиб, дарёга оқизишни буюради. Тоҳир бир неча ой сувда сандиқ ичида сузиб, кўп вақтлардан кейин Хоразмга бориб етади ва Хоразм шоҳининг қизига йўлиқади. Шоҳ қизи сандиқни дарёдан чиқартириб очтиради ва унинг ичида беҳуш ётган йигитни кўриб, унга ошиқ бўлади. Орадан бирмунча йиллар ўтади. Тоҳир Хоразмда яшашга мажбур бўлса ҳам, Зуҳранинг ишқига мубтало бўлгани учун шоҳнинг қизига уйланишга рози бўлмайди.

Бобохон Зуҳрани ўз жияни қоработирга (Баҳодирга) беришга қарор қилади. Зуҳра Воҳид деган хизматчисини чопар қилиб, Тоҳирни излашга жўнатади. Тоҳир қайтиб келиб, кечаси Зуҳра би-

лан кўришади. Маккор ва айёр бир кампир бу воқеадан хабар топади. Сирнинг очилишини сезган Зуҳра, нима бўлса ҳам, ўз ошиғи билан бир неча кун айш-ишрат қилишга қарор қилади ва ўртоқларини, созанда ва машшоқларни қасрга чақириб, тўй ва зиёфат қилади. Бобохон буни Зуҳра Тоҳирдан кечиб, қоработирга тегишга рози бўлди, деб ўйлайди ва никоҳ ўқитишга буюради. Тўйнинг асл моҳиятидан хабар олган Бобохон дарғазаб бўлади ва бечора ошиқларни банд қилиб, ўз ҳузурига олдириб келади. Тоҳир ва Зуҳра ўз ишқидан қайтмайди. Бобохоннинг ҳукми билан жаллодлар очиқ майдонда Тоҳирнинг калласини кесиб ўлдирадilar. Қоработир бу фурсатдан фойдаланиб, Зуҳрага уйланмоқчи бўлади. Зуҳра унга ваъда бериб жўнатади. Ўзи эса Тоҳирнинг қабри устига бориб, ханжар билан ўзини ўлдиради. Тоҳир ва Зуҳрани бирга кўмишади қоработир ҳам ўзини ўлдиради. Тоҳир ва Зуҳранинг қабридан икки гул ўсиб, бир-бирига чирмашади. Қоработирнинг қабридан чақиртиканак ўсиб, иккаласининг орасига киради.

“Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” ҳамда “Тоҳир ва Зуҳра” сюжетларини ўзаро муқоёса қилсак, улар орасида жуда яқинлик мавжудлигининг гувоҳи бўламиз.

1. Фарзандталаб оталарнинг қуда бўлишга аҳдлашуви.
 2. Подшонинг - қиз, вазирнинг - ўғил кўриши.
 3. Болаларнинг бирга ўсиб улғайиши даврида вазирнинг вафот этиши.
 4. Икки ёш ўртасидаги муҳаббатнинг кун сайин кучайиб, уларнинг чинакам ошиқ-маъшуқларга айланиши.
 5. Подшонинг аҳдидан қайтиб, йигитни таъқиб этиши ва натижада ошиқнинг ўзга юртга кетиб, ўз маъшуқасидан узоқ вақт айрилиқда бўлиши.
 6. Ўзга юрт подшосининг қизи йигитга шайдо бўлиши ва рад жавобини олиши.
 7. Маъшуқанинг ўз ошиғини сўроқлаб, махсус киши юбортириши.
 8. Ошиқнинг маъшуқаси ёнига қайтиши.
 9. Ошиқнинг ўз ёри тўйи устидан чиқиб қолиши.
 10. Қаҳрамонларнинг ҳалок бўлиши ёки қовушиши.
- “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”да қаҳрамон ўз маҳбубасининг тўйи устидан чиқади. “Тоҳир ва Зуҳра”да эса ошиқ ўз ёрини қоработирга зўрлаб унаштиришганида у билан қайта топишади.

Қаҳрамонлар тақдири бу дostonларда икки хил талқин этилган: Тоҳир ва Зуҳра ҳалок бўлишса, Ошиқ Ғариб билан Шоҳсанам бирга қовушиб, мурод-мақсадларига етишади.

Ҳар икки дostonнинг асосини ташкил этувчи юқоридаги қиёсдан ҳам маълум бўлмоқдаки, ушбу асарлар сюжет асоси деярли бир-биридан фарқ қилмайди. Янада аниқроқ айтилса, умумий ўн бўлимдан иборат сюжет асосининг тўққиз қисми айнан уйғун. Бу ҳолат нимадан далолат беради? Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, “Тоҳир ва Зуҳра”, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” дostonларининг туб илдилари ягона сюжет типига боғлиқ ҳолда ривож топган. Ушбу масаланинг энг эътиборли жиҳати шундаки, ўзбек фольклоридаги эпик асарларни илк бор кенг кўламда тадқиқ этиб, бутун дунёга маълум қилган фольклоршунослар В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифовлар ўзларининг “Ўзбекский народный героический эпос” деб номланган фундаментал тадқиқотларида қаҳрамонлик эпосининг мумтоз намунаси бўлмиш “Алпомиш” дostonининг сюжети ҳақида фикр билдирар эканлар: “Айни жиҳатларига кўра “Алпамыш” ва “Бамси Бейрек” билан машҳур халқ дostonлари “Тоҳир ва Зуҳра”ни ва унга ҳар жиҳатдан уйғун халқона манба сифатида кўрсатиш мумкин бўлган қозоқ халқ дostonи “Козы корпеш ва Баян-Сулу”ларнинг ўзаро яқинлигини кўрсатиш мумкин”⁴⁰ - деб ёзадилар.

“Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” дostonи сюжетини ташкил этувчи етакчи мотивларнинг “Алпомиш” ва бошқа шу тип сюжет асосида шаклланган асарга ўхшаш эканлигига фольклоршунос С.Рўзимбоев ҳам алоҳида диққат қилган. “Дostonга асос бўлган сюжет жуда қадимий бўлиб, у турли халқлар орасида кенг тарқалган, ҳатто Гомернинг машҳур “Одессея”си замирида ҳам ушбу сюжет ётади. В.М.Жирмунскийнинг ёзишича, “Эрнинг ўз хотини тўйи устига келиши ҳақидаги сюжетнинг француз, немис, инглиз, итальян, испан, скандинав, рус, славян халқлари фольклорида ҳам турли кўринишлари бор. В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифовлар бу сюжетнинг “Алпомиш” сюжетига ўхшашлигини ҳам қайд этганлар. Ўз навбатида, мазкур сюжет “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”нинг яратилишида ҳам асосий материал бўлиб хизмат қилганлиги шубҳасиз. Агар биз Бамси Байрак ва Бону чечак саргузаштлари билан Ғариб ва Шоҳсанам саргузаштларини қиёсласак, бунга тўла ишонч ҳосил қила оламиз”⁴¹.

Демак, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” дostonи асосида турувчи сюжет ўта қадимий бўлиб, нафақат ўзбек ва қардош туркий халқлар фольклорида, балки дунёнинг кўпчилики халқлари орасида ҳам кенг тарқалган экан. Лекин “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”да бу сюжет бошқа асарлардан фарқли ўлароқ, бахши-шоир-ошиқ ва унинг маъшуқасининг муҳаббат тарихи ҳамда ўй-ке-

чинмаларини ўзида акс эттирган. Достон соф муҳаббат мавзусини акс эттиришига қарамай, унда қадимий сюжетдаги мифологик талқинлар аниқ сақланиб қолган. Биргина мисол: “Алпомиш”, “Бомси Байрак” ва “Одиссея” достонларининг ўзаро муштараклигини исботловчи мотив қаҳрамоннинг ўз ёри тўйининг устига келишидир. Аини мотив “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” достонида ҳам мавжуд. Юқорида номлари саналган асарлардаги ушбу мотив талқинлари ўзаро қиёсланса, ҳайратланарли уйғунлик мавжудлигини кўрамиз. Бизнингча, бу уйғунлик бежиз юзага келган бўлмаса керак.

“Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” достонида бу ўрин шундай баён этилади: “Ғариб бу гапларни эшитгач, Шоҳсанамни кўриш учун бошига телпак, эгнига пўстин кийиб, устидан бир белбоғ боғлаб, кал сифатига кириб, кўп йўл юриб, ўзининг юртига, онасининг уйига келади”⁴². Бомси Байрак ҳам бахши қиёфасида ўз юртига қайтиб келади. Алпомиш эса қултой сиймосида тўйга боради. Ҳар учала достонда ҳам қаҳрамон бевосита ёки билвосита бахши сифатида тўйга бориб, қўшиқ куйлайди. Бомси Байрак ва Алпомишнинг ўз рақибларини ўқ-ёй билан бартараф этиши етакчи ўринга чиқса-да, уларнинг бахши сифатидаги роли ҳам мутлақ четга сурилган эмас. Хусусан, Алпомишнинг қултой бўлиб, Бодом бикач ва Барчин билан ўлан айтишуви бу ҳолнинг ёрқин мисолидир.

Қаҳрамоннинг бу хил ҳолатда ўз ёрининг тўйига келиши мотивининг туб илдизлари ҳақида фольклоршунос Ж.Эшонқулов шундай ёзади: “Алпомиш нега айнан қултой қиёфасига, Бомси Байрак нега айнан Дали Ўзон қиёфасига кирди, деган саволга эпосда гўё очиқ жавоб йўқдай. Бомси Байракнинг Дали Ўзон қиёфасига кириши ҳомий руҳ - қўрқут ота қиёфасига киришидир”⁴³. Олим ўз фикрини давом эттириб, “қултойнинг ҳам, қўрқут отанинг ҳам аждодлар култи билан боғлиқлиги китобдаги жуда кўп жойларда рамзий-гимсолий тарзда бериб ўтилади. Маълумки, аждодлар култини ифода этган ҳомий руҳ маданий қатлам даврида ғайб дунёси ва инсонларни бир-бирига боғлаб турувчи кишига айланади. Худди “Алпомиш” достонидагидек қултой каби қўрқут ота ҳомий руҳ сифатида гавдаланади”⁴⁴, - деб ёзади.

Фольклоршунос Ш. Турдимов ҳам “Аллик тизими ҳақидаги тасавурлар ва “Алпомиш” мақоласида”⁴⁵ қултойнинг ҳомий эран сифатида намоён бўлишини ёзган. Ж.Эшонқулов эса: “Алпомишнинг ўз хотинининг тўйига келиб қултой қиёфасида, Бомси Бай-

ракниг Дали Ўзон қиёфасида ўлан айтиш ҳолати бу яна бир бор мазкур эпоснинг тарихий илдизлари жуда қадимга бориб тақалишидан дарак беради...”, - деб ёзган.⁴⁶

Ўз-ўзидан, Ошиқ Ғарибнинг ҳам Шоҳсанам тўйига кал ошиқ қиёфасида келиши қаҳрамоннинг “ўзга” оламда қайта камол топиб, синовлардан ўтиб, “янги одам” сифатида ўз юртига қайтишини билдиради. Лекин бу мотив романик дostonлар гуруҳига мос равишда трансформацияга учраган. Асосий урғу қаҳрамоннинг ошиқлигига, бахшилигига қаратилган.

Ғарибнинг кал қиёфасини олиши ҳам бежиз эмас. Чунки кал образининг туб илдизлари ҳам мифологик асосга эга. Бу ўринда ўзбек халқ эртакларидаги ва бошқа дostonлардаги кал қиёфасига кирган Кайқубод, Ёзи каби образларни эслаш кифоя.

Юқорида келтирилган биргина мотив таҳлили ҳам “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” дostonига асос бўлган бобосюжетнинг шаклланишида миф ва мифологик дунёқараш муҳим ўрин тутганлигини кўрсатади. Бу хусусида қуйироқда етакчи мотивлар таҳлили фаслида батафсил тўхталамиз.

Демак, “ошиқ” туркум дostonларидаги биз шартли равишда ажратган биринчи тип сюжет қадимий мифологик асосли бобосюжет анъаналарига боғлиқ равишда шаклланганлиги ойдинлашмоқда. Айни пайтда, ушбу сюжет нафақат ўзбек фольклори, балки қардош ва бошқа дунё халқлари орасида ҳам кенг тарқалганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

“Ошиқ” туркуми дostonлари сюжетининг иккинчи типига мансуб “Ошиқ Маҳмуд” ва “Ошиқ Албанд”лар ўзаро муқојса қилиниб, уларнинг сюжет таркиби яхлит ҳолатга келтирилса, ушбу тип сюжетга хос қуйидаги етакчи мотивлар аниқ кўзга ташланади.

1. Фарзандталаб ота-онага гайбдан фарзанд ато қилиниши.

“Ошиқ Маҳмуд” дostonидаги айни мотивни ушбу тип сюжетга асосланган иккинчи бир романик дoston - “Кунтуғмиш”да ҳам кўрамиз.

“Ошиқ Албанд” дostonи ноанъанавий тарзда, яъни қаҳрамон вояга етиб, ўз устози - пири тарбиясида бўлган пайт, пирининг шону шуҳрати ва унинг ўз шогирди Ошиқ Албандни беллашув учун Одилхон ҳузурига юбориши воқеалари тафсилоти билан бошланади. Ўйлаб қаралса, Ошиқ Албанднинг ўз ҳомийси - пири тарбиясида бўлиши моҳиятан илоҳий туғилиш мотивининг мантиқий давоми ҳисобланади. Чунки эпик анъаналар талабига кўра, илоҳий ҳомила топиб, ҳомий руҳлар назоратида бўлган қаҳрамон, ҳомийлар томонидан тарбияланиб, доимий равишда кўмак

олиб туради. Достон сюжетининг навбатдаги таянч мотиви бу ҳолатни тасдиқ этади.

2. *Ошиқ-маъшукнинг бир-бирига тушда кўнгил боғлаб, тақдирлари бир эканлигини билиши.*

3. *Ошиқнинг маъшукасини излаб йўлга чиқиши.*

4. *Ошиқнинг ўз йўлида турли тўсиқ-синовлардан ўтиши.*

Худди шу ўринда романик, хусусан, ошиқ достонларига хос бўлган тўсиқ синов кўринишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Қаҳрамонлик типидagi достонларда қаҳрамон йўлидаги синовлар унинг жасорати, жанг маҳорати, куч-қудрати билан баргараф бўлса, ишқий романик, жумладан, “ошиқ” туркум достонларида асосий тўсиқ - синов унинг ўз севгилисига бўлган муҳаббатининг қанчалик даражада кучлилиги билан исботланади. “Ошиқ Албанд”, аввало, Жаҳонгир халифанинг қизи Сарвинозга, сўнгра Хўжа Ғойибнинг уйидаги уч юз олтмиш қизларнинг аълоси бўлмиш опа-сингил Гулжамол ва Дуржамолларга дуч келади. Ҳатто, “Албанд шайтон вос-воса қилиб: “Сўна деб умрим ўтар, кел шуларнинг бирини Сўна деб даврон сурайин”, - деб бир дам тушди. Шул вақтда бир бобойи мўйсафид келиб айтди: “Э, Албанджон, ҳай-ҳай, албатта бир ишда?”⁴⁷.

Ошиқ Маҳмуд ҳам дарё бўйида икки қизга дуч келади. Қизлар уни Нигорхондан қайтармоқчи бўлишади:

“– Эй Маҳмуджон! Сенинг бу мақсадингни амалга ошмоғи мушкулдир, шаҳри Лут билан сен турган жой беш ойлик йўлдир, йўлда қанчадан-қанча девлар, аждаҳолар, офат ва балолар бор. Бундай азоб чекиб ўлиб кетгандан кўра, бизларнинг биримизга Нигорхон от қўйиб, никоҳингга олиб қўя қолсанг бўлмасми? - деди. Бизлар ҳам Нигорхон турган ўринда туришимиз мумкин-ку!”⁴⁸.

Ошиқ Маҳмуд қизларга яхши сўзлаб, рад жавобни беради. “Ўткинчи ҳавас билан ҳуснингни хароб этма!”⁴⁹ - дейди. Маълум бўлмоқдаки, бу ўринда диққат-эътибор ошиқнинг муҳаббати, ишқ кудратига қаратилган.

5. *Ошиқнинг маъшукаси яшиовчи шаҳарга келиб, ўзига хайрихоҳ киши билан дуч келиши.* “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Ошиқ Маҳмуд” достонларида хайрихоҳ шахс баққол сифатида намоён бўлади.

6. *Ошиқнинг бахши эканлиги маълум бўлиб, подшо саройига тақлиф этилиши ва унинг бу ерда ўз севгилиси васлига эришиши.*

7. *Рақиб томонидан ошиқ-маъшук сирининг ошкор қилиниб, уларнинг жазога тортилиши.*

8. Ошиқ-маъшуқаларнинг ҳамкор дўст ёки ҳомий ёрдамида мурод-мақсадларига етишиши.

“Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Ошиқ Маҳмуд” дostonлари ўртасида бир хил умумий жиҳатлар билан бир қаторда, уларни бир-биридан фарқлаб турувчи хусусий сюжет йўналишлари ва мотивлар ҳам мавжуд. Бу жиҳат биринчи галда “Ошиқ Маҳмуд” дostonидаги дўст-ҳамкор йўналишидир.

Дostonда тасвирланишича, Ошиқ Маҳмуднинг тушига нуроний чол кириб: “-Ўғлим Маҳмуджон! Қамбаржон деган бир яхши йигит бор. Нигорхонни олишга борганинда, унинг устидан бориб, бирга олиб кет, иншолло, йўлинг оқ, йўлдошинг ҳақ бўлғай”, - деб уч коса шароб ичириб, оғзига туфлаб, орқасига шапиот уриб, йўл-йўриқлар кўрсатиб, ғойиб бўлди”⁵⁰. Қамбар ҳам шу хилда туш кўради⁵¹. Қамбар ҳам Ошиқ Маҳмуд каби бахши. Икки дўст подшо саройида қўшиқ айтганида Ошиқ Маҳмуднинг сирини ошкор бўлишидан асраш учун Қамбарнинг хатти-ҳаракатлари, айниқса, ошиқ Маҳмуд ва Нигорхон дарёга оқиб кетишганида уларни Қамбарнинг излаб топиши унинг илоҳ томонидан сайланган ҳақиқий дўст эканлигини исбот этади.

Маҳмуднинг рақиблари - даргоҳдан қувилган бахшиларнинг уни дарёга ташлаши, Нигорхоннинг ҳам ўзини дарёга отиб, севишганларнинг ҳалок бўлиши ва уларни Қамбарнинг дарё адоғидаги Мамлакат подшонинг боғидан топиши, шамол билан пайдо бўлган икки нуроний чолнинг ошиқ-маъшуқларни тирилтириши “Ошиқ Маҳмуд” дostonи сюжетини ўзига хос кўринишда шакллантиради.

Дostonдаги ушбу мотивлар бевосита мифологик асосга эгалиги билан ҳам эътиборга молик. Қаҳрамоннинг дарёга оқиши мотиви моҳиятан ўзга оламга саёҳат, сафар билан боғлиқ синов ҳисобланади. Бу мотивнинг қадимий кўринишини “Тоҳир ва Зухра” дostonидаги Тоҳирнинг сандиққа солиниб, дарёга оқизилишида кўрамиз. Аслида “Тоҳир ва Зухра”даги эпик дарё ўзга оламга олиб борувчи мифик дарёдир. “Ошиқ Маҳмуд” дostonидаги ошиқ-маъшуқлар фарқ бўлган дарё ҳам айнан ана шу мифик дарё билан боғлиқ. Ошиқ Маҳмуд ва Нигорхонининг мифологик дарёга фарқ бўлиб, ўзга юртга оқиб боришлари ва у ерда дўст - Қамбаржоннинг илтижолари, заҳмати ва ҳомий - эранларнинг ёрдамида қайта тирилиши уларнинг чинакам ишқ синовидан ўтиб, янги ҳол билан қайта тирилишларини билдиради.

“Ошиқ” туркум дostonларининг биз юқорида яхлитлаштириб, ихчам ҳолатга келтирган сюжет типи ҳам ишқий романик дос-

тонлар орасида кенг қўлланилади. Бу ўринда “Кунтуғмиш” ва “Гўрўғли” туркум дostonлари орасидаги ишқий-саргузашт характеридаги намуналарини мисол тариқасида келтириб ўтиш мумкин.

“Ошиқ” туркум дostonларининг ҳар иккала тури ҳам мифологик асосда шаклланиб, янгича талқинлар олганлигини ушбу сюжет ҳалқаларини ташкил этувчи етакчи мотивлар таҳлили янада ёрқинроқ намоён қилади.

Умумўзбек эпик ижодининг таркибий бир қисми бўлмиш Хоразм дostonларида мифларнинг тутган ўрнини белгилашда анъанавий мотивларнинг дастлабки эпик ячейка сифатидаги функцияларини кўрсатиб бериш муҳим аҳамиятга эга. Эпик мотивларнинг шаклланишида мифик тасаввурлар муҳим асос вазифасини бажарганлиги илмий адабиётларда қайд қилинган.

Фольклорнинг эпик жанрларида, айниқса, кўпчилик эртак ва дostonларнинг бошлама тизимига оид анъанавий мотивлари силсиласидаги дастлабки ҳалққа қаҳрамоннинг ғайриодатий туғилиши мотиви ҳисобланади². Умумўзбек эпосига хос бўлган бу эпик анъаналари Хоразм дostonчилигида ҳам, хусусан, “ошиқ” туркум дostonларида ҳам кузатилади.

А) қаҳрамоннинг ғайритабиий туғилиши мотиви.

Ғайритабиий туғилиш мотивининг эпик асар учун аҳамиятли жиҳати шундаки, бу мотив орқали асарда тасвирланадиган воқеалар ривожда ҳаракат қиладиган бош қаҳрамон белгилаб олинади. Маълумки, дoston сюжет қурилишидаги барча мотивлар яхлит ҳолда бирлашиб, бош қаҳрамоннинг эпик биографиясини ташкил этади. Қаҳрамоннинг ғайритабиий, ноодатий, мўъжизавий дунёга келишининг маълум сабаби бор. Дostonда етакчи персонаж сифатида ҳаракат қиладиган қаҳрамон асарда тасвирланган эпик воқеаларнинг яхлитлиги учун курашувчи, маълум етишмовчиликларни бартараф этувчи шахс сифатида ҳаракат қилади. Ўз юртини, элини босқинчи душман ва ёвуз кучлардан ҳимоя этади, узоқ юртдан бирор нарсани олиб келиб ўз эпик воқелигидаги бўшлиқни тўлдиради, эпик маконнинг дахлсизлиги учун курашади.

Эпик анъанага кўра, асосий қаҳрамоннинг бошқаларда учрамайдиган алоҳида магик хусусиятларга, оталар руҳи ва ҳомий-эран-пирларнинг мададига эришуви ва ана шу асосда беқиёс қудрат эгаси бўлиши қоида даражасида турғун шаклга келган. Чунки ана шу хусусиятлар соҳиби бўлмай туриб, у ўз зиммасидаги вазифаларни уддалай олмайди. Шунинг учун ҳам эпик қаҳра-

моннинг ғайриоддий туғилиши, яъни ҳомий кучлар иштирокида дунёга келиши мотиви дoston сюжетининг анъанавий элементи-га айланиб, энг асосий белги, хусусият касб этган.

Ғайритабиий туғилиш мотивининг келиб чиқиши ва тараққиёти В.Я.Пропшнинг қуйидаги мулоҳазалари муҳим аҳамиятга эга бўлди: “Инсоният маданий тараққиётининг қуйи босқичларида жамиятнинг барча аъзолари бирдек ғайритабиий ҳолда туғилди, деб анланганлигини кузатиш мумкин. Бу ҳолатни австрияликлар ҳаётида кўрамиз. Кейинчалик эса фақат қабила қаҳрамонлари, ярим тангрилар, оловни олиб келувчилару уруғ овчилар ва шу каби юмушларни уддаловчиларгина бундай шарафга муносиб топилган. Шимолий Америка ва аксарият Африка ҳамда Океанияда яшовчи нисбатан юқорироқ маданий даражага эришган қабилаларда ушбу ҳолат мавжуд. Бу ердаги мифларда ғайритабиий туғилган бола халоскор сифатида намоён бўлади. У одамларга оловни олиб келиб беради, жамоадаги умумий тартиб ва муқаддас маросимларни жорий этади ва ҳ.к. Бу хил мифлар сакрал мазмунга эгадир”⁵³.

Демак, ғайритабиий туғилиш ҳақидаги тасаввурларнинг алоҳида мифологик сюжет таркибидаги кўриниши дастлаб уруғ-қабилаларнинг пайдо бўлиши, сардорлар, ярим тангрилар, уруғ аждодларнинг дунёга келиши тўғрисида ҳикоя қиладиган тотемистик мифлар шаклида тарқалган. Бундай мифлар “сакрал” характерда бўлган ҳамда тотемистик тушунчаларга алоқадор маълум қарашларни ифодалаш, тушунтириш, изоҳлаб бериш вазифасини бажарган. Мифологик коднинг бадий-эстетик детал (образ, мотив, сюжет)га айланиши жараёнида ғайритабиий туғилиш мавзусидаги тотемистик мифлар сюжети ҳам фольклор асарлари таркибига кириб қолган.

Хоразм дostonларида ҳам ғайритабиий туғилиш мотиви турли хил эпик баён этилган. Бу мотивнинг ўзига хос кўринишдаги бадий шакллари тарихий-генетик нуқтаи назардан ўрганиш Хоразм дostonларининг мифология билан узвий алоқадорлигини кўрсатувчи кўплаб илмий далилларни беради. Хоразм дostonлари силсиласида алоҳида ўрин тутувчи “ошиқ” туркум дostonларидаги ғайритабиий туғилиш мотивининг туб илдизлари хусусида фикр юритишда ушбу мотивни умумхоразм эпик анъаналари кўламида олиб мулоҳаза юритиш талаб этилади. Ана шунда “ошиқ” туркум дostonларида бу мотивнинг қайси кўриниши қўлланилиб, ўз бадий талқинини олганлигининг сабаб ва оқибатлари ҳақида тўла тасаввур ҳосил этиш ва илмий баҳолаш

имкони пайдо бўлади. Шу сабабли ҳам биз бу мотивни нафақат “ошиқ” туркум дostonлари, балки қатор романик дostonлар билан ҳам ўзаро қиёс қилган ҳолда олиб талқин этишни мақсадга мувофиқ деб билдик. Бу ўринда ғайритабиий туғилиш мотивининг таркибий қисмлари батафсил таҳлил этилади.

Эпосда бўлажак қаҳрамоннинг ота-онаси фарзандсизлик дондан ўртаниб-куйиб юришганида уларнинг оиласида фарзанд дунёга келиши ҳомий кучлар ёки ғайриоддий мавжудотлар томонидан аввалдан башорат қилинади. Ишқий-саргузашт характеридаги воқеаларни ўз ичига олган асарлардан бири “Ҳурлиқо ва Ҳамро” дostonида ана шу мотивнинг анимистик мифология билан боғлиқ ўзига хос эпик тасвири мавжуд.

Бевосита қадимги мифлар билан боғлиқ эпик мотивлар асосий ўринни эгаллайдиган бу дoston фарзандсизлик мотиви билан бошланади. Дostonдаги асосий образлардан бири бўлган Хисравшоҳ фарзанд тилаб, Али Шоҳимардоннинг гумбазида ухлаб қолади. Гумбазга сиғиниб, ундан фарзанд тилаб, илтижо қилган пайтда гумбаздан садо чиқади: “Ҳой, фуқаро Хисравшоҳ, тилагинг қабул бўлди, муродинг ҳосил бўлди, санго уч ўғил, бир қиз ато қилурмиз” (қўлёзма, 7-бет).

Бевосита “ошиқ” туркумига кирувчи “Ошиқ Маҳмуд” дostonида эса ҳомий-пирнинг нуроний чол кўринишида Ганжабой подшонинг тушига кириши анимистик миф асосида тасвирланган. Подшонинг қўлига сеҳрли олмани тутқазган оппоқ соқолли чол бу мифик куч қаҳрамон қачон туғилиши, унга қандай исм қўйилиши ва неча ёшида ҳомийлар тасарруфига ўтишини олдиндан башорат қилади:

“Ганжабой деган подшонинг ёши олтмишдан ошиб кетган бўлса ҳам, на ўғли, на қизи бўлган. У мамлакат ишларини вазирга топшириб, Шоҳимардон пирнинг қабрига бориб, қирқ кеча, қирқ кундуз ётди. Қирқинчи кеча туш кўрди. Тушида нуроний бир чол уч коса шароб бериб ичирди, сўнг бир дона қизил олма бериб:

- Эй, Ганжабой подшоҳ, шу олмани уйингга олиб бориб, хотининг билан бўлишиб есанг, шу кунлардан ҳисоблаб офати жаҳон, ҳусни равшан бир ўғлинг бўлади. Отини Маҳмуджон қўйиб, қирқ кеча, қирқ кундуз тўй бергайсан. Беш ёшида мактабга элтиб бер, ўн икки ёшида қўлингдан оларман, - деб ғойиб бўлди”.

Шоҳимардон пирнинг тушга кириши ва фарзандталаб кишининг муроди ҳосил бўлганлигини айтиши мотиви Хоразм дostonлари учун хос бўлган анъанавий ҳолат. Чунки “Ҳамрожон” дос-

тонида ҳам бефарзанд подшонинг фарзандли бўлиши шу мотив асосига қурилган. Достонда тасвирланишича, Миср вилоятининг подшоси бефарзанд бўлганлиги учун ҳожатгалаб, бўлиб мазоротда ястаниб ётади. Бошқа достонлардаги каби у тўғридан-тўғри Шоҳимардон пир қабрига зиёратга бормайди. Уни бу зиёратга афсонавий Хизр ундайди. Достонда баён этилишича, Миср подшоси мазоротда ётганида қирқинчи куни ҳазрати Хизр алайҳиссаломни кўради. Хизр алайҳиссалом: “Ул кўринган ҳазрати олий Шоҳимардон турур. Барча ҳожатмандлар анда бориб тунарлар. Шоҳимардонда тунаган халқнинг ҳожатини худо берур, деб сиз ҳам Шоҳимардоннинг қабрида тунангиз”, - деб фотиҳа қилиб, рухсат беради. Подшо Шоҳимардоннинг мазорига бориб тунайди, шунда Шоҳимардон пир унинг тушига кириб: “Подшо, сенинг учун тўқсон тўққиз мартаба боргаҳи вожиб ул-вужудга бордим. Худодин нидо келдиким, ё Али, мен подшога ҳаргиз ўғил бермас эрдим, сенинг хотиранг учун уч ўғил, бир қиз бердим, аммо аларнинг жонин ўн тўрт ёшга кирганда олурман деди”, - дейди”⁵⁴.

Бу тип мотивларда халқимизнинг ота-боболар руҳига ишониш, аجدодлар культига мадад сўраб сиғиниш билан алоқадор мифологик тасаввурлари ўз аксини топган. Ўрта Осиёда ҳомий-пир сифатида анъанавийлашган Шоҳимардон - ҳазрат Али култида ҳам ота-боболар руҳига мурожаат қилиб, уларнинг ҳомийлигидан баҳраманд бўлишга қаратилган мифик қарашлар акс этган.

Маълумки, “Гўрўғли” достонининг Хоразмда тарқалган версиясида ҳам қаҳрамоннинг бефарзанд бўлганлиги айтилади. Аммо унинг тутинган ўғиллари бўлиши ҳақидаги хабар қаҳрамонга пирлар томонидан аввалдан башорат қилинади. Матназар Жаббор ўғлидан ёзиб олинган “Авазнинг Чамбилга келтирилиши” достонида баён қилинишича, Гўрўғли фарзандсизлик доғидан куйиб, ўртаниб юрганида бир куни кечаси ётиб туш кўради. Тушида пирлар кўриниб: “Гўрўғли, сен бизнинг мард ўғлимизсан, бефарзандман деб қисиниб юрма, Авазхон деган бир ўғилни сенга асранди қилиб берармиз, уни сен излаб топарсан”, - деб пирлар кўздан ғойиб бўлади⁵⁵.

Ўзбек халқ достонларининг кўпчилигида бўлгани каби Хоразм эпик ижодида ва бевосита “ошиқ” туркум достонларида ҳам бефарзанд шоҳ оиласида фарзанд туғилиши, яъни эпик қаҳрамоннинг дунёга келиши Шоҳимардон-Али, Хизр, оқ соқолли пир, қаландар дуоси билан боғлаб тасвирланади. Бефарзанд шоҳ си-

ғиниб борган мозор Шоҳимардон қабри деб таърифланиши аслида кейинги ҳодиса. Мотивнинг қадимий намуналарида ғайритабиий туғилиш оталар арвоҳи иштирокида рўй беради, деган мифик тасаввур ифодаланган. Фарзандталаб кишилар ўз отабоболарининг арвоҳига сиғинганлар ва улардан мадад сўраганлар. “Оталар арвоҳи” тушунчаси бўлса, уруғ, қабила аъзолари тарафидан муқаддас деб тасаввур қилинган тотемга сиғинишдан келиб чиққан. Ислом дини кириб келганидан кейин “тотем-ота”, “тотем-она”, “оталар арвоҳи” образи мусулмон дини ғояларини ташувчи Али (Шоҳимардон) номи билан алмаштирилган.

Жаҳон халқлари фольклорида бўлгани сингари, ўзбек халқ оғзаки бадий ижодиёти, хусусан, Хоразм дostonларида ҳам қаҳрамоннинг ғайриоддий туғилиши ҳомиланинг қай йўсинда пайдо бўлганлигига қараб турли хил эпик талқин қилинади. Атоқли фольклоршунос олим В.Я.Проппнинг таснифича, халқ оғзаки бадий ижодиётида ғайриоддий (никоҳсиз) туғилишнинг қуйидаги турлари мавжуд: 1) бирор нарсани еб бўйида бўлиш; 2) дуо воситасида ҳомиладор бўлиш; 3) сув ичиб ҳомилали бўлиш; 4) одамнинг қайта дунёга келиши; 5) печкадан (ўчоқдан) туғилиш; 6) вафот этган кишининг этини еб ҳомиладор бўлиш; 7) ёғочдан бола ясаб олиш⁵⁶.

Албатта, ушбу тасниф бевосита рус фольклори намуналари асосида тартиб берилган. Шундай бўлса ҳам, уни қиёс сифатида олиб, ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари билан чоғиштириш мумкин.

Хоразм дostonларида қаҳрамоннинг туғилишини ҳомийлар томонидан туҳфа қилинган сеҳрли нарсалар билан боғлаб тасвирлаш анъанаси ҳам кенг ишланган. Бефарзанд шоҳ пир ва ҳомийлар томонидан берилган нарсани хотини билан бўлишиб ейди ва шунинг натижасида аёл ҳомила топади. Қаҳрамоннинг дунёга келишига сабаб бўлган восита кўпинча олма, хурмо каби мевалардан иборат бўлади. Бу нарсалар қаҳрамоннинг отаси ёки онасига ғойибдан берилади. Яъни сеҳрли қудратга эга бўлган нарсаларнинг берилишида қаҳрамонга ҳомийлик қиладиган ғайриоддий мифик кучлар иштирок этишади. Бу мотивнинг Хоразм дostonларидаги ўзига хос кўриниши “Ошиқ Маҳмуд” дostonида учрайди.

“Шоҳимардон пирнинг мозорида ётиб, қирқинчи кеча туш кўрган Ганжабой подшоҳ тушига кирган нуроний чолнинг қўлидан олма олиб, севишиб уйига қайтди. Олманинг ярмини хотинига бериб, ярмини ўзи еб, хотини билан ишратга машғул бўлди.

Шу кундан ҳисоб бўлиб, тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соат, тўққиз дақиқада ҳусни офтобдай равшан ўғил бўлди. Отини Маҳмуджон қўйиб, қирқ кеча, қирқ кундуз тўй берди”⁵⁷.

Олма еб ҳомиладор бўлиш мотиви ўзбек фольклоридаги “Олмос ботир”, “Яримтажон”, “Зар кокилли йигит”, “Ҳақимбек ботир”, “Қора мушкул от” ва бошқа эртакларда ҳам учрайди.

“Қора мушкул от” эртагида баён қилинишича, фарзандсиз подшонинг олдига бир қаландар кириб келади ва кўлбаридан бир олма чиқариб беради. Подшо олмани олиб, ярмини ўзи еб, ярмини хотинига едиради. Хотини тез фурсатда ҳомиладор бўлади⁵⁸.

“Кичкинажон-кичкина” эртагида фарзанди йўқлигидан гам-ғуссага ботиб қолган подшоҳнинг саройига бир қаландар кириб келади ва унга учта олма беради. Подшо ана шу олмаларни ўзининг уч хотинига беради. Олмани егандан кейин подшонинг хотинлари ҳомиладор бўлиб, орадан тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз дақиқа ўтгач, уч ўғил туғадилар⁵⁹.

“Пича ва Куча” номли абхаз халқ эртагида малика ва тегирмончининг хотини олма еб, ҳомиладор бўлишади. Қиш кунларининг бирида боғда айланиб юрган малика дарахтда иккита олма борлигини кўриб қолади. Малика олмани олмоқчи бўлганида биттаси сувга тушиб, оқиб кетади. Дарахтда қолган олмани малика олиб ейди. Сувда оқиб кетган олмани эса тегирмончининг хотини топиб олиб ейди. Тез орада булар иккови ҳам ҳомиладор бўлиб, ўғил туғадилар⁶⁰.

А.Н.Веселовский томонидан рус тилида нашр этилган бир румин эртагида ҳам тотемистик миф асосида келиб чиққан ана шу халқаро мотив мавжуд: Бефарзандлик азобидан қийналиб кетган бир чол қалин ўрмон ичида ғорга дуч келади. ғорга кирса, у ерда бир таркидунё қилган киши бор экан. Ўша одам чолга битта сеҳрли олма беради-да, уйга боргач, ярмини ўзи еб, ярмини хотинига бериши лозимлигини таъкидлайди. Шундай қилинганч, чолнинг камшири ҳомиладор бўлиб, ўғил туғади.⁶¹

“Хирмондали” достонида унинг онасига тушида ғойибдан бир хурмо беришади. Шундан кейин у ҳомиладор бўлиб, қиз кўради. Исмини Хурмо деб қўйишади. Қиз шаддод бўлиб ўсганлиги сабабли унга “дали” – шаддод лақабини берадилар. Хурмо дали кейинчалик Хирмондали тарзида айтиладиган бўлади (қўлёзма, 2-бет).

“Ошиқ” туркум достони “Ошиқ Маҳмуд”да Ошиқ Маҳмуднинг ғайритабиий ҳомила бўлишида восита бўлган олма детали-

нинг қўлланилиши тасодифий ҳодиса бўлмай, халқимизнинг бу мева билан боғлиқ қадимий мифик қарашлари асосида келиб чиққан.

Олма билан боғлиқ лавҳалар “Ройи Чин” достонида ҳам мавжуд бўлиб, у севгилисини олма билан уриб, унинг тушида никоҳланган ошиғи эканлигидан хабар беради.

Г.П.Снесаревнинг ёзишича, мевали дарахтларнинг оила ва авлод масаласи билан алоқадорлиги қадимдан келаётган магик одатлардан иборат бўлиб, у Анахита билан боғланади. Ўша даврда анор оилавий фаровонлик рамзи ҳисобланган. Маъшуқага олма отиш одати Хоразмда ҳозиргача сақланган. Шовот туманида Рамазон ойининг иккинчи кунида ушбу одат ҳар йили нишонланади⁶². Олма отиш, уни оила рамзи, тотем сифатида эъзозлаш билан алоқадор лавҳалар “Саёд ва Ҳамро”, “Хурлиқо ва Ҳамро” дostonларида ҳам кўзга ташланади.

Филология фанлари доктори А.Мусақулов “Қўшиқларда олма, анор севги, ёр, фарзанд тушунчаларидан йироқ бўлмайди”, - деб ёзади⁶³.

Олма дарахтининг фарзанд туғилиши ғояси билан боғланишини қирғиз халқининг удумларида ҳам кўриш мумкин бўлади. А.Мусақуловнинг китобида келтирилган маълумотларга қараганда, “бефарзанд қирғиз аёли олма дарахти тагида ёлғиз сайр қилса, фарзанд кўришига ишонган”⁶⁴.

“Ғайриоддий тирилиш” ва “олмани ҳидлаб тирилиш” мотивларининг генетик жиҳатдан алоқадорлиги масаласида ўз фикрларини баён қилган филология фанлари доктори Ж.Юсупов шундай ёзади: “Олмани ҳидлаб тирилиш бу рамзий деталь (яъни олма детал) билан боғлиқ анъанавий сюжет элементлари тизимидаги мотивлар блокига мансубдир. Эпик қаҳрамоннинг ғайриоддий туғилиши бефарзанд шоҳ хотини ёки кекса кампирнинг олма еб ҳомиладор бўлиши мотивини ҳам ўз ичига олади. Демак, бу ўринда ғайриоддий туғилиш ва ғайритабиий равишда қайта тирилиш мотивлари мантиқан ўзаро тенгдир. Ҳар икки ҳолатда ҳам ғайритабиийлик олманинг магик хусусияти билан боғлиқ”⁶⁵.

Қадим мифологик эътиқодга кўра, олма ҳосилдорлик, барака, фарзанд ато этувчи кучлар билан боғлиқ тимсоллардан бири ҳисобланган. Матриархат даври кишиларининг партогенез, яъни эрга тегмасдан ғайриоддий ҳолатда ҳомиладор бўлиш билан боғлиқ мифологик қарашлари тизимида аёл вужудига кириши натижасида ҳомила ҳосил қиладиган магик неъматлар тўғрисидаги

турли хил ишонувлар кенг тарқалган. Фарзанд ва серҳосилликнинг магик тимсоли саналган олма ҳам ана шундай сеҳрли хусусиятга эга деб тасаввур қилинган.

Олма ёки хурмо еб ҳомиладор бўлиш мотивининг қадимий асослари тотемистик мифологияга боғланади. Тотемистик миф талқинига кўра, ҳомиладорлик - аёл танасига тотемнинг кириши натижасида юз беради. Яъни инсон туғилишида тотем сифатида эътироф этилган нарсалар, ўсимлик ва жонзотлар иштирок этади. А.М.Золотарев келтирган маълумотларга қараганда, Жанубий Америка ҳинду қабилалари мифларида айтилишича, аёлнинг танасига бирорта жонсиз нарса кириши туфайли у ҳомиладор бўлади. Бакайри қабиласидан ёзиб олинган мифда бир аёлнинг маккажўхори сўтасидан эгизакларни яратганлиги ҳикоя қилинган. Юракара қабиласида бир аёл дарахтга эрга текканлиги ҳақидаги миф мавжудлиги аниқланган. Айниқса, эгизаклар ҳақидаги мифларда онанинг ғайритабиий, сирли равишда ҳомиладор бўлганлиги айтилиши анъанавий ҳолат ҳисобланади⁶⁶.

Олма ёки хурмо еб ҳомиладор бўлиш мотиви дарахт тотем туғрисидаги қадимги мифологик тасаввурларни ҳам ўзида ифода этган. Дунёдаги кўпгина халқларда бўлгани каби ўзбек халқининг қадим аجدодлари мифологиясида турли хил жониворлар билан бир қаторда, дарахтларга ҳам тотем сифатида сиғиниш одати бўлган. Дарахт, айниқса, мифологик ҳаёт дарахти дунёдаги барча ўсимликларнинг онаси, абадий ҳаётнинг манбаи сифатида тушунилган. Қадимги туркий мифологияда афсонавий ҳаёт дарахти айни пайтда тангрининг тимсоли деб ҳам тасаввур қилинган⁶⁷.

Дарахт билан боғлиқ тотемистик қарашларнинг ўзбек фольклоридagi излари ҳақида мақола ёзган М.Чоршанбиевнинг қуйидаги фикрлари олма еб ҳомиладор бўлиш мотиви ҳам дарахт тотемига сиғиниш тизимига алоқадорлигини тасдиқлайди: “Қадимда аёл кишининг ҳомиладор бўлиши ва фарзанд кўриши билан боғлиқ тотемистик ишонч мавжуд бўлган. Бунга кўра, аёл кишининг ҳомиладор бўлишига сабаб, унинг танасига тотемнинг кириши деб тушунилган. Тотем ҳисобланган дарахт мевасини ейиш орқали ҳомиладор бўлиш ҳақидаги тасаввур тотемизм асосида ётувчи қарашлардан биттаси ҳисобланади”⁶⁸.

Тотемизм амал қилган қадимги даврларда тотем ҳисобланган жонивор гўшти ёки ўсимлик мевасини ейиш удуми тотемга хос бўлган хусусиятларга эга бўлиш ва тотемни тирилтириш

мақсадида амалга оширилган. Олма ейиш орқали ҳомиладор бўлиш мотивидаги “олма” тимсоли ушбу дарахт билан боғлиқ эранлар қудратига ва ҳомийлигига эга бўлишни англатган.

Ўзбек фольклоридаги эпик асарларда, хусусан, халқ эртаклари орасида ёши бир жойга бориб қолган, фарзандсиз подшоҳ ўз вазири билан овга чиқиши ва уларнинг олдидаи бўғоз кийик (ёки бошқа бирорта жонивор) чиқиши, хотинлари ҳомиладор бўлганлиги сабабли овчилар бу жониворни отишга кўзлари қиймай, қўйиб юбориши, уйга қайтгач, аёллари туққанини эшитиши мотивига асосланган сюжетлар ҳам мавжуд. “Ошиқ Фариб ва Шоҳсанам” достонининг экспозициясида ҳам ғайритабиий туғилиш мотивининг ана шу эпик кўриниши учрайди.

Ушбу мотив достоннинг нашр этилган вариантыда тушиб қолган бўлса-да, бир қатор версияларда, жумладан қўлёзма вариантларда ҳам мавжуд. Достоннинг “Хоразм фольклори”да чоп этилган нусхасида тасвирланишига кўра, Бағдод шаҳрининг подшоҳи Шоҳаббос ўз вазири Ҳасан билан бирга овга чиқишади. Шунда подшонинг олдидан бир бўғоз товшан (қуён) югуриб ўтади. У товшан сал кейин Ҳасан вазирнинг ҳам олдидан ўтади. Товшаннинг бўғозлигидан подшонинг ҳам, Ҳасан вазирнинг ҳам раҳми келиб, унга ўқ отмадилар, қушни ҳам юбормадилар. Сўнг дам олишда ўзаро гапиришиб, бу воқеани бир-бировига сўзлаб бердилар. Подшо айтдики, уйда менинг хотиним ҳомиладор эди. Шу ёдимга тушиб, уни отишга қўлим бормади, деди. Ҳасан вазир ҳам хотинининг ҳомиладор эканини, шу сабабли у ҳам товшанни отишга ботинолмаганини айтди. Орадан маълум вақт ўтиб, подшонинг хотини қиз туғади, вазирнинг хотини эса ўғил туғади.⁶⁹

Бефарзанд шоҳ билан унинг вазири овга чиққанида уларнинг олдидан бўғоз жонивор чиқиши ҳамда овчилар хотинлари ҳомиладорлигини ўйлаб, жониворни отмаслиги лавҳаси магик тасаввурлар асосида изоҳланади. Қадимги одамлар баъзи бир нарса-предметлар, ўсимлик ва жониворларнинг маълум бир хусусиятлари сирли равишда одамга ўтиши мумкинлигига ишонишган. Бўғоз жониворни отиш орқали унинг жонига қасд қилинса, ҳомиладор аёллар ҳам бирор фалокатга йўлиқишади деб тасаввур қилинган.

Бу ерда тотем жониворни муқаддас тутиш, унга озор етказмаслик маъноси ҳам бор. Тотемни асраш орқали унинг марҳаматига эришиш мумкинлигига ишонган кишилар ўзларига аж-

дод ҳисобланган жониворларни овламаганлар, гўштини истеъмол қилмаганлар.

Хоразм дostonларида қаҳрамоннинг ғайритабиий туғилишининг яна бир қатор кўринишлари ҳам мавжудки, уларни умумий тарзда қуйидаги гуруҳларга ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) Қаҳрамоннинг ғайриоддий ота-онадан туғилиши. Маълумки, ғайритабиий туғилиш мотивининг эпик анъанадаги бадиий ифодасига кўра, қаҳрамон илоҳий кучлар мадади ёки ҳомий-пирлар кўмаги воситасида дунёга келади. ғайриоддий туғилганлик қаҳрамоннинг магик қудратга эгаллигини кўрсатувчи белгидир. Хоразм дostonларида қаҳрамон туғилишини илоҳий қудрат ва ҳомийлар фаолиятига боғлашдан ташқари, бевосита афсонавий ота-онанинг фарзанди сифатида тасвирлаш анъанаси ҳам сақланган. Бизнинг фикримизча, қаҳрамоннинг ота-онаси хаёлий-мифологик образлар тарзида ифодаланиши ғайриоддий туғилиш мотивининг энг қадимги, яъни тотемистик тасаввурларни ўзида тўла акс эттирган кўринишларидан биридир.

Хоразм вилоятининг Янгибозор туманидаги Бўзқалъа қишлоғида яшаган Ўғилжон Маҳмудовадан ёзиб олинган “Эдиго” (“Тулумбий”) дostonида⁷⁰ қаҳрамоннинг отаси Тукли азиз, онаси эса “Кўҳи қоф подшоси Сочли азиз” деб таърифланган. Тотемистик мифнинг дostonдаги диффузион шакли ҳисобланмиш бу кўриниш ҳам алоҳида диққатга эга.

2) Қаҳрамон туғилган пайтда отасининг сафарда бўлиши.

“Қоракўз ойим” дostonида тасвирланишича, қоракўз ойимнинг ой-куни яқинлашганда унинг эри - Доропшоҳ сафарга жўнайди. Дostonда бу ҳолат шундай баён қилинган: “Бир куни Доропшоҳ қоракўз ойимга қараб: “Мен умримда фарзанд юзини кўрмаганман. Агар фарзанд туғилган куни уйда бўлсам, йиғисини эшитиб, юрагим ёрилиб ўламан, яхшиси мен шикорга кетай, туғилганидан кейин менинг олдимга севинчига борарлар, севинчини оларлар, кейин мен келиб тўй-томоша бериб, фарзандимни кўрарман”, - деб қирқ вазиру навкарларини олиб, шикорга равона бўлди” (кўлёзма, 11-бет).

3) Туғилган чақалоқларни жонивор боласи билан алмаштириб қўйиши.

Ўзбек халқ эртаклари ва бир қатор дostonларда келувчи ушбу кўриниш Хоразм бахшилари репертуаридаги “Қоракўз ойим” дostonида⁷¹ қўлланилган. Дostonда тасвирланишича, Доропшоҳнинг бирдан-бир орзуси бор: у ҳам бўлса - фарзанд кўриш. Фарзанд доғи бағрини эзган. Шундай қаттиқ изтиробда

юрган Доропшоҳ ногаҳон уч опа-сингилга дуч келиб қолади, Уч қиз ҳам ўз орзусини баён қилади, жумладан кенжа қиз шундай дейди:

Доропшоҳ мени олса,
Олиб қўйнига солса,
Дунёда икки бўлса,
Бириси ўзим деган,
Бир менинг сўзим деган,
Олгиндан кокили бор,
Бир ўғил билан бир қиз,
Бири ой, бири қундуз,
Ўғили зар кокилли,
қизи кумуш кокилли,
Икки фарзанд туғардим,
Доропшоҳ подшо билан,
Давронда бўлар эдим (қўлёзма, 5-6-бетлар).

“Қорақўз ойим” достонида тасвирланишича, Доропшоҳ шикорга кетгач, қорақўз ойим бир мастон кампирни топиб, дояликка ёллайди. Кундошлари бўлса, қорақўз ойимни кўролмайд, мастон кампирга тилла-танга ваъда қилиб, туғилган болаларни гумдон қилишга кўндирадилар. Тўққиз кундош душман бўлиб, қорақўз ойимга қасд қилиб, Тангриқул деган бир йигитни отга миндириб, дарвоза олдига келтирадилар. Тангриқул отнинг устида мастон кампирни чақариб, берадиган нарсасини кутиб турди. Мастон кампир ҳам бир мушукнинг янги дунёга келган икки боласини қаердандир топиб, қорақўз ойим ётган уйга олиб кирди. Қорақўз ойимнинг бурнига уч кунлик беҳуш қиладиган дорини бериб, бағридан икки норасидани юлиб олиб, Тангриқулга чиқариб берди. Тангриқул ҳам болаларни хуржуннинг икки кўзига солиб, отини чоптириб кетаверди.

Мастон кампир уч кундан кейин қорақўз ойимни уйғотди. Қорақўз ойим қараса, қўйнида икки мушук боласи миёвлаб ётибди. У фарёд қилди, кундошлари туққанинг шудир, дейишди. Тўққиз кундош қорақўз ойимни ҳайдаб чиқариб, Доропшоҳга “Хотининг фар экан, мушук туғди, сўнг ўйнаши билан кечаси отингни, пулингни, бор нарсаларингни олиб, юртдан қочиб кетди”, - деб хат ёзиб, чопар билан бериб юбордилар. (қўлёзма, 18-20-бетлар).

Мазкур эпик сюжет асосида яратилган “Шаҳриёр” достонида Доропшоҳ овга кетгач, кундошлари Гулчеҳра парига душманлик қилишади. Гулчеҳра пари биринчи марта кўзи ёриганида,

ўғил болани кучук боласи билан алмаштирадилар. Кейинги сафар қиз туғилганда болани олиб, ўрнига мушукваччани қўядилар.

Қаҳрамон туғилганда кундошларнинг душманлиги туфайли чақалоқнинг кучук (ёки бопқа жонивор) боласи билан алмаштириб қўйилиши ҳамда боланинг чўлга ташлаб келиниши эпик қаҳрамоннинг уйдан бадарға қилиниши тўғрисидаги эпик сюжетнинг анъанавий мотиви ҳисобланади. Бу мотивнинг тарихий тараққиёти ва қадимги тотемистик миф билан боғлиқлигини кўрсатиб бериш учун унинг халқ эртакларидаги эпик баёнини ҳам қиёсий таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Эртак сюжетларининг кўрсаткичида бу мотив иштирок этган халқ эртаклари “ғаройиб болалар” номли сюжет типи сифатида алоҳида рақам билан белгилаб қўйилган. Бу сюжетнинг шарқий элавян халқлари фольклорига кўриниши қуйидаги мотивлар таркибига эга: бефарзанд шоҳ уч опа-сингилнинг суҳбатини эшитиши ва ўғил туғиб беришни ваъда қилган кенжа қизга уйланиши; шоҳ йўқ пайтда маликанинг туғиши ва чақалоқнинг кучук боласи билан алмаштириб қўйилиши; подшо хотинини боласи билан бирга бочкага солиб, денгизга ташлаттириши; бочка бир оролга сузиб бориши ва шаҳзода у ерда ғаройиб ўлкага асос солиши; подшо бу ғаройиб мамлакатни кўргани бориб, хотини ва ўғли билан топишиши, туҳматчиларнинг жазоланиши⁷².

Шарқ халқлари эртакчилигида, хусусан, ўзбек халқ эртакларида эса бу сюжет ўзига хос бадий талқин қилинган. Филология фанлари доктори Ж.Юсупов ўзининг “Хоразм эртаги ва ҳаёт ҳақиқати” номли китобида бефарзанд ота-она ёки шоҳ оиласида туғилган чақалоқни ит ёки мушук боласи билан алмаштириб қўйиш мотиви акс эттирилган “Ҳасан ва Фотима”, “Хўжам Сайёд” эртакларини кенг таҳлил қилган. У мазкур мотивни Ўрта Осиё халқлар ўртасида ўтмишда мавжуд бўлган ит култи, “ит куйлак” кийгизиш одати, ит билан алоқадор ирим-сиримлар, удумлар билан қиёслаб ўрганган. Олимнинг хулоса қилишича, “ўзбек халқ эртакларидаги чақалоқларни ит боласи билан алмаштириш мотиви бевосита оилада фарзанд туғилиши ва гўдакни илк бор бешикка солиш маросимларига алоқадор”дир.⁷³

“Ҳасан ва Зухра” эртагида тасвирланган воқеалар “Қоракўз ойим” достонининг сюжетига анча яқин. Уч опа-сингилнинг суҳбатига гувоҳ бўлган вазир “Агар подшо мени олса, икки бола: Ҳасан ва Зухра туғиб берардим” деган кенжа қиз Зулфияни шоҳга олиб беради. Зулфия ҳомиладор бўлиб, тўлғоқ тутадиган пайт

яқинлашганда подшо овга чиқиб кетади. Аламзада кундошлари алдов билан унинг кўзларини рўмол билан боғлаб қўядилар. Зулфия бир ўғил билан бир қиз туғади. Кундошлар бир маккор кампирнинг кўмагида болаларни олиб, ўрнига эчки болаларини қўядилар. Кампир чақалоқларни чўлга ташлаб келади, шу ердан ўтиб кетаётган бир карвон болаларни топиб олиб, тарбия қиладилар.⁷⁴

“Ялтиллама сопол товоқ” эртагида эса мазкур мотивнинг қадимий илдизлари тотемистик миф билан боғлиқ эканлигини исботлайдиган бир деталь сақланган. У ҳам бўлса, ўрмонга ташлаб кетилган болаларни айиқ тарбиялашидир. Эртақда тасвирланишича, подшонинг кичик хотини бир ўғил билан бир қиз туққанида кундошлари ўша заҳотиёқ болаларни бекитишиб, унинг ўрнига икки кучук болани қўйишибди. Подшо овдан қайтгач, “Хотиним кучук бола туққан бўлса, уни чўлга олиб борингларда, кўмиб ташланглар”, - деб буюрибди. Вазирлар подшонинг ҳукми билан аёлни чўлга олиб бориб, белигача кўмиб келибдилар. Кучук болалар ҳар қаердан егулик топиб келиб, уни боқа бошлашибди. Кундошлар икки болани ўрмонга олиб бориб ташлатибдилар. Болаларни бир айиқ тарбиялабди⁷⁵.

Қаҳрамонни кучук боласи билан алмаштириб қўйиш мотивининг дастлабки кўриниши жонзот кўринишидаги ғайриоддий ҳомийларнинг чақалоқни ёвуз кучлар таъсиридан асраши тўғрисидаги сюжет кўринишида бўлган. Бу мифик сюжет алоҳида мустақил мотив сифатида аввалига халқ эртақларининг шаклланишида қатнашган. Тотемистик мифнинг эпик диффузияси натижасида эпос бадиий қурилишининг анъанавий поэтик элементларидан бирига айланган бу сюжет бевосита халқ эртақларининг тараққий этиши жараёнида яратилган романик дostonларга, хусусан, “Қорақўз ойим” достонига ҳам кўчган.

4) *Чақалоқларни икки йўл қўшилган жойга ташлаб келиш*

“Қорақўз ойим” достонида тасвирланишича, Тангрикул икки болани хуржунга солиб, олиб кетади ва дарёга, чангалзорга, тоққа ташламоқчи бўлганида дарё билан тоғдан таҳдид эшитгач, отини шартта йўлга қараб ҳайдайди. Қараса, икки йўлнинг банди экан. Болаларни шу йўлнинг бандига авайлаб қўйиб, хуржундаги олтинларни ҳам акли шошганидан гўдақларнинг ёнига қўйиб, ўзи боши оққан тарафга қараб кетаверди”.

Бу ўринда Тангрикулнинг чақалоқларни ташлашга бўлган уриниши анъанавий учлик мезони орқали баён қилинган. Жайҳун дарё, чангалзор ва тоғ деталлари орқали эса халқимизнинг

сув, осмон ва тупроқ (тоғ-тош) култи билан алоқадор мифик қарашлари акс эттирилган. Тангрикул хуржунидаги чақалоқларни дарёга, чангалзорга, тоққа ташламоқчи бўлганида уларнинг барчаси бунга қарши чиқиб, гўдакларни асраб қоладилар. Ана шунинг ўзи сув, осмон ва тоғ ҳомий вазифасида келаётганини кўрсатади.

Болаларнинг икки йўл айриладиган жойга ташлаб кетилиши ўз ва ўзга дунё тўғрисидаги тасаввурлардан келиб чиққан мотивдир. Филология фанлари номзоди Ж.Эшонқуловнинг ёзишича, “ибтидоий дунёқарашда оламнинг дастлаб бир бутун бўлиб, сўнг иккига ажралиши туркий халқларнинг архаик мифларида ўзининг яққол ифодасини топган”⁷⁶. Бу тасаввурга кўра, олам эзгулик ва ёвузлик кучлари макон қилган икки дунёга ажралган. Мифологик қаҳрамонларнинг ҳаракат йўналиши ҳам дастлабки архаик мифларда ана шу икки олам - ўз ва ўзга дунё бўйлаб ўтади.

“Қоракўз ойим” достонида Тангрикул томонидан чақалоқларнинг икки йўл айрилган жойга ташлаб кетилишида ҳам ана шу архаик тасаввурлар акс этган. Эпик анъана бўйича, чақалоқлар гайритабиий ҳолатда дунёга келган. Уларнинг ўрнига жонивор болаларини қўйилиши ва чақалоқларнинг онаси ёнидан узоқлаштирилиши аслида болаларнинг ҳомий кучлар тарбиясига топширилишини англатади. Одамлар яшайдиган дунё билан ҳомий кучлар макони ўз ва ўзга олам мезонига кўра ажратилганлиги сабабли болалар икки йўл айрилган жойда қолдирилади.

5) Қаҳрамоннинг бошига давлат қуши қўниши

Ўзбек халқ достонлари, эртак ва афсоналарида эпик қаҳрамоннинг бошига қуш қўниши мотиви кўп учрайди. Эпик анъанага кўра, қаҳрамон бошига қуш қўниши унинг подшолик тахтига кўтарилажagini, давлатмандлигини англатади.

“Қоракўз ойим” достонида ҳам Тангрикул томонидан ташлаб келинган икки чақалоқнинг бири қиз, иккинчиси ўғил экан. Қизнинг юзига қараган одам бахтли, ўғилнинг юзига қараган одам давлатли бўлар экан. Худо уч кунлигида буларга ўтираш-ни ўргатди, шунинг учун болалар бир-бирларига қараб ўтира-вердилар. Шу юртда Шосувор деган бир бой бор эди. Бойнинг фарзанди йўқ эди, фарзанд доғида куйганлардан эди. Шосувор деганнинг бир деҳқони бор эди, Бу деҳқон ов овлаб юрарди, қушини учирди. Қуши келиб кичкина бир нарсанинг бошига қўнди. Деҳқон келиб қараса, бир ўғил ва бир қиз йўлнинг бошида ётибди. Қуш бўлса, болаларнинг бошида”. (қўлёзма, 28-бет).

Бу болалар Дороншоҳнинг фарзандлари бўлганлиги, яъни подшо авлодига мансуб бўлганлиги учун уларнинг топилишида бахшилар давлат қуши учириниш мотивининг ўзига хос эпик талқинидан фойдаланишган. Бу дostonда қушнинг болалар бошига қўниши - уларнинг топилиши воситаси вазифасини бажарган.

б) *Қаҳрамоннинг жонивор сутини эмиши*

“Гўрўгли” эпосининг Хоразм версиясида бош қаҳрамон гўрда туғилади ва уни эчки сут бериб боқади. Бинобарин, гўрда туғилган қаҳрамонни эчки эмишиши тотемистик мифларга алоқадор мотив бўлиб, “Гўрўгли” эпосининг ўзбек версиясига хос муҳим белгилардан биридир. “Гўрўглининг туғилиши” дostonининг Раҳматулла Юсуф ўглидан ёзиб олинган вариантда ҳам ана шу анъанавий мифологик лавҳа мавжуд. Бахши буни шундай тасвирлаган: “Туркман бир ёғи дарёобод, бир ёғи даштлик жойда ўтирар эди. Уларнинг гўристонни дашт бетига эди. Ҳилолой кўмилоганидан кейин гўрда туғди. Одамнинг одам бўлгуси келгандан кейин ҳар нима баҳона. Бир чимнинг орасидан гўрнинг ичига озмоз шонглох (ёруғлик) тушар экан. Ҳасанбекнинг бир улоғи ўлиб, савдойи бўлиб қолган эчкиси қўй, эчкилар билан ёйилиб, Ҳилолойнинг қабрининг устидан бориб қолиб, оёғи чимни ўйиб юбориб, ўзи қабрнинг ичига тушиб кетди. Ичкарида Ҳилолой туққан чақалоқ йиғлаб ётар эди. Ўзидан ўзи эчки чақалоққа меҳрибон бўлиб эмиза бошлади. Шундан бошлаб эчки ҳар куни бориб чақалоқни эмизадиган бўлиб қолди. Шуйтиб, орадан не вақтлар ўтгандан кейин бола ўрмалаб, гўрнинг тешигидан ташқарига чиқиб, эчкини эмадиган бўлди”.⁷⁷

Эпик қаҳрамоннинг эчки сутини эмиб катта бўлиши Гўрўгли тўғрисидаги туркман дostonларида ҳам мавжуд бўлган анъанавий мотивдир. “Гороғлынын дорейшы”, яъни “Гўрўглининг туғилиши” номли туркман халқ дostonида тасавирланишича, бир куни Генжимбекнинг чўпони хўжайинининг олдига келиб шундай дейди:

- Генжим оға, мен боқадиган сурувда бир сутини эчки бор, шу эчки ҳар куни бир оз айланиб, ўтдан тўйганидан сўнг сурувдан айрилиб қолиб, гўристонга қочиб боради. Мен уни сурувга қайтаравериб чарчадим, кейин унинг изидан мозористонга бордим. Қарасам, эчки бир мозорнинг бошида турибди, бироздан кейин гўрдан бир нарса чиқиб, эчкини эмди. Яхши эмиб бўлганидан сўнг ҳалиги нарса яна гўрга кириб кетди, шунда эчки ҳам сурув томонга қайтди. Мен ўша нарсанинг инсми-жинсми эканлигини билолмадим.

Генжимбек бориб кўrsa, сурувдан ажралиб қолган эчки унинг иниси Адибекнинг хотини кўмилган мозорга қараб йўл олибди. Адибекнинг вафот этган аёли қорнида ҳомиласи билан дафн этилган экан. Гўрда туғилган болани ҳар куни эчки эмизиб кетаркан⁷⁸.

Қаҳрамоннинг эчки сутини эмиб улғайиши мотиви ўзбек халқ афсоналарида ҳам учрайди. “Искандар билан Дороп” афсонасида айтилишича, “туҳмат орқали саройдан бадарға қилинган малика бир ғорда туғади ва боласини ўша ерда қолдириб кетибди. Болани аввалига бир она шер эмизиб юрибди. Аммо кўп ўтмай, она шер ўлибди. Кунлардан бир куни бир кампирнинг эчкиси ғорга кириб кетибди. Кампир эчкисининг изи билан ғорга кирса, бир бола ётганмиш. Унинг ёнида олтин узук, олтин билагузук, зар камар бормиш. Кампир болани уйғотибди, бола эчкини эмиб, қорнини тўйғазибди, чунки шер ўлганидан буён ҳеч нарса емаган экан. Кампир ҳар куни эчкини етаклаб келадиган бўлиб қолибди. Шундай қилиб, бола билан кампир бир-бирига ўрганиб қолибдилар. Кампир болага “Искандар” деб исм қўйибди”⁷⁹.

“Доро билан Искандарбек” эртагида подшонинг бадарға қилинган хотини бир чолдеворда туғади ва боланинг исми “Искандар” эканлигини хатга ёзиб, қолдириб кетади. Бир подачи эчкиларини шу ерга олиб келиб қолади. Унинг эчкиларидан бири келиб, Искандарбекни эмизиб кетади. Подачи буни билмайди. У бир момонинг эчкиси эди. Подачи кечқурун уйга қайтганида, момо кўрдик, эчкисининг сути йўқ. У подачидан: “Эчкининг сути қани?” - деб сурабди. Подачи: “Эчкининг сутини мен қаёқдан билай?” деганида кампир уни койийди ва эртаси ҳам шу ҳодиса такрорлангач, кампир подачи билан бирга чиқиб, эчкисини боқмоқчи бўлади. Подачи билан кампир бундай қарашса, эчки бир болани эмизаётган эмиш. Момо димоғи чоғ бўлиб, болани ўғил қилиб олибди”⁸⁰.

Ўрта Осиё халқлари мифологиясида тоғ эчкиси, яъни архар гаройиб хусусиятга эга бўлган париларга алоқадор жонивор деб тасаввур қилинади. Тоғ эчкисининг гўштини еган одам қирқ кунлик гуноҳдан фориг бўлар эмиш. Шунинг учун ҳар йили камида икки марта архар гўштини ейиш лозим эмиш.⁸¹

Хоразмлик пўрхонлар ҳам айрим беморларни даволашда эчки териси, қони ёки жунидан фойдаланадилар⁸². Демак, эчкининг магик хусусиятга эгаллигига ишонил одати Хоразмда қадимдан мавжуд бўлган ва ҳозирда ҳам унинг айрим кўринишлари сақланган. Шу нуқтаи назардан қараганда, Гўрўғлига эчкининг

ҳомийлик қилиб, эмизиб боқиши бежиз эмас. Дж.Фрезер ҳам эчки образининг мифологик табиати, унинг ҳосилдорлик культлари билан боғланиб, ғарбий Европада кенг тарқалганлигини алоҳида таъкидлайди⁸³. Эчкига тотем сифатида сиғиниш унинг чаққонлиги, қўй подасида серкалик қилиб юриши, қўйга нисбатан сергаклиги билан алоқадор бўлса керак. Халқ орасида ишлатиладиган “шумтака”, “эчки-шайтон” бирикмалари замирида ҳам бу жониворга хос хусусиятлар мужассамлашган.

Қаҳрамоннинг эчки сутини эмиши мотиви қадимги туркийларнинг тотемистик мифлари асосида эпос сюжет қурилишига кириб келган. “Ак-каан” номли олтой халқ эпосида тасвирланишича, хон овга кетганида унинг хотини ўғил туғибди. Бу орада ёв босиб келиб, юртнинг ярмини қириб ташлабди. Ноилож қолган Ак-каан ўғлини бешиги билан денгизга ташлаб, ундан болани боқишни сўрабди. Ак-кааннинг хотини бўлса, ўз сутидан кулча пишириб, ўғлининг бешигига қўйибди. Урушда ҳамма одам қирилиб кетибди, фақат бир чол билан кампир дарахт ковагидан яшириниб, тирик қолибдилар. Улар дарахт ковагида чиқиб, омон қолган икки эчкини тутиб, сутини соғиб ичмоқчи бўлишса, эчкиларнинг сути йўқ экан. Чунки денгизда оқиб юрган бола қирғоққа сузиб чиқиб, эчкиларни эмиб юрган экан. Эртаси куни эчкиларни кампир соғмоқчи бўлибди, яна сут йўқлигини кўриб, чол билан кампир эчкиларни кузатмоқчи бўлишибди. Чол эчкиларнинг изидан денгиз қирғоғига бориб қараса, сувдан чиқиб келган бола эчкиларни эмаётган эмиш. Чол болани тутиб олиб, уйига келтириб тарбиялай бошлабди⁸⁴.

“Ак-каан” достонида ота-онасидан айрилган қаҳрамоннинг денгиздан чиқиб, эчки сутини эмиши Гурўғлининг гурдан, яъни ер остидан чиқиб, жонивор сути билан озиқланиши мотиви билан айнан бир нарсадир. Ҳар иккала ҳолатда ҳам қаҳрамон ўзга макон - ўзга дунёдан чиқиб келади. Ўзга дунёни сувликдан иборат макон тарзида, ер ости ёки осмон деб тасаввур қилиш архаик мифларга хос белги. Демак, “Гурўғли” достонининг Хоразм версиясидаги қаҳрамоннинг эчки сутини эмиши мотиви қадимги туркий мифлар замирида келиб чиққан сюжет элементидир.

Қаҳрамон ғайритабиий ҳолатда туғилган пайтда отанинг сарфарда бўлиши ва туғилган чақалоқни қуш уясида қолдириб кетиши каби бевосита ғайритабиий туғилиш мотиви билан боғлиқ сюжет ҳалқалари ҳам борки, улар Хоразм эпик анъаналари кўламида кенг шаклланган. Лекин “ошиқ” туркум достонларида асосан ғайритабиий туғилиш мотиви билан боғлиқ икки ҳалқа -

қахрамоннинг ҳомий-эранлар томонидан берилган магик мева туфайли ҳомиладор бўлиши ва қахрамон отасининг тотем ҳайвонни ирим қилиб отмаслиги мотиви ишлатилгани кўрамиз.

Б) “Ошиқ” туркум достонларида туш мотиви

Туш мотиви ўзбек фольклорининг эпик жанрларидан бўлмиш эртақ ва достонлардаги кеиг иштироки билан ҳам алоҳида ажралиб туради. “Таъбирнома”лар ва фольклордаги туш мотивининг ўрганилиш масаласига келсак, бу ўринда фольклоршунос Жаббор Эшонқуловнинг “Туш ва унинг ўрганилиши”⁸⁵ номли мақоласини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. Айни муаммо бевосита бизнинг объект доирамизга кирмаслиги сабабли масаланинг бу жиҳатига алоҳида тўхталмоқчи эмасмиз. Лекин “ошиқ” туркум достонларининг экспозицияси ўзига хос анъанавий схема асосида тузилиб, воқеанинг бошланиши кўпчилик ҳолларда туш кўриш эпизоди билан боғлиқ тарзда ифодаланади”⁸⁶ деб ёзар экан, бу мотив асослари ҳақида “Туш кўриш орқали ошиқ бўлиш масаласини озарбайжон олими М.Тахмасиб ислом динига боғласа, профессор М.Саидов бу ҳосисани ислом динидан анча бурун мавжуд эканлигини таъкидлайди”⁸⁷ деб кўрсатган. М.Саидов умумий тарзда айтган фикрни Ж.Эшонқул янада аниқроқ ифода қилган: “Мутахассислар туш тарихини анимистик тасаввурлар билан боғлашади. Маълумки, анимизм табиатнинг жонлилиги, “жон” ва “руҳ”нинг абадийлигига ишончдир”⁸⁸. Туш тарихи халқнинг анимистик дунёқарашлари, ишонч-этиқодларига боғлиқ экан. Анимистик қарашлар инсоният ҳаётининг энг қадимги босқичларига алоқадор бўлиб, унинг илдизлари архаик мифлар билан бевосита боғланиб кетади. Эзгулик билан ёвузлик инсон ҳаётининг асосини ташкил этганлиги сабабли инсон ҳеч бир ҳодисага бефарқ қарамаган. Уларнинг замирида руҳ яширинган деб ҳисоблаган ва улардан мадад кутган. Туш ҳодисасига бўлган алоҳида эътибор ҳам ана шу қарашларнинг ҳосиласи ҳисобланади. Қахрамонлар тушига ҳомий-эранлар, азиз-авлиёлар руҳининг кириб, уларга йўл йўриқлар бериши, тақдирларни баён этиши ҳақидаги тасаввурлар тизимининг туб мифологик асоси ҳам анимистик дунёқарашлар мевасидир.

“Ошиқ” туркуми достонларида келувчи тушларнинг аксарият қисми ана шу характердаги тушлар ҳисобланади.

1. *Қахрамоннинг гайритабиий ҳолда дунёга келишининг туш орқали баён этилиши.* Маълумки, мифологик тафаккур маҳсули бўлмиш мифлар фольклорга ўтгач, қайтадан мушоҳада қилинади. Ушбу жараёнда поэтик тафаккур етакчи хусусиятга айлана

ди. Фольклоршуносликда мифнинг халқ оғзаки ижодига ўзи-га хос равишда сингишуvidан иборат бўлмиш бу ҳолатнинг қуйидаги икки муҳим босқичига алоҳида эътибор қаратилган. Яъни, мифопоэтик тафаккур маҳсули бўлган ва бу босқичдан янада такомиллашган поэтик тафаккурга тўлиқ ўтган ҳолатлар⁸⁹. Эътиборли жиҳати шундаки, “ошиқ” туркуми дostonларида келувчи тушлар асосан мифопоэтик тафаккур маҳсули ҳисобланади.

“Ошиқ Маҳмуд” дostonидаги қаҳрамоннинг туғилиши билан боғлиқ тушни қараб чиқайлик.

Фарзандталаб Ганжабой Шоҳимардон пирининг қабрига бориб, қирқ-кеча қирқ-кундуз ётади. “Қирқинчи кечада туш кўрди. Тушда нуроний бир чол уч коса шароб бериб: “ - Эй Ганжабой подшоҳ, шу олмани уйинга олиб бориб, хотининг билан бўлишиб есанг, шу кунлардан ҳисоблаб офати жаҳон, ҳусни равшан бир ўғлинг бўлади. Отини Маҳмуджон қўйиб, қирқ-кеча қирқ-кундуз тўй бергайсан. Беш ёшида мактабга элтиб бер, ўн икки ёшида қўлингдан оларман”, - деб ғойиб бўлди”. Ушбу матн синчиклаб ўрганилса, унда киши эътиборини тортувчи бир қанча жиҳатлар бор.

1. Туш кўрувчининг ўз истагини сўраб муқаддас жойга бориб, узоқ тунаши. Яъни, туш кўрувчи ушбу туш хабарини кутмоқда. Бу одатий тушлардан фарқ қилади. Одатий туш кутилмаганда бирор бир жой билан боғлиқ бўлмаган ҳолатда ҳам кўрилиши мумкин.

2. Тушга муқаддас жой соҳибининг кириши. Туш хабарни кутувчи айнан ана шу соҳибдан истагини сўраб келган.

3. Соҳибнинг туш кўрувчи уч коса шароб ичириб, сўнгра қизил олма туҳфа қилиб, фарзанд кўражагини айтиши ва бу фарзанд тақдирдан хабар бериши. Ушбу туш баёнидан маълум бўлмоқдаки, бу ерда туш ғайритабиий туғилиш ҳодисаси билан боғлиқ.

Энг муҳим ҳалқа – тушнинг таъбирига ўрин қолмаяпти. Таъбир бевосита ҳомий эран томонидан бевосита тушнинг ўзида очиқ баён этилмоқда. Одатда, ҳар қандай туш таъбир қилинади ва кўпчилик фольклор намуналаридаги тушлар ҳам ўз таъбири, таъбирчиларига эга. Мисол тариқасида “Алпомиш” ва “Тўруғлининг туғилиши” дostonларидаги тушнинг мумтоз намуналарини келтириш мумкин.

Кўриб турганимиздек, туш сифати бадий талқин қилинган ушбу мотив ҳозирги ҳолатда туш деб қаралса-да, аслида муқаддас маконга бориб, аждодлар руҳидан фарзанд сўраш маросимининг трансформацияга учраган кўриниши деб қарашга кўпроқ

асос беради. Халқимизнинг кўхна анимистик дунёқарашлари, аждодлар култи билан боғлиқ мифологик тасаввурларини ўзида мужассам этган ушбу маросим айнан “Ошиқ Маҳмуд” дostonи бошламаси ва бефарзанд отанинг пирдан фарзанд сўраб қилган илтижоси ва пирнинг тушида келиши баёнида берилган. Ушбу ўринда пирнинг Ганжабойга уч коса шароб бериши ва сўнгра олма тутиши аслида “Фарзанд тилаб олиш” маросимининг таркибий қисми сифатида баҳоланишга лойиқ. Ушбу тушда таъбирнинг йўқлиги ва тушнинг муқаддас жойда кўрилиши ҳам бизнинг фикримизни қўллаб-қувватлайди.

Миф ва маросимнинг қоришиқ ҳолда келиши архаик эпосга тегишли ҳолат сифатида қаралади. Лекин айнаи ҳолат, яъни маросимий мифнинг “ошиқ” туркуми дostonлари сюжетида ҳам қўлланилиши ушбу тур дostonлар асосининг ҳам кўхна манбалардан баҳра олганлигини билдиради.

2. *Тушининг ошиққа маъшуқасидан хабар бериши.* Реал ҳаётда инсонлар томонидан кўрилувчи тушлар каби, фольклор асарлари таркибидаги бадий тўқима маҳсули бўлмиш тушларнинг ҳам асосий вазифаси хабар бериш ҳисобланади. Айнаи пайтда, “ошиқ” туркуми дostonларида келувчи ошиқ ва маъшуқнинг тушида бири-биридан хабар топиб, ишқ дардига йўлиқишларига асос бўлиб хизмат қилувчи ўта муҳим эътиқодий негиз мавжуд. Бу барча инсонлар тақдирининг аввалдан Яратган томонидан белгиланганлиги. Ҳар ким ўз жуфтига эга бўлиб, ушбу жуфтини топиб, бирга бўлиши унинг аввалдан белгиланган тақдирига мос ҳаёт йўлидан борганлигини ва Яратувчи амрига мос яшашини билдиради. Албатта, бу йўл ўта машаққатли бўлиб, ҳар ким ҳам ушбу вазифасини уддалай билмайди. Ошиқ-маъшуқ қаҳрамонларнинг жасорати, бир-бирига садоқати ва тилларда дoston бўлган ҳаёт тарзи ана шу улуғ вазифани шараф билан бажарганларида кўрилади.

“Ошиқ” туркуми дostonларида етакчи ўрин тутувчи хабарчи туш тасвирига эътибор қилайлик.

Биринчи галда хабарчи тушини ошиқ ва маъшуқ бир хилда кўришади.

Ошиқ Маҳмуднинг тушига нуроний пир кириб, олти ойлик масофада яшовчи Нигорхонимни унга никоҳ қилади. Қамбарни унга дуст бўлиб, ёрдам беришини айтади⁹⁰.

Айнаи ҳолат Қамбаржонда ҳам рўй беради. Қамбаржоннинг “Уйқусида ҳазрат Али тушига кирди. Уч коса шароб ичириб, Тилимхон деган бир қизни никоҳ қилиб берди ва:

- Ўғлим Қамбаржон! Маҳмуджон дўстинг билан бирга кет-гил, албатта мақсадингга етасан деб оғзига туфлаб, орқасига шаппот уриб, кўздан ғойиб бўлади”⁹¹.

Нигорхоннинг туши: “Нигорхон бундан уч йил аввал бир туш кўрган эди. Тушида бир нуруний пир одам Маҳмуджонни кўрса-тиб: “Шу йнгит сенинг ёринг, жуфт ҳалолинг бўлсин”, - деб уч коса шароб ичириб, ғойибона никоҳ қилиб қўйган экан. Шундан бери Нигорхон Маҳмуджоннинг келарини бетоқат бўлиб, бар-моқ букиб санаб, узоқ йўлларга интизор бўлиб қараб юрар экан”⁹².

“Ошиқ Албанд” достонида ҳам ошиқ-маъшуклар худди шу тартибда тушда ғойибона бир-бирига кўнгил қўйиб, ўз тақдирла-рига битилган жуфтини топишга ҳаракат қилишади.

“Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” достонидан фарқли ўлароқ, “Ошиқ Маҳмуд”, “Ошиқ Албанд” достонларида севишганлар бирга ўсиб-улғайиб, бир-бирини кўриб-билиб ўзаро ишқ қўйиш-майди. Улар ғайритабiiй кучлар - нуруний пир (“Ошиқ Маҳ-муд”), парилар (“Ошиқ Албанд”)нинг тушида берган хабарла-ри орқали ўзаро танишиб севишади. Достон сюжетининг бу хилда ташкил топиши ва унинг бадиий асосланишини бевоси-та мифопоэтик тафаккур маҳсули сифатида қараб, баҳолаш мумкин.

“Ошиқ” туркум достонларидаги туш мотиви таҳлилида кўзга ташланувчи иккинчи бир жиҳат тушда ҳомий эранларнинг му-ҳим роль ўйнашидир. Ушбу тасвир асоси бевосита инсоннинг бутун коинотдаги ўрни ва унинг бошқа жонли, жонсиз мавжу-дотлар билан ўзаро муносабати, алоқасида ҳомий руҳлар етак-чи ўрин эгаллайди, деб қараш ҳисобланади. Бу муносабатлар доирасида ўзаро мулоқот ҳар бир нарсанинг руҳи орасида ке-чади ва унда воситачи, раҳнамо руҳнинг хизмати алоҳида ўрин тутади деб тушуниш мевасидир. Халқ қарашлари ва тасаввур-ларига кўра, руҳлари топишиб, ягона иқлимга мансуб бўлма-са, кишилар дўст ва ишққа бегона бўлишади. Аксинча, руҳлар-нинг бир-бирига қарама-қарши келиши душманликни туғдира-ди. Шундай экан, “Ошиқ” туркум достонлари сюжетидаги туш мотивлари асоси халқимизнинг қадим мифологик тафаккури маҳсули бўлмиш дунёқарашларга мансуб эканлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Албатта, бу дунёқараш эпик тизимда қайта иш-ланиб, бадиий-эстетик кўриниш олган ва халқимизнинг кенг маънавий фазилатларини кўз-кўз қилувчи омиллардан бирга айланган.

В) “Ошиқ” туркум дostonларида тўсиқ-синов мотиви

Ошиқнинг ўз маъшуқасига етишувида тўсиқ-синовлар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Аслида ҳар қандай эпик асарда қаҳрамоннинг ёрига етишувида ўзига хос тўсиқ-синовлар мавжуд бўлиб, уларнинг талқинлари маълум асарнинг қайси жанр ва қандай турга мансублигига кўра фарқланади. Хусусан, ўзбек халқ дostonлари орасида қаҳрамонлик ва романик эпосни ана шу нуқтаи назардан ўзаро қиёслаб чиқилса ҳам, ўртадаги хусусий фарқлар яққол намоён бўлади. Масалан, “Алпомиш” дostonида Ҳакимбекка рўбарў бўлган илк синов унинг етти ёшида ўн тўрт ботмон биринчдан бўлган ёйни кўтариб отиши эди. У ана шу ёйни отиб, алплар сафига кирди. Дostonда айтилишича, у нафақат ўтган тўқсон алпларнинг бири, балки алпликнинг муҳри бўлди⁹³.

Кўриб турибмизки, бу мотив излари халқимизнинг қадимий маросимий мифларига бориб уланади ва бевосита эпосда мифопоэтик талқин сифатида намоён бўлади. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, ушбу синов мотиви биринчи галда қаҳрамоннинг ўз миссиясини бажаришга тайёр эканлигини билдиради. “Ошиқ” туркум дostonларида ҳам моҳиятан ана шу мотивга уйғун мотивни учратамиз. Жумладан, “Ошиқ Албанд” дostonининг бош-лама қисмидаги ушбу тасвирларга диққат қилайлик. Мулла Маърифий Бағдод подшоҳига Ошиқ Ойдинни таъриф-тавсиф этиб, уни қизиқтиргач, Одилхон Гўё маҳрамини жўнатганида, Ошиқ Ойдин подшо ёнига беадаблик, такаббурлик қилмагил, деб шогирди Ошиқ Албандни жўнатади.

Ошиқ Албанд подшо ҳузурида халифа Жаҳонгир билан савол-жавоб айтишуви ўтказиб, уни енгиб, ўз устози - пирининг ишончини оқлайди. Одилхон аламидан халифа Жаҳонгирни ўлимга буюради. Лекин халифанинг қизи отасининг хунини тилаб олади. Ана шундан сўнг Ошиқ Албанд тушида Суна келинни кўриб, уни излаб йўлга тушади⁹⁴.

Сиртдан қаралса, Ошиқ Албанднинг Бағдодга келиб, халифа Жаҳонгир билан сўзу созда синашуви ҳеч бир жасорат эмасдек кўринади. Лекин, аслини олганда, бу Ошиқ Албанд учун жуда катта синов-тўсиқ эди. Чунки халифа Жаҳонгир Бағдод подшосининг энг ишонган бахшиси саналар эди. Шу сабабли ҳам подшо Ошиқ Ойдиннинг таърифини эшитиши биланоқ, уни ё бўлма-са пирининг кучу қудратини намоён этувчи бирор шогирдини ўз саройига таклиф этади. Ошиқ Ойдин эса: “Сен ҳам ҳар ерда бўлсанг биз хабардормиз”⁹⁵, - деб Ошиқ Албандни жўнатади.

Ошиқ Албанд ушбу синов беллашувда нафақат ўз кучу камолини намойиш этди, балки пири-устози Ошиқ Ойдиннинг ҳам кучу қудратини кўрсатди. Айни пайтда, устози ва бутун жамоатчилик олдида чинакам ошиқ-бахши, шоир ва етук аллома сифатида камолга етганлигини билдирди. Моҳият эътибори билан Ҳақимбекнинг ёй отиб кўрсатган жасорати ва Ошиқ Албанднинг Одилхон ҳузурида халифа Жаҳонгир билан бўлган беллашувдаги ғалабаси бир хил даражада туради. Улар ўртасидаги фарқ эса ушбу синов мотивининг мифопоэтик даражадан ўсиб, соф поэтик талқин олганлигидадир. Бу эса, ўз навбатида, “ошиқ” туркум дostonларидаги синов мотивлари талқинининг туб илдизларини очишда муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб хизмат қилади.

“Ошиқ” туркум дostonларида бошқа турдаги дostonлар каби, қаҳрамоннинг ўз мақсадига етишуви маълум синовлар орқали ўтади. Ушбу ўринда ана шу синовлардан энг характерли кўришнишларига тўхталамиз.

“Ошиқ” туркум дostonларининг биз шартли равишда ажратган иккинчи тур сюжет типига мансуб “Ошиқ Албанд” ва “Ошиқ Маҳмуд” дostonларида қаҳрамонлар маъшуқаларини излаб сарфарга чиққанларида уларнинг қаршисидан қизлар чиқади. Ҳар икки дostonда ҳам айни синов мотиви деярли бир хил тафсилотга эга. Масалан, “Ошиқ Маҳмуд”да бу эпизод шундай берилган:

“Маҳмуджон ёп бўйлаб кўприкни қидириб борар эди. Кўприкка етганда кўза кўтарган иккита қизга дуч келади. Қизлар кўл қовуштириб, салом беради. Маҳмуджон алиқ олади. Қизлар Маҳмуджонга тикилиб:

— қайси боғнинг гули, қайси чаманнинг булбулисан? Хабарингни бериб ўт, шаҳзода, — деб ҳар қайсиси от жиловининг бир томонидан тутиб тураверади.

Маҳмуджон ҳайрон бўлиб айтди:

- Сўроқчи десам, йўлда сўроқ қиласизлар, қароқчи десам, ишва билан ноз қиласизлар. Менинг қайси ердан келиб, қаерга боришимни билиш сизларга нега зарур бўлиб қолди?”.⁹⁶

Шундан сўнг Маҳмуд борар манзили, мақсадини айтади. Қизлар эса: “Нигорхон турган ўринда туришимиз мумкин-ку!” — дейишади. Лекин Ошиқ Маҳмуд уларни рад этиб, йўлида давом этади.

“Ошиқ Албанд” дostonида эса синов-тўсиқлар бир нечта бўлиб, уларнинг мураккаблиги борган сари ортиб боради. Ошиқ Албанд, аввало, халифа Жаҳонгирнинг қизи Сарвиноз қўйган

“ишқ” тўсиғидан ўтиб, Хўжа Ғойибнинг уйига - уч юз олгмиш қизнинг устига боради. Қизларнинг ичида Гулжамол ва Дуржамол: “Бизлар Сўна бўламиз”, - деб Ошиқ Албанднинг кўнглига гулгула солади. Ана шунда “... бир бобойи мўйсафид келиб айтди: “Э, Албанджон, ҳай-ҳай, албатта бир ишда эркансан”, - деб насиҳат қилди”. Албанд пирнинг насиҳати, мадади билан бу тўсиқ-синовдан ўтди.

Навбатдаги синов савдогарларнинг қутқуси эди. Албанд бу синовдан ҳам ўтиб, йўлида давом қилди. Маъшуқасининг манзилига етишда Ошиқ Албанд олдидаги сўнги тўсиқ икки баланд тоғ эди: “Албанджон борар эди - олдидан икки тоғ чиқди. Шу тоғларга қараб, зор-зор йиғлаб, бир сўз айтди:

Сиёсатли баланд тоғлар,
Йўл беринг, доғлар, йўл беринг.
Ёда тушди тоза боғлар,
Йўл беринг, доғлар, йўл беринг ..

Икки девона осмондан тушиб, ошиқ Албандни бу тоғдан ўтказиб қўйишади.

Кўриб турибсизки, “Ошиқ Албанд” достонида қаҳрамоннинг тўсиқ-синовлардан ўтишида ҳомий руҳлар, эранлар яқиндан ёрдам бермоқда. Ҳомий руҳлар Ошиқ Албанднинг бевосита ёрваслига етишувида ҳам кўмакка келишади. “Ошиқ Маҳмуд” достонида эса Ошиқ Маҳмудга ҳомий эранлар томонидан буюрилган дўст ҳамкорлик қилади. Том маънода олинса, бу дўст образи руҳан ҳомий эранларга боғлиқ ва унинг хатти-ҳаракатларини кенг маънода ҳомийлик кўламида баҳолаш мумкин.

Демак, юқорида таҳлил этилган мисоллар асосида шундай умумий хулосага келиш мумкинки, “ошиқ” туркум дostonларидаги тўсиқ-синов мотивлари билвосита мифологик тафаккурга боғлиқ бўлиб, асосан поэтик талқин олган. Айни пайтда, қаҳрамоннинг синов-тўсиқлардан ўтишида эса бевосита мифопоэтик тафаккур кўламида ўз изоҳини топади.

Г) қаҳрамоннинг ўлиб-тирилиши мотиви

Эпик дostonлар таркибида қаҳрамонларнинг ўлиб-тирилиши мотиви нисбатан кам учровчи ҳодиса ҳисобланади. Туб илдизлари ўлиб-тирилувчи табиат ва маъбудлар ҳақида маросимий мифларга боғланувчи ушбу мотивнинг “ошиқ” туркум дostonларидан “Ошиқ Маҳмуд” эпоси сюжетида етакчи ўрин тутиши ушбу дoston ва умуман “ошиқ” туркумига мансуб асарларнинг генезисида мифологик тафаккурнинг муҳим ўрин тутишини яна бир бор тасдиқлайди. “Ошиқ Маҳмуд” достонида бош қаҳрамон ошиқ Маҳ-

муднинг ўз рақиблари — қирқ қаландар ва олти бахши томонидан дарёга ташланганини кўриб, унинг севгилиси Нигорхон ҳам ўзини сувга отади. Достонда ошиқ-маъшукнинг сувда оқиб кетиши шундай тасвирланган: “Икки ишқи печакгулдек бир-бирларининг белларидан маҳкам ушлаб оқиб кетаверсинлар...”⁹⁷.

Ошиқ-маъшукларни шамол билан пайдо бўлган икки мўйсафид пир қайтадан тирилтиради.⁹⁸

Ошиқ Маҳмуд ва Нигорхоннинг ўлиб-тирилиши тасвиридаги бир неча деталларга эътибор қаратайлик. Биринчидан, ошиқ-маъшукларнинг дарёга ғарқ бўлиб оқиши. Ошиқ-маъшуклар оққан бу дарё семантик жиҳатдан “Тоҳир ва Зуҳра” достонидаги Тоҳир сандиққа солиб оқизилган ва “Гўрўглининг туғилиши” достонидаги Гўрўгли ва Араб Райҳон юртларини ажратиб турган дарё билан бир хил моҳиятга эга, яъни ҳаммаси ана шу мифик дарёга боғлиқ⁹⁹. Бу дарё ҳаммаша бу дунё билан ўзга дунёни боғлаб туради. Яъни, дарёнинг бошланиши - илоҳлар макони, ўртаси - одамлар яшовчи жой, қуйи қисми - ўзга олам ҳисобланади. Шу сабабли ҳам Тоҳир тушган сандиқ ва Ошиқ Маҳмуд билан Нигорхон таналари дарёнинг қуйи қисмига оқиб боради. Қамбаржон дўсти Маҳмуд билан Нигорхонни ўзга оламдан топади. Ҳомий руҳлар кўмагида тирилган севишганлар қайтадан яралиб, мурод-мақсадларига етишади.

Иккинчи бир муҳим деталь ишқи печакгул образидир. Достонда илк бор учрашиб, висолга етишган ошиқ-маъшук “Иккаласи қанча вақтгача бошидан ўтган воқеалардан гаплашиб, бир-бирларининг гап-сўзларига тўймай, бир-бирларига ишқи печакдай чирмашиб, чарчаб ухлаб қолдилар”.¹⁰⁰ Ошиқ Маҳмуд ва Нигорхоннинг дарёда қўшилишиб оқишлари ва дарё адоғидан чиқишлари тасвирида ҳам айнан “ишқи печак” ўхшатиши келтирилган.

Ишқи печак қандай гул? Бу гул билан боғлиқ халқимизнинг қандай эътиқодий тасаввурлари мавжуд?

Ушбу саволга “Тоҳир ва Зуҳра” достонининг Раҳматулла Юсуф ўгли айтган вариантыда баён этилган бадиий изоҳ маълум маънода ойдинлик киритади: “Тоҳирнинг қабридан напармон, Зуҳранинг қабридан қизил гулли печакгул бир-бирига чирмашиб кетди. Оқбош бўлса, ўртада қисилиб, қувраб қолди, ҳали ҳам одамлар эсдалик учун печакгул экиб юрадилар. Печакгул асли одам - қизили Зуҳраой, напармони бўлса - Тоҳир, шуйтиб, печакгул одам бўйи бўлиб ўсади. Ҳамма ҳам қўшилган ўз ёри билан печакгулдай эшилиб, қўша қарисин!”¹⁰¹.

Маълум бўлмоқдаки, печакгул ошиқларнинг висолга етишу-

ви, қовушуви тимсоли сифатида талқин этилмоқда. “Ошиқ Маҳмуд” достонида ҳам ишқи печакнинг келиши ушбу тасаввурлар олами билан чамбарчас боғлиқ.

Учинчидан, ҳалок бўлган ошиқ-маъшуқларнинг ҳомий руҳлар — икки нуроний пир томонидан қайта тирилтирилиши. “... икки мўйсафид пир ошиқ-маъшуқларнинг юракларини сийпалаб, ютган сувларини қайтариб туширтирди, сўнг Маҳмуджон билан Нигорхоннинг икки билакларига наштар урди. Бир оз ўтгач, Маҳмуджон билан Нигорхон акса уриб, кўзларини очдилар ва атрофдаги одамларни кўриб, сакраб ерларидан туриб, қўл қовуштириб салом бердилар”¹⁰².

Инсон руҳининг боқийлиги ва танани тарк этган руҳни ҳомий эранлар воситасида ўз ўрнига қайтариш мумкинлигига ишонч Шомон мифологияси маросимларининг асосини ташкил этади. Ошиқ Маҳмуд ва Нигорхоннинг қайта тирилиши тасвири айни эътиқод ва дунёқарашларга уйғун ҳолатда тасвирланган.

Умуман олганда, ушбу бобда қараб чиқилган масалалар юзасидан қуйидагича яхлит хулосалар чиқариш мумкин:

“Ошиқ” туркум дostonларининг шаклланиш жараёни, тарихий ривожда мифологик асосга эга сайёр сюжетлар, мотивлар муҳим роль ўйнаганлиги маълум бўлди.

“Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Тоҳир ва Зуҳра”, “Алпомиш”, “Бомси Байрак” каби асарларнинг сюжети ягона бир бобо сюжетига боғлиқ бўлиб уларнинг ҳар бири ўзига хос равишда ривожланган. Ушбу сюжет таркибидаги бир қатор мифологик асосли мотивлар ҳам ҳар бир дostonда янгича талқин олган бўлса-да, моҳияти бир-бирига уйғун келиши маълум бўлди. Бу эса, ўз навбатида, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” дostonининг туб асосида мифологик дунёқараш муҳим ўрин тутганлигини яна бир бор тасдиқ этди.

“Ошиқ” туркум дostonлари иккинчи тип сюжети асосида шаклланган “Ошиқ Маҳмуд” ва “Ошиқ Албанд” дostonларида ҳам мифологик дунёқараш муҳим ўрин тутганлигини ва уларда мифик тафаккур мифологик тафаккурга ва кўпчилик ўринларда бу ҳолат тўлиқ трансформацияга учраб, соф поэтик тафаккурга эврилганлиги аниқланди.

“Ошиқ” туркум дostonларидаги етакчи мотивлар - қаҳрамоннинг ғайритабiiй туғилиш мотивларининг тарихий илдизлари таҳлили кўрсатдики, ушбу мотивлар бевосита халқимизнинг қадим мифологик дунёқарашлари, ишонч-этиқодларига боғлиқ равишда поэтик талқин қилинган.

III-ФАСЛ: “ОШИҚ” ТУРКУМИ ДОСТОНЛАРИНИНГ АСОСИЙ ОБРАЗЛАРИ ТАЛҚИНИ

Халқ достонларининг барча турларига мансуб намуналарнинг туб илдизлари ва шаклланишида эпик тафаккур билан бир қаторда, мифологик тасаввурлар ҳам муҳим роль ўйнайди. Янада аниқроқ айтилса, эпик тафаккур мифологик тафаккурни янгидан бадий ривожлантиради, бадий-эстетик воқеликка олиб чиқади. Шундай экан, халқ достонларидаги кўпчилик образларнинг вужудга келиши ва ўз талқинларига эга бўлишида халқимизнинг мифологик дунёқараши қайси тарзда ўз таъсирини ўтказганлигини тадқиқ этиш нафақат маълум бир образ тарихи, балки эпоснинг шаклланиб, ривожланиш босқичларини ҳам атрофлича ўрганиш имконини яратади.

Ўзбек фольклоршунослигида бир қатор достонлар ва улардаги образларининг мифологик илдизлари, миф ва эпос муносабати масалалари маълум маънода ўрганилган¹⁰³. Лекин бевосита “ошиқ” туркум достонларидаги етакчи образларнинг туб илдизлари, мифологик асослари ҳақида махсус тадқиқотлар яратилган эмас. “Ошиқ” туркум достонларини ана шу нуқтаи назардан таҳлил қилганда, уларнинг мифологик қарашларнинг маълум қатламлари билан боғлиқлигини кузатиш мумкин. Биз куйидаги “ошиқ” туркум достонларидаги ошиқ-маъшуқ ҳомий кучлар, дўст-ҳамкор ва рақиб образларини ана шу жиҳатдан кўриб чиқамиз. Маълумки, “достонларда мифологиянинг сақлаб қолиниши тасодифий эмас, балки қонуний ҳолдир. Бир жиҳатдан мазкур ҳодиса достонларнинг қадимий илдизга эга эканлигини кўрсатса, иккинчидан, халқ онгида мифологик тушунчаларнинг яшовчанлиги билан белгиланади”¹⁰⁴.

Ҳақиқатан ҳам, мифология ва у билан боғлиқ образлар халқ достонларидаги воқеаларни ҳаракатлантирувчи асосий куч сифатида иштирок этадилар.

Ёзма адабиёт ва шаҳар маданиятининг кучли таъсири натижасида Хоразм достонларининг образларида реаллашув элементлари аниқ намоён бўлган. Бироқ бу ҳолат халқ достонларидаги мифология билан боғлиқ образларнинг туб асосларини тўла хиралаштиришга олиб келган эмас. Айни ҳолатни “ошиқ” туркум достонларидаги етакчи образ талқинида ҳам кўрамиз.

А) Ошиқ ва маъшуқа образлари. Дунё фольклори ва адабиётида инсоний ишқ ва муҳаббат тимсолига айланган бир қатор образлар борки, улар барча даврларда ошиқ-маъшуқлар учун ибрат намунаси бўлиб келаяпти. Лайли ва Мажнун, Фарҳод ва Ширин, Тоҳир ва Зухра, Ромео ва Жульетта, Тристан ва Изольда номларини ҳеч бир изоҳ-гушунтиришларсиз дунё аҳли муҳаббат тимсоллари сифатида қабул қилишади. Бу образларнинг халқлар орасида машҳур бўлиб кетишида уларнинг фольклорий асосдан ёзма адабиёт мавзусига айланганлиги ҳам муҳим роль ўйнаган. Уларнинг ҳар бири ўзига хос тарихий ва асосларга эга бўлса-да, кўшлаб уйғун жиҳатлари ҳам бор. Энг муҳими, уларда инсоннинг соф муҳаббати, севгиси акс этган. “Ошиқ” туркум дostonларига мансуб “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” дostonи ҳам машҳурликда юқорида тилга олинган асар қаҳрамонларидан қолишмайди. Айни пайтда, бу дostonдаги ошиқ образи ўзининг маълум бир хусусиятлари билан улардан ажралиб туради. У ҳам бўлса, Ғариб образига хос бўлган бош хусусият унинг бахши-шоирлигидир. Янада аниқроқ айтилса, Ошиқ Ғариб образи нафақат муҳаббат дардига йўлиққан йигит, балки бахши шоирнинг ҳам кечинмалари, қайғую қувончларини ўзида тажассум этган.

Муҳаббат шайдоси бўлган ошиқ бахшининг ишқ саргузаштлари Ошиқ Маҳмуд ва Ошиқ Албанд образлари мисолида ҳам ўз талқинларини топган. Лекин бу образларнинг аввало “ошиқ” эканликлари уларни бир умумтуркум қамровида қараб баҳолашга сабаб бўлади. Аммо ушбу дostonлар ва уларнинг етакчи образлари ошиқ ва маъшуқлар характерларидаги дoston воқеалари силсиласидаги ўрнига кўра ҳам фарқланади. Бу дostonларнинг номланишида, яъни халқ орасидаги атамаларидан ҳам кўришиб турибди. Халқ “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Лайли ва Мажнун”, “Ромео ва Жульетта” кабиларни биргаликда айтади. Лекин “Ошиқ Маҳмуд” ва “Ошиқ Албанд” дostonлари эса биргина ошиқлар номи билан юритилади ва шундай номланишнинг табиий сабаблари бор.

“Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”да бошқа “ошиқ” туркумига кирувчи намуналардан фарқли ҳолда ошиқ ва маъшуқа воқеаларда бирдек фаол иштирок этади. Ошиқ ўз севгилиси ва муҳаббати учун қанчалик куйиниб ҳаракат қилса, маъшуқа ҳам ундан кам бўлмаган даражада фаолият кўрсатади. Бу ўринда тарозининг ошиқ ва маъшуқа паллалари тенг туради.

“Ошиқ Маҳмуд” ва “Ошиқ Албанд” дostonларида бу ҳолатнинг гувоҳи бўлмаймиз. Бу дostonларда маъшуқа ошиқ қанча

машаққат ва синовлардан ўтиб, уни излаб топиб боргандан кейингина асар сюжетида тўлақонли равишда намоён бўлади. Ушбу икки хиллик, биз илмий ишимизнинг дастлабки бобида таъкидлаб ўтганимиздек, икки хил сюжет типини юзага келтирган. “ошиқ” туркум дostonлари тарихи, туб илдизларини ёритишда айна ҳолатни инобатга олиш керак бўлади. Чунки, ҳар қандай асар қаҳрамонлари тақдирининг баён этилиш таркиби қаҳрамон характерининг қандай асосларда юзага чиқишини белгилайди.

Фольклоршуносликда романик дostonларга ҳам бадиий-эстетик ҳодиса сифатида қаҳрамонлик дostonларига нисбатан навбатдаги босқичда пайдо бўлган асарлар сифатида қаралади. Табиий ҳолда романик дostonларда воқеликни нисбатан реал воқеликка уйғун тасвирлаш ҳолати кучли. Айниқса, бевосита шаҳар ҳаётига яқин макон қамровида яратилган “ошиқ” туркум дostonларида бу ҳолат янада ёрқинроқ сезилади. Айни пайтда, романик дostonларда қоришиқ ҳолатида янги бир бадиий-эстетик босқичга кўтарилган халқнинг қадим дунёқарашлари, ишонч-этиқодларининг ўрни бошқа турдаги дostonлардан кам бўлмаган даражада ўз ўрнини олган. Бу ҳолат асарларнинг етакчи образлари мисолида яна ҳам аниқроқ кўринади. Бу ўринда фольклоршунос Жаббор Эшонқуловнинг қуйидаги фикрини келтириш ўринли:

“Гарчи ҳар қандай образ ва ҳодиса замирида воқелик ётганини инкор этмаган ҳолда, шунини таъкидлаш жоизки, образ ва ҳодисадан тўлиқ реаллик излаш асарни юзакилаштиради, образнинг тарихийлиги, энг аввало, унда мужассам этилган ифода ва тасаввурда кўринади. Бу ифода ҳамда тасаввур туркий халқларнинг бирламчи дунёқарашларига, шомонлик ва унғача бўлган даврлар тасаввурларига мос ва ҳозирги кунга қадар ҳам шу тасаввурни ташийди. Уни антагонистик синфий нуқтаи назардан изоҳлаб бўлмагани каби, қуруқ хаёлот деб ҳам бўлмайди. Бу образлар халқ тафаккур тарзининг, хаёлоти ва дунёқарашининг бир бўлаги сифатида тадқиқ қилинмоғи шарт. Шундагина биз анъанавий образлар ва халқ оғзаки ижодига тўғри баҳо берган бўламиз”¹⁰⁵.

Бу ўринда ошиқ образи зиммасидаги яна бир муҳим ғояни алоҳида қайд этиш лозим. Маълумки, халқнинг идеали бўлмиш алплар бир пайтнинг ўзида жисмонан ва маънан камолга етган шахслар бўлишади. Улар ўзларининг ана шу фазилатлари билан халқ озодлиги, эрки, маънавий юксалишига ўз ҳиссаларини қўшадилар. Аксарият қаҳрамонлик дostonларида қаҳрамон-

нинг жисмоний куч-қудрати ва шу жиҳати билан боғлиқ жасоратлари тасвирланади. Бу ҳолнинг ёрқин мисоли “Алпомиш” достонидаги Алпомиш образидир. Бир қарашда Алпомишнинг маънавий камолоти дostonда у қадар кўрсатилмагандек туюлади. Фақат унинг мактабда ўқиш, “Бурро саводи чиқиб, хат ўқиб-ёзадилар, мулло бўлди»¹⁰⁶, деб изоҳлаш билан кифоялангандек кўринади. Аслида эса, Алпомишнинг маънавий камоли унинг ҳомий эранлар таълимини олганлигидан маълум.

Романик дostonларда, хусусан, “ошиқ” туркум дostonларида асосий урғу қаҳрамоннинг маънавий тарбияси ва камолотига қарагилган. Ошиқ қаҳрамон ўз олдидаги тўсиқ ва синовларни ўзининг маънавий фазилатлари билан енгиб ўтади. Биз бу ўринда ҳам мифопозтик талқиндаги идеал қаҳрамон образи романик дostonлар босқичида соф поэтик образга айланганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Ошиқ образининг маънавий камолотини белгиловчи жиҳат унинг бошқа бахшилар билан беллашуви, савол-жавобда ғолиб келишдир.

“Ошиқ Албанд” дostonида аввало Ошиқ Албанднинг пири Ошиқ Ойдиннинг мулла Маърифий билан савол-жавоб беллашуви келтирилган. Ушбу савол-жавоблар маърифий-ирфоний характерда бўлиб, унда одам, олам ва бутун борлиқ яхлитлиги, руҳ ва тан муносабатлари ҳақидаги орифона фикр-мулоҳазалар баён этилган.

Масалан:

Савол:

- На шаҳардир икки султон онадир,
Ориф бўлсанг, бизга бундан хабар бер.

На султондир бир-бирини меҳмондир,
Ориф бўлсанг, бизга тундан хабар бер.

Жавоб:

- Ялончи шаҳардир тан билан жон султондир,
Бизни ориф билсанг, хабар бу бўладир.

Кўп тўлганча бир-бирини меҳмондир-е,
Бизни ориф билсанг, хабар бу бўладир¹⁰⁷.

Ошиқ Албанднинг Бағдод шаҳрида халифа Жаҳонгир билан бўлган баҳс-мунозараси ҳам ана шу тартибда кечади.

Халифан Жаҳонгир савол беради, Ошиқ Албанд жавоб қайтаради.

Савол:

Биздан савол ўлсин Ошиқ Албандга:

На гузардир иккиланмайин кечилур?
На соқидир қудрат кимнинг қўлида,
У нимадир навбат билан ичилур?

Жавоб:

Биздан жавоб ўлсин Халифа Жаҳонгира:
Умр-гузар: иккиланмай кечилур,
Ажал соқи қудрат ҳақнинг қўлида,
Ажал майдур - навбат билан ичилур...¹⁰⁸

Ошиқ Албанд халифанинг барча саволларига муносиб жавоб қайтаради. Энди савол навбати Ошиқ Албандга келади.

Ошиқ Албанд сўрайди:

Биздан савол ўлсин Халифа Жаҳонгира,
На умматдур қайдадиғи билинмас?

Қай бир хазина рнинг юзинда,
Фақирдами, бойдамиди билинмас?

На кишидир банд ўлибдир гумона,
Қайси кун турармиш охир замона,

На сабабдир гарқ ўлибдир уммона,
Қанардами, сойдадуғи билинмас?

Ул на кишидир ўлтириши саркашли,
Эллик минг қаноти, эллик минг боши,

Отаси қирқинда ўғли юз ёшли,
На туядур ясадуғи билинмас?

Ул надирким, гўрт ёнида юзи бор?

Ул надирким, сийнасинда кўзи бор?

Бир каломда уч юз олтмиш маъно бор,

Ерда кўкда, жойдадиғи билинмас.

Албанд айтур уч юз минг турсин,

Тўрт минга тўрт юзнинг сафосин курсин,

Ҳар ким устоз бўлса, жавобин берсин,

Тўрт минг долнинг бир жойдадиғи билинмас¹⁰⁹.

Барча комил устозларгагина маълум бу дунё сир-синоатларини ўзига жамловчи ушбу саволларга халифаи Жаҳонгир жавоб тополмайди. Ошиқ Албанднинг ушбу саволи унинг камолотда юксак мақомга эришганлиги, илми ҳол, илми қолда беназир бўлганлигини билдиради. Аслида етук бахши-шоир, ошиқлар ҳам сўфийлар каби юксак мақомда юрадилар. Шу маънода Ошиқ Албанд образини комил бахши-шоир тимсоли сифатида қараш мумкин. Ушбу сўфийона савол-жавобнинг “Ошиқ” туркум дostonлари таркибига киритилишини биргина ёзма адабиёт ва китобий дostonлар анъанаси билан баҳолаш бирёқлмалик бўлади.

“Ошиқ” туркум достонларининг табиати, хусусан, ошиқ қаҳрамон характери, яъни унинг маънавий куч-қудратига эътиборнинг қаратилиши ҳам ана шу руҳдаги ғояни талаб этиши бу хил талқинларнинг достондан ўрин олишига сабаб бўлган.

Ошиқнинг ўз тақдирга ёзилган ёрини излаб, машаққатли сафарга отланиши “Ошиқ Маҳмуд” ва “Ошиқ Албанд” достонлари сюжетининг асосида туриши юқорида таъкидланган эди.

Реал воқелик мантиғидан келиб чиқиб баҳоланадиган бўлса, мазкур ҳолат у қадар ҳақиқатга яқин эмас. Одатда, эртақ қаҳрамонларигина шу тартибда тадбир кўришлари мумкин. Демакки, айти сафар тадбири ушбу достонлар асосининг қадим анъаналар замирида шаклланганлигини кўрсатади ва сафарга жўновчи ошиқ образи зуваласи ҳам анъанавий тасаввурлар асосида пайдо бўлишлигини билдиради.

“Ошиқ” туркум достонларида ошиқ-маъшуклар учрашувчи макон ҳам алоҳида эътиборга молик. Бевосита мисолларга муурожаат қиламиз.

“Ошиқ Маҳмуд” достонида туш кўриб уйғонган Маҳмуднинг аҳволини кўрган вазиру вазароларга Маҳмуджон шундай жавоб беради:

“Оғалар, ётардим кеча туш кўрдим,
Али бобом келиб турғил, дедилар,
Йўлни узоқ кўрдим, хийла иш билдим,
Нигорхонни никоҳ қилиб бердилар.
Бу нечук сир - асло ета билмасман,
Айрилиқ ўтига дуза билмасман,
Ўзга ёра бошим қўша билмасман,
Шаҳри Лут элига борғил, дедилар.
Оғалар, кўрганим баён айласам,
Сизларга тушимни аён айласам,
Қизил гул боғидан чаман боғласам,
Нигорхон боғиннан терғил, дедилар”¹¹⁰.

Ушбу матнда алоҳида урғу берилган эпик макон “шаҳри Лут” бўлса-да, ёрнинг турар манзили сифатида *боғ* кўрсатилган. Агар диққат билан қаралса, “ошиқ” туркум достонларида ошиқ-маъшукларнинг учрашиб, бир-бирига етишув маконлари сифатида “*боғ*” ва “*гўлзор*” танланган. Ҳатто ошиқ Ғариб севгилиси Санамни кўриш учун боғбонга шогирд тушади.

“Ғариб онаси, синглиси билан хайрлашиб, бир қанча йўл юриб, Шоҳсанамнинг боғига келади ва боғбоннинг хизматини қилиб юради. Баҳор кунларида боғбон Шоҳсанамга гулдаста

олиб борар эди. Бир кун тонгда Ғарибжон боққа ёлғиз ўзи бориб, очилган гуллардан гулдаста боғлаб, ғазал ёзиб, гулдаста ичига қўйди. Боғбон Ғарибнинг гулдастасини ўзи боғлаган гулдасталарга қўшиб, Шоҳсанамга олиб борди. Шоҳсанам боғбоннинг гулдасталарининг ичида бир неча яхши боғланган гулдасталарни кўриб, уларни ким боғлаганлигини сўрайди. Боғбон чиройли гулдасталарни ўзининг хизматкор йигити боғлаганлигини айтади. Шоҳсанам бир яхши гулдастани олиб кўрса, ичидан хат чиқди. Ҳайрон бўлиб хатни ўқийди.

Қулоқ солиб, эшит менинг арзимни,
Замон-замон баттар бўлдим дардингдан.
Нола чекдим фироқингдан, ҳажрингдан,
Қонлар йиғлаб ўтар бўлдим дардингдан...
Киши билмас мани асли зотимни,
Сендан ўзга ҳеч ким билмас дардимни,
Ғариб айтур: ман кал қўйдим отимни,
Сенга додим айтар бўлдим дардингдан”¹¹.

Ошиқ Маҳмуднинг ўз ёрини боғда топишини ҳомий-эрандан эшитиши, ошиқ Ғарибнинг ёр васлига етишиши учун кал сифатида боғбонга шогирд тушиб, боғда гуллар орасида Шоҳсанам билан учрашиши шунчаки тасодиф эмас. “Ошиқ Албанд” достонида Албандни жазолаш мақсадида Назарбек уни пашшаларга ем бўлсин деб, Хатар теракка боғлаганида, тонггача уни пашшалар талаб, бутун бадани қизил қонга беланади. Ана шунда Ошиқ Албанд худога мурожаат қилади:

“.. Бу қонима гуллар бўлди ранг-баранг,
Қонларга дўлибди доғ билан долон.
Қўйманг бу балода - тез озод айланг,
Мани бу пашшадан озод айлағил.
Ҳар ерга борганда чекарман мейнат,
Ошиқни ўлтирур жонима миннат,
Бу кунимда зиёда бўлди машаққат,
Мани бу мейнатдан озод айлағил”¹²

“Бузруглар ҳозир бўлиб, банддан халос этиб, илоҳидан либоси шоҳона кийдириб: “Энди сен гулларнинг орасинда ўлтирғил, энди сани Сўнажон излаб топсин, деб гулларнинг орасига ўтқазиб ғойиб бўлдилар”¹³. Сўнажон ошиқ Албандни гуллар орасидан топади.

Келтирилган мисоллар ҳам кўрсатмоқдаки, “Ошиқ” туркум достонларида ошиқ-маъшуқларнинг боғда учрашуви ва бир-бирининг васлига етишуви анъанавий ҳолат касб этмоқда. Маъ-

шуқани гул, ошиқни булбул тимсолида тасвирлаш аслида халқ шеърляти учун хос. Бу ўринда боғ ва гулзорнинг рамзий мазмун касб этаётганлигини ҳам назардан қочирмаслик керак. Ошиқ-маъшуқларнинг бир-бирига етишувида уларга ҳамиша ҳомий руҳлар раҳнамо бўлишади.

Ушбу ҳолат ҳам ошиқ, яъни бахши ҳақидаги халқ тасаввурлари анъаналарига боғлиқдир. Чунки юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бахши-шоир худди шомондек ҳамиша ўз пири, ҳомий эранлардан қувват олиб туради. “Ошиқ” туркум дostonларида ҳомий эранларга кўп ўрин ажратилишининг ва ошиқнинг ўз маънавий устозлар ҳимоясида тасвирланишининг замирини ана шу дунёқарашлар тизими белгилайди.

“Ошиқ” туркум дostonларидаги маъшуқа образлари ҳақида фикр юритилар экан, энг аввало маъшуқаларнинг асар воқелигидаги иштирокига кўра икки хил намоён бўлишини таъкидлаш лозим.

Биринчи тип: *фаол маъшуқа* (Шоҳсанам).

Иккинчи тип: *пассив маъшуқа* (Нигорхон, Сўнахон).

Шоҳсанам ошиқ Ғариб билан бирга туғилади. Улар гўдаклигидан бир-бирига бешиккертти қилинади. Шоҳаббос ваъдасидан тонгач, Ғариб билан Шоҳсанам орасига айрилиқ тушади. Лекин Ғариб Шоҳсанам учун ўзини бозорга солганда, маъшуқа ошиқни минг тиллога сотиб олади. Ғариб кал суратида боғбонга шогирд тушганида Шоҳсанам уни хати, гулдастасидан таниб, ўз боғида яширин сақлайди. Ғариб Шоҳаббос таъқибидан қочиб, Бағдод шаҳрида етти йиллик қочқинда юрганида унинг изидан одам юбориб, чақиртириб келади. Шоҳсанам ўз ҳаётини хавфу хатарга қўйиб, Ғариб билан бирга ўзга юртларга кетишга рози бўлади. Бир сўз билан айтганда Шоҳсанам Ғариб билан тенг даражада ўз севгиси учун курашади.

“Ошиқ Маҳмуд” ва “Ошиқ Албанд” дostonидаги маъшуқалар ошиқлари уларни излаб бориб, жонларини хавф-хатарга қўйиб, ўзларини танитмаганларича асар воқеаларига аралашмайдилар. Лекин “ошиқ” туркум дostonларидаги маъшуқаларни яхлитлаштирувчи бир анъанавий тасвир борки, бу ҳолат “ошиқ” дostonларининг барчасида моҳиятан деярли бир хилда ўз талқинини топган. Яъни ошиқнинг боғда ёки саройда турганлигини маъшуқага канизлардан бирининг хабар бериши. Ошиққа маъшуқа канизининг ишқи тушиб, унга ўзининг шайдолигини билдириши ва аксарият ҳолда ошиқ-маъшуқаларнинг сири фощ бўлишига ана шу инкор қилинган севгининг сабаб бўлиши.

“Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” достонида Шоҳсанам ва Ғариб боғда бир-бирини топиб, висолга етишиб, аҳду паймон қилишган вақтида ғарибга шайдо бўлиб, севгиси рад этилган Сувчи каниз, рад этилгач ошиқ-маъшукларнинг боғда бирга эканликларини Шоҳаббосга етказди¹¹⁴.

“Ошиқ Албанд” достонида Сунажон ошиқ Албандни гулзор ичидан топиб, ўз кўшига олиб бориб, тўққиз кеча-кундуз даврон суради. Ана шунда Албандни ёқтириб қолган Гулзор каниз Сунадан Албанджонни бир кечага сурайди. Рад жавобини олгач, бор гапни Сунанинг ота-онасига етказди¹¹⁵.

“Ошиқ Маҳмуд” достонида эса ошиқ-маъшуклар сирини ошиқ Маҳмуднинг рақиблари бўлмиш бахшилар ошкор этишадди¹¹⁶.

Ошиқ-маъшукларнинг боғда - гулзорда топишуви ва ошиқни аввало канизлардан бири кўриб, унга шайдо бўлиши мотивини Гўрўгли туркумига мансуб “Юнус пари” достонида ҳам учратамиз¹¹⁷.

Бизнинг назаримизда, “ошиқ” туркум дostonларидаги маъшуқа образининг шаклланишида ва у билан боғлиқ учрашув мотивининг ўз бадий ечимини топишида пари образи ва сеҳрли фантастик эртаклардаги айни ҳолатга уйғун мотивларнинг поэтик аънаналари замин бўлган¹¹⁸. Қолаверса, боғ, гулзор, гул билан боғлиқ қадимий дунёқарашлар, маросимий мифлар ҳам ушбу мотивнинг тарихий илдизларини кўрсатади.

Г.П.Снесаревнинг тадқиқотларидан маълум бўлишича, бир вақтлари Хива атрофларида қизил гул байрами ўтказилган. Бу байрамнинг асосий моҳияти қариндош ва яқин кишиларга гул совға қилиш бўлган. Мазкур тантана Хива яқинидаги Боварис бобо қабристонидан ўтказилган. Бу ерга шаҳарнинг барча ёшлари келишган. Қизлар ва ёш жувонлар авлиё қабри яқинидаги тор сўқмоқдан бирин-кетин ўтганлар. Ёш йигитлар эса йўл ёқасида туриб, гуллар, олмалар, бўялган тухумларни отишган. Бу ерда гул, асосан, севги ва янги қурилажак оиланинг рамзи ҳисобланган¹¹⁹.

Хоразмда гул билан алоқадор иримлар, улар билан боғлиқ ривоятлар кўпчиликни ташкил этади. Шулардан бири нозвой (райҳон) гул ҳақида бўлиб, бу ривоятда Саъд Ваққоснинг ўғли ҳақида сўз боради. Муҳаммад пайғамбарнинг яқин саҳобаларидан бири бўлган Саъд Ваққос сахийликда ном чиқарган бўлиб, бир куни ҳатто биров учун ўғлининг жонини ҳам аямайди. Унинг бировнинг эҳтиёжи учун ўғлини қурбон қилганини билган Му-

ҳаммад пайгамбар Саъд Ваққоснинг ўглининг жонини худодан илтижо қилиб сўрайди ва уларнинг уйига бориб, “Абдулла”, деб чақиради. Учинчи чақириқда у етиб келади. Ундан нега биринчи чақириқда етиб келмаганини сўрайдилар. Абдулла биринчи чақириқда жаннат боғида сайр қилиб юрганини, иккинчи чақирганда онаси учун райҳон (нозвой) терганини ва, ниҳояг, учинчи чақирганда етиб келганини айтади.

Хозир ҳам нозвой гули жаннатдан келган, деб эъзозланади ва унга пашша қўнмайди¹²⁰.

Кўринадики, Хоразмда гулнинг муқаддас ўсимлик эканлиги ҳақида кўплаб ривоятлар мавжуд. Бу ерда гулга алоҳида бир меҳр билан қарашади. Нозвой гулни чақалоқ бешигига осиб қўйишади. Қишда эса унинг поясидан парча олиб, бола ёстиғининг остига қўйишади.

Гул билан боғлиқ турли урф-одатлар, уларнинг магик хислатлари дostonлар таркибига ҳам кириб улгурган. Дostonларда ҳам гул севги ва оила рамзи сифатида бериледи. “Завриё” дostonида шундай бир лавҳа бор: “...туш кўрди, Сўнажоннинг қўлинда бир даста гул очилмиш. Ул вақтда ҳаводин бир булбул келиб, шу гулдин тўрт япроқни олиб, ғойиб бўлди” (қўлёзма, 52-бет).

Сўнажон уйғониб, бу тушни канизақларига айтиб берганда, улар сен - гул, булбул - ошиғинг, деб жавоб беришади.

Ушбу дostonда гул билан алоқадор яна бир лавҳа бор. Унда ҳам ибтидоий мифологик тасаввурлар намоён бўлади.

Сўнажон тушида кўрган ёри шаҳзода Олимжонни ўз маконига олдиради. Улар бирга ўтирганда қизни отаси саломга чақиради. Сўнажон ёрини қаерга яшириб кетишини билмай Олимжонга “...исми аъзам ўқиб, дам солди, бир чаман гул бўлди. Бошина санчиб, отасининг ёнига саломга борди” (қўлёзма, 67-бет).

Йигитни гулга айлантириб, бошига қадаш ҳодисаси энг ибтидоий мифлар билан боғланиб кетади. В.И.Ереминанинг кўрсатишича, бу ҳодиса мифик тафаккурнинг анимистик принциплари билан алоқадордир. Ибтидоий инсон мифологик тафаккурнинг дастлабки даврларида табиат билан руҳиятни бир бутун ҳолатда тасаввур қилган. Ҳатто айрим халқларда инсонларнинг ўсимликлардан (бамбук, пальма) келиб чиққанлиги ҳақида мифлар мавжуд¹²¹. Демак, инсоннинг гулга айланиши ва унинг аслига қайтиш ҳодисаси ҳам қадимги мифологик тасаввурларнинг меваси сифатида етиб келган лавҳалардир.

Дostonларда гул билан алоқадор лавҳалар баъзан қабр билан боғлиқ ҳолда бериледи. “Ройи Чин” дostonида асар бош

қахрамони ёрини излаб бораётиб, тоғ орасида бир қабрнинг устидан чиқади, “Аммо қабрнинг бош устинда бир қизил гул, бир ёнида гул лола очилиб турур” (қўлёзма, 42-бет).

Рой қабр устида ўтириб, ундан мадад тилаб, нола қилади ва уйкуга кетади. “Тушинда қабр икки бўлинди, ичиндин бир барно йигит чиқди” (қўлёзма, 43-бет). Қабрдан чиққан йигит Фарҳод бўлиб, ушбу қабр Фарҳод ва Шириннинг даҳмалари бўлиб чиқади. Фарҳод Ройга маслаҳат беради.

Худди шундай лавҳа “Тоҳир ва Зухро” дostonида ҳам бор. “Бир куни қора ботир Тоҳир билан Зухранинг қабрига бориб қараса, ҳар мазорнинг устидан бир қизил гул чиқиб, бир-бирига чирмашиб кетибди. Қора ботир бунга чидолмай ўзини ўлдиради ва уларнинг ўртасига йиқилади. Унинг устидан бир қора тиканли гул ўсиб чиқиб, аввалги икки гулга озор беради. Охирида қора ботирнинг жасадини у ердан олиб, бошқа жойга кўмадилар (қўлёзма, 145-бет).

Х.Г.Кўрўғли “Тоҳир ва Зухра”даги ушбу эпизодни эрон мифологиясидаги Гавомард билан боғлайди. Гавомард ўлгандан кейин 40 йил ўтгач, у ётган жойдан иккита равоч ниҳоли ўсиб чиқади ва уларнинг боши бир-бири билан бирикиб кетади. Улар кейинчалик одам шаклига кирадилар¹²².

Ушбу лавҳага диққат қилинса, гул билан алоқадор бўлган мифологик тасаввурларнинг қадимдан келаётганига яна бир қарра ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Биз юқорида инсоннинг гулга эврилиши хусусида сўзлаган эдик. Бу ерда эса гулдан инсоннинг пайдо бўлиши ҳақида сўз юритилмоқда. Демак, инсон ва табиат бирлиги ҳақидаги мифологик тасаввурлар халқ ижодида муайян рамз билан алоқадордир. Масалан, Хоразмда қизил гул - ошиқлик, йигитлик, оқ гул – маъшуқа, қизлик рамзи. Сарик гул – ҳижрон, қора гул эса ёвузлик рамзи сифатида тушунилади. Бу тушунчаларнинг барчасида қадимги мифик тасаввурлар, халқнинг қадимги анъаналари, урф-одатлари мужассамлашган.

Дostonлардаги гуллар билан алоқадор лавҳалар ундаги бадий бўёқдорликни янада ранг-баранг қиёфага киритади. Улардаги магик хислатлар, мумкин бўлмаган нарсаларни ижобий ҳал қилишга олиб келади. Дostonдаги машаққатли воқеаларнинг умидворлик билан ниҳоясига етишига туртки бўлади. Масалан, биз пари образи билан алоқадор фаслимизда “Хурлиқо ва Ҳамро” дostonидаги бир лавҳани келтирган эдик. Ҳамронинг кўзини жойига қўйгандан кейин Хурлиқо оқ гул билан ўнг кўзни, қизил

гул билан чап кўзни сийпайди. Натижада кўзлар аввалги ҳолатга келади. Ушбу эпизодда ҳам гулда мужассамлашган магик хусусиятга урғу берилаётир.

Яна бир нарсани айтиш ўринлики, гул ҳам дostonларда аксарият ҳолларда парилар билан алоқадор қилиб берилади. Айниқса, сеҳр-жоду билан боғлиқ лавҳаларда гулга парилар мурожаат қилишади. Бу ҳомийларнинг барчаси яна мифологиянинг қадимги излари ва ўсимлик, табиат култи билан боғланиб кетади.

Ушбу эпизодлар асосан Хоразмдаги “ошиқ” туркум дostonларидан ўрин олган.

Б) Ҳомий образи. Ўзбек фольклоридаги эпик асарларнинг барча жанрлари, турларида қаҳрамонга ҳомийларнинг ғайритабиий кўмак ва ёрдам беришини кузатамиз. Одатда, ҳомийлар қаҳрамон ҳаётининг барча босқичларида, турли шаклларда ёрдам беради ва кўпчилик ҳолатларда ҳомийлар бажарган ишлар қаҳрамон томонидан бажарилиб деб ҳам қабул қилинади.

Ҳомий кучлар қаҳрамоннинг туғилиши, унинг тарбия топиши, ўз олдида турган вазифасини бажаришида ҳамиша - то умрининг поёнигача ёрдам беради. Бир сўз билан айтганда, ҳаётда инсонни ҳамиша қўллаб-қувватлаб, ёрдам берувчи илоҳий куч ҳомий ҳисобланади. Айни дунёқараш эса бу оламда кишилар кўзига ҳамиша ҳам кўринавермайдиган, аммо керак вақтда ёрдамга ҳозир бўладиган илоҳий кучлар борлигига ишонч натижасида пайдо бўлган. Бундай қараш эса диний-эътиқодий дунёқарашнинг энг қадимий шаклларида бири бўлмиш шомонизмга ҳосдир. Бизнинг халқимиз орасида шомонизмнинг қадим-қадимдан яшаб келаётганлиги илмий адабиётларда исбот этилган¹²³. Шомонларнинг ҳомий кучлари ва ёрдамлари турли тоифада ва турли характерда бўлганидек, эпик асарларда келувчи ҳомий кучлар ҳам турлича. Биз қуйида бевосита “ошиқ” туркум дostonларидаги ҳомий кучлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларимизни билдирамыз.

“Ошиқ” туркум дostonларидаги ҳомий кучларнинг фаолияти ва уларнинг эпик қаҳрамон тақдирларидаги ўрни бевосита бу туркум дostonларнинг шомонистик дунёқарашлар ва билвосита қадимий мифологик тасавурларга боғлиқ ҳолда шаклланганлигини билдириб, уларнинг ўзига хос бир туркум образларга эга эканлигини кўрсатади. Ошиқ дostonларидаги ҳомий кучлар образларини синчиклаб қараб чиқилса, улар мифологик дунёқарашнинг турли босқичлари билан боғлиқ равишда юзага келганлиги ҳам маълум бўлади. Яъни, манистик тасавурлар асосида

туғилган ҳомий кучлар, анимистик тасаввурларга алоқадор ҳомийлар. Ҳомий кучларнинг бевосита бадий матндаги тасвири ҳамма вақт ҳам бир хил даражада, маълум қолип ва андозаларга қатъий амал қилинган ҳолда келмайди. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам гап ким ҳақида кетаёганини аниқлаш мушкул эмас.

Манистик тасаввурлар билан боғлиқ ҳоким кучлар халқ ижодиётининг, жумладан дoston жанрининг шаклланиши ва ривожланишида манистик мифологиянинг аҳамияти жуда каттадир. Айрим манбаларда қайд қилинишича, ушбу тоифа мифлар мифологиянинг энг қуйи босқичларидаёқ пайдо бўлган¹²⁴. Маълумки, манистик мифлар аждодлар ҳомийлиги, афсонавий, тарихий қаҳрамонлар тўғрисида баҳс этади.

Мифшунос олим Ян Парандовскийнинг таъкидлашича, мифларда тасвирланувчи қаҳрамонлар жуда қадимий бўлиб, уларнинг дастлабкилари “Ўз ватандошларига хизмат қилиб, алоҳида ҳурмат қозонган буюк кишилар: уруғ, қабила бошлиқлари, қонуншунослар, машҳур жангчилар, руҳоний-қоҳинлар, пайғамбарлар, буюк шоирлар бўлиб, улар вафот этганларидан кейин халқ орасида қаҳрамонга айланиб, уларга сиғиниш бошланган”¹²⁵.

Ушбу турли тоифадаги буюк шахслар ибтидоий инсон тасавурида кароматли шахслар сифатида намоён бўлган ва улар руҳига сиғиниш одати вужудга келган. Кейинчалик эса улар ҳомий сифатида тан олиниб, манистик мифология қаҳрамонлари тимсолини эгаллаганлар.

Хоразм дostonларида манистик мифологияга оид лавҳалар жуда кўп. Чунки, айниқса, романик эпосда эпос қаҳрамонларининг, эпик тўсиқларни бартараф қилиши асосан ҳомийлар ёрдамида амалга ошади. Бу эса, ўз-ўзидан, манистик мифология қаҳрамонларига мурожаат қилишни тақозо этади.

Манистик мифологияга оид лавҳалар Хоразм дostonларида анимистик мифларга қараганда кенгроқ ўринни эгаллаган. Унинг характерли намуналари “ошиқ” туркуми дostonларида ҳам берилган.

Манистик ҳомий кучлардан бири Шоҳимардон пирдир. “Ошиқ Маҳмуд” дostonида Ганжа қорахон “Шоҳимардон пирнинг қабрига бориб, қирқ кеча, қирқ кундуз ястаниб ётади”¹²⁶. Шоҳимардон пир унинг тушида “нуроний бир чол”¹²⁷ сифатида кириб, унга ўғил ато этилганлигини баён этади. Шоҳимардон пирнинг шарофати билан Маҳмуджон дунёга келади.

Ошиқ Маҳмуднинг тушига ҳам “бир нуроний пир киши”¹²⁸ кириб, Нигорхонни унга аталганлигидан хабар беради. Нигорхоннинг тушига ҳам “бир нуроний пир одам кириб”, Маҳмуджонни унга кўрсатиб, ғойибона никоҳ қилади¹²⁹.

Ганжахон билан боғлиқ эпизодда пирнинг номи Шоҳимардон, деб аниқ айтилиб, унинг бир нуроний чол эканлиги тасвирланади. Лекин Маҳмуджон ва Нигорхонлар тушига кирган пирнинг номи дostonда аниқ айтилмаган. Шундай бўлса-да, ҳомий пирнинг сифатидан унинг Шоҳимардон пир эканлигини англаш қийин эмас. Айни пайтда, Ошиқ Маҳмуд тушида Қамбаржонни унга дўст деб танитган пирнинг номи Қамбаржон кўрган тушда Ҳазрат Али сифатида айтилади. Қамбаржоннинг уйқусида Ҳазрат Али тушига киради. Унга уч коса шароб ичирди. Тилимхон деган бир қизни

- Ўғлим Қамбаржон! Маҳмуджон дўстинг билан бирга кетгил, албатта мақсадинга етасан, - деб оғзига туфлаб, орқасига шаппот уриб, кўздан ғойиб бўлди”¹³⁰.

Шоҳимардон пир ва ҳазрат Алини бир яхлит образ сифатида тасвирлаш ва англаш нафақат “Ошиқ Маҳмуд” достони, балки бошқа фольклор намуналари ва халқ тасаввурларида ҳам кенг учрайди. Фикримизнинг исботи сифатида Фарғона водийсидаги энг катта қадамжо Шоҳимардон ва Нурота яқинидаги айни шу ном билан юритилувчи азиз жойлар ҳам ҳазрати Али номи ва қабри билан эл орасида шуҳрат топганлигини келтиришимиз мумкин.

Хоразм дostonларида ҳазрат Алининг мушкул аҳволда қолган қаҳрамонларга ҳомий сифатида ёрдам берган ҳолатлари кенг учрайди.

“Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” достонида асар бош қаҳрамони ғариб мусофирлик чекиб, саргардон юрган пайтида ёри Шоҳсанамнинг Шоҳвалад подшоҳга тўй бўлаётганини эшитади ва ўз элига етиш учун йўлга тушади. “Шу келишида бир отлиқ йўлиқади. У: “Эй йигит, отнинг орқасига мин, деди. ғариб сакраб минди, кўзингни юм, деди, юмди. Кўзингни оч, деганда қараса, ўз элининг бир чеккасига келган экан”.

“Гулқанд” достонида ҳам худди шунга ўхшаш лавҳа мавжуд. Асар бош қаҳрамони Мискин тушида никоҳ қилиниб, ёри Гулқанднинг маконига бориш учун йўлга чиқади. “Шунда қибла тарафидан бир гард пайдо бўлди. Гард орасидан бир қора отли, қора тўнли пайдо бўлади. Мискин Шарифга қараб туриб эрди, келиб айди: “Эй ўғлим, қўлингни манго бергил”, - деб қўлидан

тутиб орқасига олиб, кўзингни юмгил, деди. Эrsa кўзини юмди. Мискин Шарифни олиб ғойиб бўлди. Бир соатдин сўнг кўзингни очгил, деди. Кўзини очди. Кўрарким, бир биёбон. Анда тушди. Шул вақтда Ҳазрат Али айди: “Эй ўғлим, Худо ёринг бўлсин, деб ғойиб бўлди”.

Ҳазрат Алининг ҳомий сифатида кўриниши “Асил ва Карам” достонида ҳам бор. Бу лавҳада у Асилжоннинг оламдан ўтган ўғли Карамжонни тирилтириб беришни Тангри таолодан илғижо қилиб сўрайди. Бу тилак қабул бўлади (қўлёзма, 190-бет).

Ҳазрат Али аксарият ҳолларда қора тўнли, қора отли киши тарзида тасвирланади. Ҳомийлик қилганда ҳам, асосан, чавандоз қиёфасида фаолият кўрсатади.

Фикримизча, Али образи Ислom дини Марказий Осиёга ёйилганидан кейин фольклор асарлари таркибига кирган.

Элшунос олим Г. П. Снесаревнинг таъкидлашича, Али образи Марказий Осиё халқлари ижодида жуда машҳур бўлса-да, Хоразмда нисбатан камроқ кўзга ташланади. Қолаверса, Алининг афсонавий образи заминида Хоразмда машҳур бўлган қадимий образ, чавандозлар пири Сиёвуш фаолияти ётади¹³¹. Кейинги даврларда Сиёвуш образи билан боғлиқ кўп воқеалар Али образига кўчирилганлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Чунки, қадим Хоразм мифологияси билан алоқадор бўлган анчагина мотивлар сўнгги даврларда бошқа шахслар фаолияти билан боғлиқ ҳолда ўзгаришга учраган. Зардуштийлик динининг асосчиси Зардушт билан боғлиқ воқеаларнинг Султон Увайс фаолиятига кўчиши ҳам айрим манбаларда қайд қилинган¹³².

Демак, Хоразмда тарқалган архаик мифология даврлар ўтиши билан турли ўзгаришларни бошидан кечирган. Зардуштийликнинг муқаддас китобида берилган айрим сюжетлар ҳам Ислom дини пайдо бўлганидан кейин унинг тарғиботчилари бўлган айрим тарихий шахсларнинг бадий образларига кўчган.

Ҳазрати Алининг Хоразм достонларидаги ҳомий образлар даражасига кўтарилишини ҳам шу нуқтаи назардан изоҳлаш лозим бўлади. Энди бевосита Шоҳимардон пир образига келадиган бўлсак мардонлар пири бўлмиш бу образ ҳам бевосита Сиёвуш образи билан ҳам алоқадор бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

“Ошиқ” туркум достонлари орасида ҳомийлик тизими мукамал даражада кўзга ташланувчи асар “Ошиқ Албанд” достонидир. Биринчидан, достон бевосита Ошиқ Албанд хаёти ва таржимаи ҳоли эмас, унинг пири, устози Ошиқ Ойдин билан боғлиқ эпизод орқали бошланади:

“... Аммо ровийлар андоқ ривоят қиладирларким, Бўстон шахрида Ошиқ Ойдин деган бир пир бор эди. Дўкон қуриб, пўлотдан оташ пишириб, уч юз олтмиш шогирд хизматида эди...”¹³³.

Бутун дoston давомида Ошиқ Ойдин шогирди Ошиқ Албандга ҳомийлик қилади. Чунки у Ошиқ Албандни сафарга кузатар экан: “Сен ҳам ҳар ерда бўлсанг, биз хабардормиз”¹³⁴, - деб фотиҳа беради.

Маълум бўлмоқдаки, Ошиқ Ойдин Муҳаммад пайғамбарнинг руҳий ҳимоясида туради, ўз навбатида, Ошиқ Албанд Ошиқ Ойдиннинг ҳомийлигида ҳаракат қилади, деб айтилмоқда.

Шу ўринда Ошиқ Ойдин образи ҳақида батафсилроқ тўхталишга тўғри келади. Ошиқ Ойдин ҳомий сифатида Хоразм дostonларидан бошқа дostonларда ҳам учрайди. Масалан, “Гўрўғли” туркуми дostonининг “Хирмондали” шахобчасида Ошиқ Ойдиннинг ёрқин образи чизиб берилган. Гўрўғли курашиш ва қўшиқ айтиш мусобақаларида қатнашиш ҳақида Хирмондалидан хат олганидан кейин Рум шаҳрига отланади. Ўша пайтда ҳамма нарсани башорат қилиш имкониятига эга бўлган Оға Юнус пари бу шаҳарга бормасликни, мабодо борилса, албатта Ошиқ Ойдин пирдан дуо олиб кетишни маслаҳат беради:

Бундан борсанг, шаҳри Бастом бориб ўт,

Яхшизодаларнинг қадрин билиб ўт,

Ошиқ Ойдин пирдан дуо олиб ўт,

Дуо олмий пирдан кетма, Гўрўғли.

Аммо Гўрўғли парининг маслаҳатига қулоқ солмай, Румга кетади ва курашда ҳам, қўшиқ айтишда ҳам Хирмондалидан енгилиб қайтади. Кейин хатосини англаб, Ошиқ Ойдин пирнинг ҳузурига бориб, унинг хизматига киради. Ўша вақтда бир кун кечаси Ошиқ Ойдин тушида Хирмондали билан боғлиқ воқеаларни кўради. Сўнгра Рум шаҳрига бориб, қиз билан курашиш ва қўшиқ айтиш мусобақасига боришини муридларига билдиради. Худди шу масалада юрган Гўрўғли ҳам буни эшитиб, пир билан кетмоқчи бўлади. Бироқ, Ошиқ Ойдин пир буни рад этади. Чунки, пир қизнинг тақдири кимга боғланганлигини илоҳий қудрат билан англаб етган эди. Хирмондалининг тақдири унинг тушида Карамжон деган шогирди билан боғланганлиги аён бўлади. Бироқ, қизнинг шартларини бажариш Карамжоннинг қўлидан келмас эди. Шу боисдан пирнинг ўзи бориб, Хирмондали билан айтишувда қизни енгади. Шартнинг биттасидан енгилишининг ўзи ҳам кифоя эди. Шу сабабли Хирмондали ўз тақдирини пирнинг қўлига топширади. Пир Карамжонга бахт ато этади.

Хоразм дostonларида Ошиқ Ойдин ошиқларнинг пири, соз ва сўз устаси сифатида таъриф этилади. Унинг образи мифологик тасвирдан муайян даражада бадиий образ томон силжиган. Бироқ, унинг фаолиятида мифологик хусусиятлар ҳам сақланиб қолган. Чунки, “Воқеликни бадиий образларда акс эттириш шакли, яъни бадиий тафаккур юзага келгач, у энди бадиий образни ҳеч нарса йўқ ерда кашф этмайди, балки ўзига қадар инсоният тажрибасида кашф этган мифологик қарашларни ифодаловчи мифик субъектлар заминида яратди”¹³⁵.

Ошиқ Ойдин аслида тарихий шахс бўлиб, унинг қабри Кўҳна Урганчдан 60 км жанубий-ғарбда жойлашган¹³⁶. Унинг машҳур бахши бўлиб ўтганлиги, соз ва сўз устаси эканлиги ва 1255 йилда вафот этганлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор¹³⁷.

Венгер олими Х. Вамберининг ёзишича, “Ошиқ Ойдин” номли дoston ҳам бўлган. “Ошиқ Ойдин” асари Усмонлилар халқ поэзиясида машҳур бўлган “Ошиқ Ғариб” дostonига тақлидан яратилган бўлиб, у Анатолия ва Рум элининг қаҳвахоналарида маддоҳлар ва ашулачилар томонидан кўп айтилади¹³⁸. Бинобарин, Ошиқ Ойдин образи Хоразм дostonларига кейинги даврларда кириб келган. Йиллар ўтиши, оғзаки ижод намунасининг оғиздан-оғизга ўтиб, кўп ўзгаришлар содир бўлиши натижасида у ҳомий образ даражасига кўтарилган. Ўз навбатида, унинг образи воқеани илоҳийдан билиш, бирор киши ғойибона ёрдам сўраганда уни англаб, бир зумда унинг қошида ҳозир бўлиш, чигал муаммоларни бир фурсатда ҳал қилиш каби қатор мифологик хусусиятларни ҳам ўзига жамлаб, қадимдан келаётган Хизр образига монанд бир даражага етган.

“Ошиқ Албанд” дostonида ҳомий кучлар билан боғлиқ иккинчи жиҳат асар воқеалари баёни давомида мушкул ахволда қолган қаҳрамонга ёрдам берувчи ҳомий кучларнинг турли хилда берилишидир. Ушбу масалани дoston сюжети бўйлаб кузатиб чиқайлик.

1. Ошиқ Албандга Суна келин хабарини тушда айтувчилар: дostonда “пирлар келиб айтадилар”¹³⁹ дейилган. Ҳомий куч бир киши эмас, кўпчилик деб айтилмоқда. Одатда, кўпчилик сифатида келувчи ҳомий кучлар чилтонлар ҳисобланади. Бу ўринда Алпомишнинг туши ва Гўрўғлининг ҳомийларини эслаш кифоя.

2. Ошиқ Албанд опа-сингил Гулжамол ва Дуржамол деган қизларнинг кутқусига учган вақтида: “Бир бобойи мўйсафид ким? Ўзи қиёфасини ўзгартирган Ошиқ Ойдин ёки Хизрми?”

3. Албанднинг йўлида бир булоқ чиқди. Унда қизил сув бордир. Бир бўлак кийик булоқдан сув ичмоққа келди. Албанд ирим қилиб: “Агар сўзим бовар бўлса, Сўнажонни олурман, бовар бўлмаса, олмоқ йўқ деб”, - булардан сўради. Бу кийик сувратидаги бузурғлар эдилар, Улар Албанджонни синаш мақсадида кийик сувратида кўринган эдилар. Улар Албанджонга далда бериб, йўлга солишди.¹⁴⁰

Демак, ушбу ўринда ҳам бузурғлар - кўпчилик қаҳрамонга йўлиқди.

4. Албанджоннинг йўлини тоғ тўсиб, танг аҳволда қолганида “осмондан икки девона келиб, тоғларга сиёсат қилдилар, тоғ ажралиб йўл берди”¹⁴¹.

5. Албанджон Табризга етиб келганида эса сарҳовуз бўйида бир бобога йўлиқди.

“Бобо:

- Мени танидингми? - деди.

Албанджон айтди:

- Кўп вақт бўлди, кетиб эрдим, билмасман сиз кимсиз?

Бобо ўзини таништирди:

- Сенга фотиҳа берган халифа пирман”¹⁴².

6. Ошиқ Албанд банди бўлган вақти ҳам “Бузруклар ҳозир бўлиб, банддан халос этиб, илоҳидан либоси шоҳи кийдириб”¹⁴³, унга йўл-йўриқ кўрсатадилар.

7. Сўнажоннинг тушига “пирлар кириб айтадилар: “Ўн беш йиллик йўлдан Албанджон сани, деб келиб, боғда пешада ётибди, нечун ундан хабар олмайсан”¹⁴⁴.

Келтирилган маълумотлардан маълум бўлмоқдаки, Ошиқ Албанд ва Сўнажонга ҳомийлик қилувчи кучлар сифатида бир неча гуруҳ, кучлар тилга олинмоқда. Булар: 1. Ошиқ Ойдин. 2. Мўйсафид бобо. 3. Кийик суратида келган бузурғлар. 4. Осмондан келган икки девона. 5. Бир бобо. 6. Бузурғлар. 7. Пирлар.

Ушбу санокдаги биринчи, иккинчи ва бешинчи рақамдагилар ҳомий Ошиқ Ойдин эканлиги бевосита ҳомий кучнинг: “Сенга фотиҳа берган халифа пирингман”, - деган эътирофдан билишимиз мумкин. Демак, Ошиқ Ойдин образи дostonда худди Хизрдек ўз суратида намоён бўла олиш қудратига эга деб тасаввур этилган улкан имкониятли ҳомий сифатида тасвирланмоқда. Бу ҳолат эса ўз навбатида, иккинчи, тўртинчи, олтинчи ва еттинчи рақамлар билан белгиланган ҳомий кучларни ҳам у ўз шоғирдига жўнатган деб хулоса чиқаришимизга асос беради. Ушбу ҳомийлик тизими эса бевосита анимистик дунёқарашга асослан-

ган шомонлик тасаввурларига мос келади. Бу фикримиз ҳомийларнинг бир сувратдан иккинчи бир сувратга кириши, ҳатто ҳайвонларга эврилиши мисолида яна ҳам ўз тасдиғини топади.

Ошиқ Ойдин образи бевосита манистик тасаввурлар билан боғлиқ бўлса-да, бевосита анимистик тасаввурларга хос хусусиятларни ҳам ўзида мужассам этувчи бошқа ҳомий кучларни ўзида ифодалаши ҳам бу образга берилган сифат ва хусусиятларни аниқ билдириб турибди.

“Ошиқ” туркум дostonларида анимистик мифология билан алоқадор ҳомий кучлар ҳам салмоқли ўринга эга бўлиб, улар ҳақида ҳам алоҳида тўхталиш талаб этилади.

Анимистик қарашлар инсон ҳаётининг энг қадимги босқичларига алоқадор бўлиб, унинг илдизлари архаик мифлар билан боғланиб кетади. Эзгулик билан ёвузлик инсон ҳаётининг асосини ташкил этганлиги сабабли ибтидоий инсон ҳеч бир ҳодисага бефарқ қарамаган. Уларнинг замирида қандайдир руҳ яширинган, деб ҳисоблаган ва улардан мадад кутган. Шу сабабли халқ ижодида чилтонлар, эранлар ёхуд ҳар бир касб-корнинг пири, Бобо Деҳқон, Довуд каби руҳ билан боғлиқ кучлар ҳақидаги мифлар юзага келган.

Хоразм дostonлари таркибида анимизм билан боғлиқ мифлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг орасида чилтонлар билан боғлиқ бўлганлари айниқса кенг тарқалган. Бирорта дoston йўқки, унда чилтонлар иштирок этмаган бўлсин. Айниқса, “Ошиқ” туркумига кирувчи дostonларда улар тез-тез кўзга ташланиб туради. Чунки, мазкур типдаги дostonларда туш мотиви асосий ўринни эгаллайди. Ошиқ-маъшуклар ўша туш жараёнида бир-бирига никоҳ қилинади. Албатта, ушбу никоҳ жараёнида қирқ чилтон ҳозир бўлади.

Чилтон атамаси форсийдаги “чил” ва “тан” сўзларидан иборат бўлиб, аслида қирқ тан, қирқ руҳ маъносига эгадир. Қирқ чилтон ҳамиша ошиқларга ҳамдам, дастёр, ҳомий сифатида фаолият кўрсатадилар.

Чилтон билан боғлиқ халқ қарашларини дастлаб М.С. Андреев ўзининг “Чытганы в Средне-Азиатских верованиях”¹⁴⁵ номли мақоласида атрофлича ёритган. Олим чилтонларнинг келиб чиқишини Ҳиндикуш водийсидан ёзиб олинган бир афсона билан изоҳлаган. М.С. Андреев фикрларини атрофлича таҳлил этган Ш. Турдимов ўзининг “Қирқ пирлар бор”¹⁴⁶ мақоласида ўзбек халқи орасида чилтонлар ҳомий кучлар сифатида талқин этилса, иккинчисида жинларга яқин руҳлар сифатида англанишини ёзган. Фольк-

лоршунос биринчи тасаввурнинг етакчи ўринда туришини таъкидлар экан, бу образларнинг асосида қадим туркий тоғ эгалари ҳақидаги мифологик қарашлар турганлигини ёзган¹⁴⁷.

Чилтонлар нафақат ҳаётда, балки фольклор асарлари таркибида ҳомий эранлар сифатида келишини бутун ўзбек фольклори намуналари, хусусан, “Алпомиш”, “Гуруғли” ва бошқа дostonлар қаторида, “ошиқ” туркум дostonлари ҳам тасдиқлайди. Ошиқ Албанд дostonининг Алишер Навоий номидаги Тил ва Адабиёт институти фольклор архивидаги 1432-рақамли вариантдан бошқа иккинчи бир қўлёзма вариантда Ошиқ Албанд ва Сўнажонни, худди “Алпомиш” дostonидаги Алпомиш ва Барчин руҳларини никоҳ қилганидек, ўзаро илоҳий боғланганликлари тасвирланган.

“Ошиқ Албанд” дostonининг ушбу вариантда Албанд ва Сўнажонлар қирқ чилтон иштирокида бир-бирига тушда никоҳ қилинадилар. Унинг “...тушинда Шоҳимардон, тўрт чаҳориёр ва яна қирқ чилтон жам бўлиб, Табриз шаҳридаги Сўнажонни келтириб, никоҳ қилиб, фотиҳа қилиб, қайтиб кетдилар”.

“Хоҳ оғзаки, хоҳ ёзма манба бўлсин, туш кўришнинг ва туш лавҳасининг асоси битта – инсон руҳий дунёсининг рамзларидир”¹⁴⁸.

Дарҳақиқат, туш инсон руҳиятининг уйқу пайтидаги акс-сайдир. Қирқ чилтонларнинг ўзи руҳ бўлганлиги сабабли инсон руҳи билан мулоқотга киришадилар. Тушдаги никоҳ жараёнида ҳам руҳлар фаолият кўрсатади. Инсон эса уйғонганидан кейин тушидаги воқеаларни амалга оширишга киришади.

Чилтонлар билан алоқадор иккинчи бир характерли лавҳа “Хурлиқо ва Ҳамро” дostonида берилган. Ҳамро Булбулигўё қушни излаб бораётиб, йўлдаги бир гумбазда чарчаб ухлаб қолади. Тушида “...қирқ чилтонлар кўз очиб-юмгунча Боғи Эрамга бориб, Шоҳруҳшоҳнинг қизи Хурлиқо паризоднинг боғида пайдо бўлдилар. Қирқ чилтонлар уни кўтариб, осмонга учдилар. Кўз очиб-юмгунча гумбазга келтирдилар. Юзига сув сепдилар, кўзини очди. Хурлиқо қараса, қирқ чилтонлар орасида ўтирибди. Бу одамзод кимдур, деди. Бу одамзод сенинг жуфтинг турур, дедилар” (қўлёзма, 35-бет). Шундан кейин Хурлиқо билан Ҳамро айтишув орқали бир-бири билан топишадилар. Қирқ чилтонлар ҳам ғойиб бўладилар.

Ушбу лавҳадан кейин бош қаҳрамоннинг саргузаштлари бошланади. Бундай қараганда, туш лавҳаси ва унда иштирок этувчи анимистик образлар ўзига хос тугун вазифасини ўтайди.

Биз юқорида “Ошиқ Албанд” достонида (Инв 1432) иштирок этган ҳомий кучларни тартиби билан санаб ўтгандаги Ошиқ Албанд ва Сўнажонга тушида, ҳушида йўлиққан “бузурглар” бевосита чилтонлар эди. Достон ижрочиси ва унинг тингловчилари бу ахборотни ҳеч бир изоҳларсиз англаб, тўғри қабул қилганлар.

Хоразм фольклори “ошиқ” туркум достонларида ҳомий сифатида келувчи образлардан бири Хизрдир. Фольклоршунос олимлар М.Жўраев ва Ш.Шомусаров ўзларининг “Ўзбек мифологияси ва араб фольклори” деб номланувчи китобида Хизр образига алоҳида қисм ажратилган. Жумладан, улар шундай ёзишади: “Туркий халқлар фольклорида эпик қаҳрамоннинг ҳомий сифатида талқин қилинувчи мифологик персонажлардан бири Хизр бўлиб, у халқ қарашларига кўра, аждодлар руҳининг эпик тимсоли, мушкул аҳволда қолганларга мадад қўлини чўзадиган афсонавий ҳомий, донишманд оқсоқол, оби ҳаёт чашмасининг соҳиби ҳисобланади”¹⁴⁹.

Тадқиқотчилар Хизр образига хос хусусиятларни махсус етти қисмга ажратиб кўрсатишган ва бевосита Хизр образининг пайдо бўлишига аждодлар култига сиғиниши билан алоқадор эътиқодий қарашлар асос бўлган, деган хулосага келишган.¹⁵⁰ “Ошиқ Албанд” достонида Албанджон маъшуқаси Сўна келини излаб йўлга чиқар экан бахши ошиқ тилидан шундай дейди: “Мадад бергай йўлда Хизр бобо”¹⁵¹. Достон воқеалари тизимининг навбатдаги босқичида чиндан ҳам Ошиқ Албандни икки қиз кутқусидан “Бир бобо мўйсафид”¹⁵² кутқаради.

Аввало, Ошиқ Албанднинг чўлда “Хизр бобо мадад бергай” дейиши бежиз эмас. М.Жўраев ва Ш.Шомусаровлар Хизрга хос жиҳатлардан бирини «Хизр чўл ва саҳроларда ғойибдан пайдо бўлиб, қийин аҳволда қолган кишиларга кўмак берувчи эзгулик тимсоли»¹⁵³, деб кўрсатишган.

Иккинчидан Хизр кишилар кўзига ҳар хил кўринишда учраши мумкин. Масалан, Хизр “Маликаи Завриё” достонида оқ соқолли чол сифатида намоён бўлади. Завриёнинг кесиб ташланган қўлларини “Хизр алайҳиссалом бандига қўйиб, муборак оғзининг сувин сурибди”. Шундан кейин Завриёнинг қўллари ўрнига тушади, Хизр эса кўздан ғойиб бўлади. Кўринадики, Хизр инсоннинг қўлидан келмайдиган ғайритабиий ишларни амалга оширади.

“Гўрўғли” туркумига кирувчи “Юнус пари” достонида ҳам Хизр билан боғлиқ иккита лавҳа мавжуд. Шу нарсани ҳам таъ-

кидлаш жоизки, Хизрнинг ҳомийлик фаолияти баъзан тушда ҳам амалга ошади. Мазкур дostonда Гўрўғли уйланиш, жуфти ҳалоллини топиш умидида нима қиларини билмасдан, уйқуга кетади. Уша кечада унинг тушига оқ соқолли киши қиёфасида Хизр киради. “Тушинда бир оқ соқолли киши келиб, Гўрўғлининг пешонасидан ўпиб айтадики: “Эй, Гўрўғли, сен хафа бўлма, Худо ҳаммани ўз жуфти билан яратган. Сенинг жуфтинг Кўҳи қоф тоғида макон тутган Жаҳон подшонинг қизи Оға Юнус пари бўлади. Мана бу паризодга бир назар ташла, кейин йўл гамини кўравер. Уч ойларда етарсан, деб зим-зиё бўлиб кетди” (қўлёзма, 141-бет).

Шу дostonда Хизр билан алоқадор иккинчи бир лавҳа Гўрўғлининг Эрам боғига келганидан кейинги воқеалар билан боғланади. Гўрўғли уч ойдан кейин Эрам боғига етиб келади. “Шу вақтда яна Гўрўғлининг олдига оқ соқолли бир киши чиқади. Унг ёққа қараб сал юрсанг, кўзлаган жойингга етасан, аммо паризодни сақлайдиган аждарҳодан эҳтиёт бўл, оғзини очганида мана шу нарсани оғзига ташла, деб кичик бир латтани қўлига бериб, зим-зиё бўлди”.

Ҳар иккила лавҳада ҳам Хизр асар бош қаҳрамонига йўл кўрсатувчи, унинг мақсадини амалга оширишда асосий ёрдамчи – ҳомий, ҳамма нарсани билувчи, тилсимлар сирини очувчи сеҳргар сифатида намоён бўлади. У ҳаммиша асар бош қаҳрамонини мушкул муаммолардан қутқариб, тўғри йўлга бошлайди.

“Ошиқ” туркум дostonларида ғайритабиий ҳомий сифатида девона ва дарвеш образлари ҳам учрайди. Масалан “Ошиқ Албанд” дostonида қаҳрамон олдидан чиққан тоғни осмондан тушган икки девона ёрдамида ошиб ўтади. Умуман олганда, “Ошиқ” туркум дostonларидаги ҳомийлар умумўзбек эпик аъёнлари ва ҳалқнинг ҳомий руҳлар ҳақидаги эътиқодий дунёқарашига мос равишда намоён бўлади.

В) Дўст-ҳамкор образи. “Ошиқ” туркум дostonлари орасида дўстлик мотиви ўзига хос равишда тасвирланган асарлардан бири Ошиқ Маҳмуд дostonидир. Асарни нашрга таёрлаган фольклоршунос Ж.Қобулниёзов ҳам ушбу нашрга ёзган сўз бошисида ана шу жиҳатга алоҳида диққат қилган: “Ошиқ Маҳмуд” дostonида кўзга яққол ташланиб турадиган энг асосий мотивлардан бири дўстликдир. Халқ дostonларининг кўпчилиги учун характерли бўлган бу хусусият дostonда Маҳмуджон билан Қамбаржон орасида туғилган самимий муносабат, ҳаракат ва эпизодларда жозибали тасвирланган”¹⁵⁴. Лекин фольклоршунос Ж.Қобулниёзов собиқ шўро замонидаги мафкура таъсирида бу

дўстликнинг туб асослари ҳақида гапиришдан тийилиб, масаланинг ижтимоий социал қирраларини бўрттириб кўрсатган. Биз муҳтарам олимнинг ушбу асарни чоп этишдаги хизматларини қадрлаб, совет даврида зарарли, ёт мафкура маҳсули деб қоралаган ғайб кучлари, пир ва эранлар билан боғлиқ мотивларни қисқартирмай чоп эттирганини алоҳида таъкидлаймиз.

Маҳмуджон билан Қамбаржон бир-бириларини кўриб, билиб, синаб дўст тутинишмайди. Достонда тасвирланишича, уларни ҳомий кучлар тушида бир-бирига дўстлаштиришади. Яъни, Маҳмуджоннинг тушига кирган нуроний чол унга: “-Ўғлим Маҳмуджон! Қамбаржон деган бир яхши йигит бор. Нигорхонни олишга борганинда, унинг кетидан бориб, бирга олиб кет, иншоолло, йўлинг оқ, йўлдошинг ҳақ бўлғай...”, - деса, Қамбаржоннинг тушига кирган Хазрат Али: “Ўғлим Қамбаржон! Маҳмуджон дўстинг билан бирга кетгил, албатта мақсадинга етасан..”, - деб айтади.

Демак, Маҳмуджон ва Қамбаржонларнинг дўст тутинишлари, биргаликда ўз ёрларини топишлари, бир-бирига ҳамдард, ҳамкор бўлишлари ғайб томонидан белгиланган, илоҳий тақдир сифатида талқин этилмоқда.

Маҳмуджон ва Қамбаржонлар бир ота-онадан туғилган ака-ука ёки эгизак фарзанд бўлмасалар-да, уларнинг тақдирлари, руҳлари эгиз. Асар воқеалари давомида ҳар иккиннинг дўст йўл тутишлари, хатти-ҳаракатлари ҳам худди фольклордаги эгизак қаҳрамонлар тақдири характерига уйғун равишда кечади. Маҳмуджон йўл қўйган хатоларни Қамбаржон тўғирлайди. Бу ҳолат айниқса, Маҳмуджонга Нигорхон совға қилган “гулмарҳабо” рўмолнинг кўриниб қолганини огоҳлантирганида аниқ кўринади. Қамбаржоннинг дўсти Маҳмуджонни дарёга чўкканида излаб топиши, дўсти учун ёниб изтироблар чекиши эгизак қаҳрамонларнинг кечинмаларига уйғун келади. Бу эса, ўз навбатида, Ошиқ Маҳмуд ва Қамбаржон образларнинг туб асослари эгизаклар ҳақидаги мифопоэтик сюжетлар билан боғлиқ деб хулоса чиқаришимизга имкон беради.

“Ошиқ” туркум достонларида ошиқ ва маъшуқларга ёрдам берувчи бир қатор ҳамкор образлар ҳам борки, улар ҳақида ҳам алоҳида тўхталиш талаб этилади. “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” достонидаги Ақча эна, “Ошиқ Албанд” ва “Ошиқ Маҳмуд” достонларидаги баққол образларини шулар жумласидандир.

“Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” достонидаги Ақча энанинг ошиқ-маъшуққа садоқати, хизмати беқиёс. Ақча нафақат Шоҳсанам-

нинг энаси, балки унинг яқин сирдоши, маслаҳатгўйи ҳам ҳисобланади. Ақча ошиқ-маъшуқларнинг бирга бўлиб, мурод-мақсадларига етишуви учун қўлидан келган хизматини аямайди. Шоҳсанам Ақча ёрдамида Ғариб билан боғланиб учрашади. Ғариб Боғдод шаҳрига келиб, етти йил бедарак қолганида Шоҳсанамнинг истагига кўра, Ақча эркак кийимини кийиб, Ғарибни Боғдод шаҳридан топиб, Шоҳсанамнинг ўтинчларини етказди.

“Ошиқ Маҳмуд” ва “Ошиқ Албанд” дostonларида қаҳрамон ҳамкори бўлмиш баққол образи “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”даги ҳамкор энага Ақчадан бирмунча фарқ қилади. “Ошиқ Маҳмуд” ва “Ошиқ Албанд” дostonларидаги баққолга ўзга юрт яъни маъшуқалари маконига борганида илк бор рўбарў бўлиб, унинг дўконига киришади. Ана шу жойда қаҳрамонларни бахши сифатида маъшуқа отасининг саройига таклиф этишади. Ошиқларнинг сирлари фош бўлиб, уларнинг ҳаёти хавф остида қолган бир пайтда баққол подшога қаҳрамонларни танитиб, уларнинг ҳаётини сақлаб қолишга воситачи бўлади.

Моҳият эътибори билан ошиқ дostonларидаги ҳамкор образлари сеҳрли фантастик эртаклар ва “Гўрўғли” туркумидаги ғайри табиий кўмакчиларга яқин. Лекин улар янги воқелик, яъни романик дoston турига мансуб “ошиқ” туркум дostonлари бadiий воқелигида янада қайта ишланиб, ўзига хос кўриниш олган.

Биз “ошиқ” туркум дostonларидаги ҳамкорларнинг моҳиятан мифологик заминда пайдо бўлган ғайритабиий кўмакчилар асосида шаклланган деб қараймиз.

Г) Рақиб образлари. Эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги узлуксиз кураш фольклор ва мифологиянинг моҳиятида туради. Халқ ардоғида бўлган қаҳрамоннинг ёвуз куч устидан ғолиб келиб, мурод-мақсадига етишуви халқнинг асрий орзуларининг амалга ошганлигининг тимсолига айланган. “Ошиқ” туркум дostonлари моҳиятида ҳам ана шу икки кучнинг кураши турли кўриниш ва ҳолатларда намоён бўлди. Лекин бу ўринда ҳам асосий урғу ошиқ-маъшуқларнинг ички кечинмалари, руҳий ҳолатини очишга қаратилади.

“Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Ошиқ Албанд” дostonларида ошиқ маъшуқнинг тўйи устига келиши мотиви бор. Ҳар икки дostonда ҳам маъшуқага зўрлик билан уйланаётган куёв қўлида катта куч, ҳокимият туради. Яъни Шоҳсанамга харидор бўлган Шоҳвалаг Шоҳаббоснинг ўрнига подшо бўлиб, ҳаттоки, “Ҳар ким Ғарибжонни отини овоза қилса, боши ўлимда, моли талонда”¹⁵⁵, деб юртга жар солдириб, Ғариб номини ҳам қатоғон қил

дирган. “Ошиқ Албанд” достонида вазият бирмунча бошқачароқ: Маҳмудшоҳнинг Арслон вазирининг ўғли Назарбекка Сўнани тўй қилаётган вақтда ошиқ бу манзилга етиб боради.

Ошиқ Ғариб ва Ошиқ Албандлар тўйга бахши сифатида кириб борадилар. Улар қўшиқ айтиб, ўз ёрларини васф қилиб, сирлари фош бўлади. Ана шундан кейин рақиблар ошиқларга қарши ўз тадбирларини қўллашади.

“Ошиқ Маҳмуд” достонида эса рақиб сифатида подшо саройида хизмат қилувчи бахшилар ҳаракат қилишади. Бу ўринда Ошиқ Маҳмуддан саз ва сўз бобида енгилган бахшилар душманлик йўлига ўтишади.

Эътиборли жиҳати шундаки, “ошиқ” туркум достонларида ошиқ билан бир қаторда, маъшуқанинг ҳам ўз рақибни бор. Бу образ асосан маъшуқанинг канизи сифатида намоён бўлиб, ошиқ-маъшуқанинг сирини фош қилиш эвазига рад этилган муҳаббатининг ўчини олади. Хусусан, маъшуқанинг рақибни “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” достонининг “Ҳилоли пари” билан боғлиқ сюжет йўналишида анча мукамал равишда тасвирланган. Достоннинг ушбу йўналиши Хоразмда алоҳида достон сифатида ҳам машҳур. “Ошиқ Ғариб ва Ҳилоли пари”нинг турли вариантларини атрофлича ўрганган фольклоршунос С.Рўзимбоев шундай ёзади: “Ошиқ Ғариб ва Ҳилоли пари” достони ўзбек фольклористикасида “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” достонининг таркибий қисми эканлигини таъкидлаб, мазкур достоннинг ичига киритилган ҳолда нашр қилинган. Бу ерда достоннинг боши ва охириги қисмлари қисқартирилиб, ундан олинган 25 шеърини парчагина китобхонлар эътиборига тақдим этилган. Ҳолбуки, бу достоннинг тўла матни, юқорида қайд қилганимиздек, олтимишдан ошиқ шеърини парчаларни ўз ичига олади”.¹⁵⁶

“Ошиқ Ғариб ва Ҳилоли пари” сюжетига ҳам маълум маънода “ошиқ” туркум достонларидаги ошиқ ва маъшуқа учрашувларининг анъанавий тасвири учрайди. Яъни, Ғарибга ишқи тушган Ҳилоли пари унинг олдига канизи Дастагулни жўнатади. Дастагул ҳам Ғарибга ишқи тушиб унга севги изҳор қилади. Лекин Ғарибнинг муносабатини кўриб, ўзининг Ҳилоли пари томонидан жўнатилганлигини билдиради. Ҳилоли пари Ғариб васлига етишнинг барча чораларини кўради. Ўлим билан таҳдид қилиб, уни турмуш қуришга мажбур этади. Лекин Ошиқ Ғарибнинг қалбини ўзига бўйсундира олмайди.

Мавқе жиҳатидан Ҳилоли пари Шоҳсанам билан бир ўринда туради. Чунки уларнинг иккаласи ҳам подшоҳнинг қизлари. Ле-

кин Ғарибнинг муносабати уларга турлича, ана шу турличалик уларни бир-бирига ғойибона рақиб қилган. Аслида Ҳилоли пари билан боғлиқ воқеалар силсиласи Ошиқ Ғарибнинг севгиси йўлидаги тўсиқ-синовлардан бири.

Шундай бўлса-да, манфаат нуқтаи назаридан бу образ Шоҳсанам муқобилида туради. Кўриниб турибдики, “ошиқ” туркум дostonларида рақиб образи соф бадий талқинга эга ва у фольклорнинг бошқа эпик жанрлари, яъни, сеҳрли-фантастик эртаклар ва бир қатор дostonдаги каби мифопозтик кўринишда берилмайди. Лекин рақиб образининг шаклланиб, анъанавийлашувида мифопозтик асосли образлар анъанаси муҳим роль ўйнаган.

“Ошиқ” туркум дostonларининг асосий образлари талқини юзасидан қуйидаги хулосаларга келиши мумкин:

“Ошиқ” туркум дostonларидаги ошиқ образи бевосита халқимизнинг бахши, ўзан, ошиқ ҳақидаги кўҳна тасаввур ва эътиқодларининг синтези сифатида пайдо бўлиб, унинг муҳаббат шайдоси, севувчи тимсолига айланишида ана шу эътиқодий қарашлар таянч, замин вазифасини ўтаган. Бу ўринда асосий урғу қаҳрамоннинг маънавий тарбияси ва камолотига қаратилган ва ошиқ ўз олдидаги тўсиқларни, синовларни ўзининг маънавий фазилатлари, кучу қудрати билан енгиб ўтади.

“Ошиқ” туркум дostonларида маъшуқанинг икки типи мавжуд: фаол маъшуқа (Шоҳсанам), пассив маъшуқ (Нигорхон, Сўнахон). Ушбу маъшуқаларнинг умумий жиҳатларининг шаклланишида эса яхлит маъшуқа, севимли ёр тасаввурлари муҳим ўрин тутган.

“Ошиқ” туркум дostonларида ўта муҳим бадий вазифа бажарувчи фаол образлардан саналмиш ҳомий образлари талқини шуни кўрсатмоқдаки, бу тур дostonлар ҳам умумўзбек эпик дунёқарашлари тизимида олиниб талқин этилган. “Ошиқ” дostonларидаги ҳомийлар бошқа тур дostonлардан фаолроқ ҳаракат қиладилар. Улар ҳамиша қаҳрамонларга кўмак беришади ва кўпчилик ўринларда ҳомийлар фаолиятисиз қаҳрамон ожиз қолади.

Дўст-ҳамкор ва рақиб образлари ҳам “ошиқ” дostonларида ўзининг мукамал кўринишга эга. Ушбу ҳолат ҳам “ошиқ” дostonларининг ҳар жиҳатдан чуқур асослар билан таъмин этилган эпик асарлар эканлигидан далолат беради.

Умуман олганда, халқнинг бадий маданияти хазинасидаги адабий меросга дахлдор ҳар бир асар асрлар ўтган сайин ўзининг бебаҳо хусусиятларини намоён қилиб бораверади. Аждод-

ларимизнинг ибтидоий тафаккури ҳосиласи бўлган мифлар ҳам ана шундай маънавият жавоҳирлардан бири ҳисобланади.

Мифологиясиз халқ оғзаки ижодиётини, оғзаки адабиётсиз эса ёзма бадиий адабиётни тасаввур қилиш қийин. Умумўзбек фольклорида бўлгани сингари, Хоразм халқ дostonларининг шаклланишида ҳам мифология муҳим роль ўйнаган. Хоразм дostonчилигида ёзма адабий анъананинг таъсири кучли бўлиб, эпик образлар талқинида ҳаётий-реалистик далиллаш сезиларли равишда бўртиб турса-да, воқеалар оқимининг эпик баёни бевосита мифологияга бориб тақаладиган кўплаб анъанавий мотивлар таъсирида ҳаракатга келади. Шунинг учун ҳам Хоразм дostonларининг ўзига хос табиати ва сюжет тизимининг тарихий асосларини мифология билан қиёсламасдан ўрганиб бўлмайди.

“Ошиқ” туркуми дostonлари тадқиқи ушбу улкан муаммонинг маълум қирраларигагина ойдинлик киритади. Шу билан бир қаторда “Ошиқ” туркуми дostonларининг туркий ҳалқлар фольклоридаги барча версия ва вариантларини қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганиш эса келгусидаги режалардан бўлиб, уларнинг туб илдиэлари, ривожланиш босқичлари бадииятини тадқиқ этиш қолади.



ХУЛОСА

Халқнинг бадиий маданияти хазинасидаги адабий меросга дахлдор ҳар бир асар асрлар ўтган сайин ўзининг бебаҳо хусусиятларини намоён қилиб бораверади. Аждодларимизнинг ибтидоий тафаккури ҳосиласи бўлган мифлар ҳам ана шундай маънавият жавоҳирлардан бири ҳисобланади. Маълумки, мифология ибтидоий инсоннинг табиат ва жамият ҳақидаги дастлабки тасаввурларининг мажмуи бўлиши билан бир вақтда, уларда ўша даврларда яшаган одамларнинг турмуш тарзи, борлиқ олам ҳақидаги илк эътиқодлари ва қарашлари, маросим ва анъаналари ҳам ўз ифодасини топган. Шунинг учун ҳам қадимги мифология адабиёт ва санъат, маросим фольклори, хуллас, инсоният бадиий тафаккури тараққиёти билан алоқадор барча маданий анъаналарнинг тамал тоши деб эъгироф этилган.

Мифологиясиз халқ оғзаки ижодиётини, оғзаки адабиётсиз эса ёзма бадиий адабиётни тасаввур қилиш қийин. Умумўзбек фольклорида бўлгани сингари, Хоразм халқ достонларининг шаклланишида ҳам мифология муҳим роль ўйнаган. Хоразм достончилигида ёзма адабий анъананинг таъсири кучли бўлиб, эпик образлар талқинида ҳаётий-реалистик далиллаш сезиларли равишда бўртиб турса-да, воқеалар оқимининг эпик баёни бевосита мифологияга бориб тақаладиган кўплаб анъанавий мотивлар таъсирида ҳаракатга келади. Шунинг учун ҳам Хоразм достонларининг ўзига хос табиати ва сюжет тизимининг тарихий асосларини мифология билан қиёсламасдан ўрганиб бўлмайди.

“Ошиқ” туркум достонларининг алоҳида мустақил эпик асарлар силсиласи сифатидаги асосий таянч белгиси уларда тасвирланган бош қаҳрамоннинг ошиқ-бахши эканлигидир. Етакчи персонажнинг бахши (ошиқ)лиги “ошиқ” туркум достонларига хос қаҳрамон типининг етакчи хусусияти бўлиши билан бир қаторда, унинг ўз маъшуқаси васлига етиши ва бу йўлдаги тўсиқ ҳамда синовлардан ўтишида ҳам ана шу хусусият, яъни соз чалиб кўшиқ айта билиши асосий восита бўлиб хизмат қилади. Айни ҳолатни “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Ошиқ Албанд”, “Ошиқ Маҳмуд” достонларида яққол кўрамыз.

“Ошиқ” туркум достонларининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири бош қаҳрамон ҳам ошиқ, ҳам бахши, ҳам шоир сифатида тасвирланиши бўлиб, бу тип достонлар сюжетида асос бўлган

эпик воқеалар талқинида қаҳрамоннинг ишқий саргузаштлари етакчи ўрин тутади. Бошқа тип достонлардан фарқли ўлароқ, “ошиқ” туркуми достонларида турли хил жангу жадаллар, курашу олишувлар, персонажларнинг ўзаро жисмоний беллашувлари, синов-тўсиқларни жанг ва жисмоний куч ёрдамида ҳал қилиш анъанаси учрамайди.

“Ошиқ” туркум достонларида тасвирланган ишқий саргузаштлар нафақат асар қаҳрамони бўлган ошиқнинг, айти пайтда, балки бахши-шоирнинг руҳий оламида рўй берган кечинмалардан ҳам иборат бўлади. Қаҳрамоннинг турли синов ва тўсиқлардан ўтиши, ўзаро беллашувлари ҳам бахши-шоирнинг сўз ва сози билан боғлиқ ҳолатда рўёбга чиқади. Ошиқ бахшининг руҳий камолоти тимсолида ўз ечимини топади.

“Ошиқ” туркуми достонларининг шаклланиши қаҳрамонлик эпосидан анча кейин юзага келган. Ушбу типдаги достонлар жамият тараққиётининг кейинги босқичларида пайдо бўлганлигига қарамасдан, ўз таркибига қаҳрамонлик эпосига қараганда мифологик хусусиятларни кўпроқ қамраб олган. Бу, албатта, “ошиқ” туркуми достонларининг ўзига хос хусусиятлари билан алоқадордир. Шу сабабдан Хоразмда тарқалган романик эпос намуналари таркибида кўплаб мифологик образ, мотив ва деталларни кўриш мумкин. Улар турли бадиий усуллар орқали достон таркибидан ўрин олган ва асарнинг композицион қурилишида муҳим аҳамиятга эга.

Достонларда қаҳрамонлар портретини чизишда мифологик тасвирларга мурожаат этиш анъанаси, табиат ва теварак-атроф манзараларини беришда ғайритабиий тасвирга мойиллик, айниқса кўпроқ кўзга ташланади.

“Ошиқ” туркуми достонларининг туркий ҳалқлар фольклоридаги барча версия ва вариантларини қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганиш эса келгусидаги режалардан бўлиб, бундай кенг қўламли тадқиқот асосида “ошиқ” туркуми достонларининг генетик асослари, эпик анъанада тутган ўрни, сюжет типлари ва етакчи мотивлар таркибининг поэтик вазифалари чуқур ўрганилади.

ИҚТИБОСЛАР

- ¹ Каримов И. А. Асарлар. - 2-том. – Т.: Ўзбекистон, 1996. - 251-бет.
- ² Дубов Н. Почему нужно знать античную мифологию //Парандовский Я. Мифология. - М.: Детская литература, 1971. - С.9.
- ³ Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. – Т.: Фан, 1979. - 75-бет.
- ⁴ Ўша асар. - 54-бет.
- ⁵ Ўша асар. - 55-бет.
- ⁶ Ўша ерда.
 - ⁷ Қаранг: Рўзимбоев С. Хоразм достонлари. – Т.: Фан, 1985; Шу муаллиф. “Ошиқ” туркуми достонларининг ғоявий-бадий хусусиятлари. – Т., 1987.
- ⁸ Рўзимбоев С. Хоразм достонлари. – Т.: Фан, 1985.- 18-бет.
- ⁹ Рўзимбоев С. Хоразм достонлари. – 19-бет.
- ¹⁰ Ўша асар. - 21-бет.
- ¹¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-том. – М.: Рус тили, 1980. - 555-бет.
- ¹² Кўрсатилган манба. - 555-бет.
- ¹³ Акимов М. Азербайджанское средневековое ашигское творчество. Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. - Т., 1983. - С.8.
- ¹⁴ Афандиев П. Кўрсатилган асар. - 174-бет.
- ¹⁵ Рўзимбоев С. “Ошиқ” туркуми достонларининг ғоявий-бадий хусусиятлари. - Т., 1987. - 3-4-бетлар.
- ¹⁶ Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. - Т.: Фан, 1979. - 9-10-бетлар.
- ¹⁷ Буијадов Т. Асрдан келан саслар. – Бакы: қанчлик, 1966. - 42-43-бетлар.
- ¹⁸ Афандиев П. Кўрсатилган асар. - 173-бет.
- ¹⁹ Акимов М. Азербайджанское средневековое ашигское творчество: Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. - Т., 1983, С.23-24.
- ²⁰ Турдимов Ш. Соқибулбул // Соғлом авлод учун. - 1996. - №2. - 23-24-бетлар.
- ²¹ Афандијев П. Азарбајчан шифаһи халг адабијаты. - Баки, 1981. - 275-276-бетлар.
- ²² Акимов М. Азербайджанское средневековое ашигское творчество: Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. - Т., 1985.
- ²³ Рўзимбоев С. Хоразм халфачилик анъаналари ва шоира халфалар ижоди // Ожиза. Шеърлар ва достонлар. - Т., 2003. - 8-бет.
- ²⁴ Эшчонова Г. “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” достонининг вариантлари: Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. - Т., 1994, 21-бет.
- ²⁵ Јкубаева С. “Ашыг Ғариб” дастанынын башга халгларда олан вариантлары // Азарбајчан шифаһи халг адабијатына даир тадгиглар. 1-китаб. - Бакы, 1961. - С.215.
- ²⁶ Велиев Б. Ставрополь туркменлерининг дессанлары. - Ашгабад, 1980. - 46-48-бетлар.


- ²⁷ Рўзимбоев С. Хоразм халфачилик анъаналари ва шоира халфалар ижоди // Ожиза. Шейрлар ва дostonлар. - Т., 2003. - 8-бет.
- ²⁸ Саримсоқов Б. Эпик жанрлар диффузияси // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. - Т., 1981. - 101-бет.
- ²⁹ Ўша асар. - 104-бет.
- ³⁰ Акрамов Г. Мифология в узбекском народном творчестве: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. - Баку, 1980.
- ³¹ Ҳайдаров Т. “Гўрўгли” ва мифологик синкретизми (“Гўрўглининг туғилиши” дostonи мисолида): Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. - Т., 1994.
- ³² Қаранг: Жирмунский В.М., Зарипов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. - М.: ГИХЛ, 1947; Жирмунский В.М. Эпоснинг умумий назарий проблемалари асосида ўзбек халқ дostonларини ўрганиш тўғрисида // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1989. - №4; Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. - Т.: Фан, 1979; Саидов М. Ўзбек дostonчилигида бадий маҳорат. - Т.: Фан, 1969; Муродов М. Генезис образа Гороглы в узбекском эпосе.// Фольклор, литература и история Востока. - Т., 1984. - С.304-306; Жалолов / “Хуршидой” ва халқ эртаклари.// Пўлкан шоир. - Т.: Фан, 1976. - 134-138 бетлар; Жўраев М., Шомусаров Ш. Ўзбек мифологияси ва араб фольклори. - Т.: Фан, 2001.
- ³³ Рўзимбаев С. Специфика, типология и поэтика хорезмских дастанов: Автореф.дис. ... д-ра филол. наук. -Т., 1990; Мадаев А. Хораземские дастаны и их специфические особенности: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. - Т., 1973. - С.17; Мадаев О. Хоразм дostonларида образ яратишнинг айрим хусусиятлари ҳақида// Ҳаёт ва адабиёт. Илмий ишлар. - 381-сон. -Т., 1968. - 52-бет.
- ³⁴ Рўзимбоев С. Специфика, типология и поэтика хорезмских дастанов. - 17-бет
- ³⁵ Рўзимбоев С. Специфика, типология и поэтика хорезмских дастанов. - 17-бет
- ³⁶ Рўзимбоев С. Ўша жойда
- ³⁷ Саримсоқов. Эпик жанрлар диффузияси. - 138-бет.
- ³⁸ Рўзимбоев С. “Ошиқ” туркуми дostonларининг ғоявий-бадий хусусиятлари. - Т., 1987 - 4-бет.
- ³⁹ Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам. - Т.: Фан, 1956.
- ⁴⁰ Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. - М., 1947. - С.80.
- ⁴¹ Рўзимбоев С. Хоразм дostonлари. - 67-бет.
- ⁴² “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”. - 31-бет.
- ⁴³ Эшонқулов Ж. “Алпомиш” дostonи ва “Дада Қўрқут китоби”даги тутқунлик мотивининг қиёсий таҳлили // “Алпомиш” - ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. - Т.: Фан, 1999. - 165-173-бетлар.
- ⁴⁴ Эшонқулов Ж. Ўша асар. - 171-бет.
- ⁴⁵ Турдимов Ш. Алплик тизими ҳақидаги тасаввурлар ва “Алпомиш” / / “Алпомиш” - ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. - Т.: Фан, 1999. - 162-бет.

- ⁴⁶ Эшонқулов Ж. “Алпомиш” достони ва “Дада Қўрқут китоби”даги тутқунлик мотивининг қиёсий таҳлили // “Алпомиш” - ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. - 171-172-бетлар.
- ⁴⁷ “Ошиқ Албанд” достони. - 28-бет.
- ⁴⁸ Ошиқ Маҳмуд. - Т.: Фан, 1970. - 20-бет.
- ⁴⁹ Ўша асар. - 20-бет.
- ⁵⁰ Ошиқ Маҳмуд. - 16-бет.
- ⁵¹ Ўша асар. - 23-бет.
- ⁵² Минжагетдинов М.Х Мотив чудесного рождения героя в башкирской богатырской сказке // Эпические жанры устного народного творчество. - Уфа, 1969. - С.55-74; Пропп В.Я. Мотив чудесного рождения // Пропп В.Я. Фольклор и действительность. - Л., 1976.
- ⁵³ Пропп В.Я. Фольклор и действительность. - С.207-208.
- ⁵⁴ ЗУФА. Инв.1433. Хоразм вилоятининг Гурлан туманида яшаган Ҳанифа Абдуллаевадан 1957 йилда Феруза Султонова ёзиб олган.
- ⁵⁵ ЗУФА, Инв.№ 3352. Хоразм вилоятининг Ҳазорасп туманида яшаган Матназар бахши Жабборовдан Н.Сабуров ёзиб олган.
- ⁵⁶ Пропп В.Я. Мотив чудесного рождения. - С.205-237.
- ⁵⁷ Ошиқ Маҳмуд. Авазхон. -Т., 1970. - 15-бет.
- ⁵⁸ Кулса-гул, йигласа-дур. Ўзбек халқ ижоди. - Т., 1983. - 5-бет.
- ⁵⁹ Икки ой, икки юлдуз. Ўзбек халқ эртаклари. - Т., 1992. - 57-бет.
- ⁶⁰ Зухба С.Л. Абхазская народная сказка. - Тбилиси, 1970. - С.168.
- ⁶¹ Веселовский А.Н. Собрание сочинений. Т.ХУІ. Статьи о сказке. - М.-Л., 1936. - С.199.
- ⁶² Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков резма. - М., 1969. - С.38.
- ⁶³ Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. - Т., 1995. - 80-бет.
- ⁶⁴ Ўша ерда. - 76-бет.
- ⁶⁵ Юсупов Ж. Хоразм эртаги ва ҳаёт ҳақиқати. - Т., 1996. - 73-бет.
- ⁶⁶ Золотарев А.М. Родовой строй и первобытная мифология. - М., 1964. - С.183-184.
- ⁶⁷ Мурот Ўроз. Турк асотирлари // Сирли олам. - 1991. - №9. - 11-бет.
- ⁶⁸ Чоршанбиев М. Ўзбек фольклориди дарахт билан боғлиқ тотемистик қарашлар // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1998. - №6. - 32-33-бетлар.
- ⁶⁹ “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”. Достон // Хоразм фольклори. 1. - Урганч, 1999. - 50-бет.
- ⁷⁰ ЗУФА. Инв.№1430. Ёзиб олувчи: Ф.Султонова (1957).
- ⁷¹ ЗУФА, Инв.№ 1590. Хоразм вилоятининг Ҳазорасп туманида яшаган Матназар бахши Жабборовдан Н.Сабуров ёзиб олган.
- ⁷² Сравнительный указатель сюжетов. Восточнославянская сказка. Составители: Л.Г.Бараг, И.П.Березовский, К.П.Кабашников, Н.В.Новиков. - Л., 1979. - С.177-178.
- ⁷³ Юсупов Ж. Хоразм эртаги ва ҳаёт ҳақиқати. - 54-бет.
- ⁷⁴ Ўзбек халқ эртаклари. 2-жилд. - Т., 1995. - 185-бет.
- ⁷⁵ Зумрад ва қиммат. Ўзбек халқ ижоди. - Т., 1988. - 272-бет.

- 76 Эшонқулов Ж. Ўзбек эпик асарларида “Ўзга” дунё тушунчаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1996. - №2. - 33-бет.
- 77 Ғуруғлининг туғилиши. Халқ ижодиёти. - Т., 1996. - 52-бет.
- 78 Городлы. Туркмен халқ эпосы. - Ашгабад, 1980. - 20-бет.
- 79 ЎЗР ФА қўлёзмалар институтининг фольклор фонди. Инв. 1371.
- 80 Кулса - гул, йиғласа - дур. - 386-287-бетлар.
- 81 Бу ҳақда қаранг: Н.А.Кисляков. Бурх-горный козел // Советская этнография. – 1934. - №1-2; Брагинский И.С. Из истории таджикской народной поэзии. - М., 1956. - С.58.
- 82 Юсупов Ж. Хоразм эртаги ва ҳаёт ҳақиқати. - Т.: Фан, 1997. - 60-бет.
- 83 Фрезер Дж. Золотая ветвь. – М., 1990. - С. 424.
- 84 Фольклорное наследие народов Сибири и Дальнего Востока. - Горно-Алтайск, 1986. - С.322.
- 85 Жаббор Эшонкул. Туш ва унинг ўрганилиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2001. - №2. - 54-60-бетлар.
- 86 Рўзимбоев С. Хоразм дostonлари. - 65-бет.
- 87 Ўша асар. - 65-бет.
- 88 Эшонқулов Ж. Туш ва унинг ўрганилиши. - 55-бет.
- 89 Миф, фольклор и литература. - Л., 1978. - С.3-16.
- 90 Ошиқ Маҳмуд. - 16-бет.
- 91 Ўша асар. - 23-бет.
- 92 Ўша асар. - 28-бет.
- 93 Алпомиш. Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. - Т., 1999. - 7-бет.
- 94 Ошиқ Албанд. - 5-13 бетлар.
- 95 Ошиқ Албанд. - 7-бет.
- 96 Ошиқ Маҳмуд. - 20-бет.
- 97 Ошиқ Маҳмуд. - 39-бет.
- 98 Ўша асар. - 42-бет.
- 99 Ш.Турдимов. Қуёш йўли манзиллари. Соғлом авлод учун. №9-10.2000 42-43 бетлар.
- 100 Ошиқ Маҳмуд. - 31-бет.
- 101 Тоҳир ва Зухра. Ўзбек халқ ижоди. Т. Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. - 48-бет.
- 102 Ошиқ Маҳмуд. - 43-бет.
- 103 Зарипов Х.Т. Основные мотивы эпоса “Алпамыш” // Об эпосе “Алпамыш”. - Т., 1959. - С.6-25; Жирмунский В.М. Вопросы генезиса и истории эпического сказания об Алпамыше // Юқоридоғи тўпلام. - 20-60-бетлар. Мирзаев Т. “Алпомиш” дostonининг ўзбек вариантлари. - Т.: Фан, 1968; Имомов К. “Алпомиш” дostonининг айрим хусусиятлари // “Алпомиш” - ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. - Т., 1999. - 96-114 бетлар; Саримсоқов Б. Эпик жанрлар диффузияси // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Т., 1981; Жўраев М. “Алпомиш” дostonида мифологик образлар” // “Алпомиш” - ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. – Т., 1999. - 147-156 бетлар; Акрамов Г. Мифология в узбекском народном творчестве: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Баку, 1980; Турдимов Ш. “Ғуруғли” номи хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2000. - №3. - 62-65-бетлар; Эшонқулов Ж.

- Фольклор: образ ва талқин. – қарши: Насаф, 1999; Ҳайдаров Т. Гўрўгли ва мифология синкретизми: Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. – Т., 1993.
- ¹⁰⁴ Мелетинский Е.М. Происхождения героического эпоса. - М., 1965. –С.434.
- ¹⁰⁵ Эшонқулов Ж. Фольклор: образ ва талқин, 1999. - 7-бет.
- ¹⁰⁶ Алпомиш. - Т.: Шарқ, 1998. – 17-бет.
- ¹⁰⁷ Ошиқ Албанд. - 5-бет.
- ¹⁰⁸ Ошиқ Албанд. - 10-бет.
- ¹⁰⁹ Ошиқ Албанд. - 11-12 бетлар.
- ¹¹⁰ Ошиқ Маҳмуд. - 17-бет.
- ¹¹¹ Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам. - 6-7-бетлар.
- ¹¹² Ошиқ Албанд. - 33-бет.
- ¹¹³ Ўша ерда. – 33-бет.
- ¹¹⁴ Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам. – 10-бет.
- ¹¹⁵ Ошиқ Албанд. - 33-бет.
- ¹¹⁶ Ошиқ Маҳмуд. - 35-бет.
- ¹¹⁷ Гўрўглининг туғилиши. - Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1967. – 201- 220-бетлар.
- ¹¹⁸ Қажумов О. Ўзбек фольклорида пари образининг бадий талқини: Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. -Т., 1999. - 15-17-бетлар.
- ¹¹⁹ Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – С. 206.
- ¹²⁰ Рўзимбоев С., Бекчанов Ш. Афсона ва тарихий ҳақиқат. - Хива, 2000. - 47-48-бетлар.
- ¹²¹ Еремина В.И. Миф и народная песня // Миф, фольклор, литература. – Л., 1978. – С.6.
- ¹²³ Басилов В.Н. Избранники духов. - М., 1986; Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма; Домусульманские верования и обряды народов Средней Азии. - М., 1976; Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. - Т., 1986; Қажумов О. Ўзбек фольклорида пари образининг бадий талқини: Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. - Т., 1999.
- ¹²⁴ Мифы народов мира. - М., 1997. – С. 13.
- ¹²⁵ Парандовский Ян. Мифология. М., 1971, с 26.
- ¹²⁶ Ошиқ Маҳмуд. –15-бет.
- ¹²⁷ Ўша асар. – 15-бет.
- ¹²⁸ Ўша асар. – 16-бет.
- ¹²⁹ Ўша асар. – 28-бет.
- ¹³⁰ Ошиқ Маҳмуд. – 23-бет.
- ¹³¹ Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – С.288.
- ¹³² Рўзимбоев С., Бекчанов Ш. Афсона ва тарихий ҳақиқат. - Хива, 2000. - 28-бет.
- ¹³³ Ошиқ Албанд. – 1-бет.
- ¹³⁴ Ўша манба. - 7-бет.
- ¹³⁵ Саримсоқов Б. Эпик жанрлар диффузияси. - 13-бет.

- ¹³⁶ Рузимбоев Х. Хоразм фольклорининг хорижда ўрганилиш тарихидан: Филол. фналари номзоди. ... дис. - Т., 1996. - 21-бет.
- ¹³⁷ “Дўстлик байроғи” газетаси. - Тошҳовуз, 1991. - 3 август.
- ¹³⁸ Вамбери Х. Чиғатой тили дарслиги. – Лейпциг, 1867. - 35-бет.
- ¹³⁹ Ошиқ Албанд. – 13-бет.
- ¹⁴⁰ Ошиқ Албанд. – 24-бет.
- ¹⁴¹ Ўша манба. – 25-бет.
- ¹⁴² Ўша манба. – 26-бет.
- ¹⁴³ Ошиқ Албанд. – 33-бет.
- ¹⁴⁴ Ўша манба. – 34-бет.
- ¹⁴⁵ Андреев М.С. “Чылтаны в азиатских верованиях от отиск из сборника в честь В Н Боргольда. – Т., 1927. - С 344-345.
- ¹⁴⁶ Турдимов Ш. “Қирқ чилтон пирлар бор” // Мактабгача тарбия. - № 5-6 – 1992. - 22-24 бетлар .
- ¹⁴⁷ Ўша манба. – 25-бет.
- ¹⁴⁸ Эшонқулов Ж. Фольклор: образ ва талқин.. - 10-бет.
- ¹⁴⁹ Жўраев М., Шамусаров Ш. Ўзбек мифологияси ва араб фольклори. – 104-бет.
- ¹⁵⁰ Ўша ерда. – 119-бет.
- ¹⁵¹ Ошиқ Албанд. – 18-бет.
- ¹⁵² Ўша ерда. – 23-бет.
- ¹⁵³ Жўраев М., Шомусаров Ш. – 111-бет.
- ¹⁵⁴ Ошиқ Маҳмуд. Авазхон.. – 6-бет.
- ¹⁵⁵ Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам. – 33-бет.
- ¹⁵⁶ Рузимбоев С. Ошиқ туркум дostonларининг ғоявий-бадий хусусиятлари. - 21-бет.



ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. -Т.: Ўзбекистон, 1996. - 382б.
2. Алпомиш. - Т.: Шарқ, 1998. - 401б.
3. Алпомиш. Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. - Т.: Фан, 1999. - 181б.
4. Акимов М. Азарбайджанское средневековое ашыгское творчество: Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. - Т., 1985. -46 с.
5. Акрамов Г. Мифология в узбекском народном творчестве: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. - Баку, 1980. - 24с.
6. Акрамов Ф. Аниматик мифология // Ўзбек тили ва адабиёти. 1977. - №3. - Б.48-53.
7. Акрамов Ф. Тотемистик мифлар // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1978. - №3. - Б.39-42.
8. Акрамов Ф. Манистик мифология // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1979. - №6. - Б.65-69.
9. Акрамов Ф. Мифологиянинг айрим эпик жанрлар билан Ўзаро муносабати // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. К.7. - Т., 1981. - Б.149-157.
10. Андреев М.С. “Чылтаны в азиатских верованиях // От- отиск из сборника в честь В.Н.Бортольда. - Т., 1927. - С.344-345.
11. Басилов В.Н. Избранники духов. - М.: Политиздат, 1986. - 208с.
12. Брагинский И.С. Из истории таджикской народной поэзии. — М.: Изд. АН СССР, 1956. - 496с.
13. Бурятские сказки. Т.1. - Улан-Удэ: Бурят. кн.. изд., 1959. - 421с.
14. Вамбери Х. Чигатой тили дарслиги. - Лейпциг, 1867. - 96 б.
15. Веселовский А.Н. Собрание сочинений. Т.ХУІ. Статьи о сказке. - М.-Л.: Изд. АН, 1936. - 375 с.
16. Гороглы. Туркмен халқ эпосы. - Ашгабад: Ылым, 1980. - 325 б.
17. Грибнев Л. Тувинский героический эпос. - М.: Наука, 1960. - 240 с
18. Гурўгли туғилиши. - Т.: Бадий адабиёт, 1967. - 328 б.
19. Домусульманские верования и обряды народов Средней Азии. - М.: Наука, 1976. - 285 б.
20. Дубов Н. Почему нужно знать античную мифологию // Я.Парандовский Мифология. - М., 1971. - С.9.
21. Жалолов Ф. “Хуршидой” ва халқ эртаклари // Пўлкан шоир. - Т., 1976. - Б.134-138.
22. Жирмунский В.М., Зарипов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. - М.: Гослитиздат, 1947. - 520 с.
23. Жирмунский В. М. Вопросы генезиса и истории эпического сказания об Алпамыше // Об эпосе “Алпамыш”. - Т., 1956. -Б.20-60.
24. Жирмунский В.М. Эпоснинг умумий назарий проблемалари асоида Ўзбек халқ дostonларини ўрганиш тўғрисида // Ўзбек тили ва адабиётти. -1989. -№4. -Б.28-31.
25. Жўраев М. Ўзбек халқ эртақларида “сеҳрли” рақамлар. -Т.: Фан, 1991. - 153 б.

26. Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналарининг тарихий асослари: Филол. фанлари д-ри ... дис. автореф. - Т., 1996. - 58 б.
27. Жўраев М. Сомон йўли ҳақидаги Ўзбек халқ афсоналарининг мифологик асослари // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1995. - №1. - Б.35-41.
28. Жўраев М. Ўзбекларнинг шамол билан боғлиқ мифологик тасаввурлари // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1997. - №4. - Б.41-47.
29. Жўраев М. "Алпомиш" дostonида мифологик образлар // "Алпомиш" - Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. - Т., 1999. - Б.147-156.
30. Жўраев М., Шомусаров Ш. Ўзбек мифологияси ва араб фольклори. - Т.: Фан, 2001. - 136 б.
31. Зарипов Х.Т. Основные мотивы эпоса "Алпамыш" // Об эпосе "Алпамыш". - Т., 1959. - С.6-25.
32. Зарипов Ҳ. Ўзбек халқ дostonларининг тарихий асослари бўйича текширишлар // Пўлкан шоир. - Т., 1976. - Б.65-99.
33. Золотарев А.М. Родовой строй и первобытная мифология. - М.: Наука, 1964. - 232 с.
34. Зумрад ва қиммат. Ўзбек халқ ижоди. - Т.: Адабиёт ва санъат, 1988. - 351 б.
35. Зухба С.Л. Абхазская народная сказка. - Тбилиси, 1970. - 235 с.
36. Еремина В. И. Миф и народная песня // Миф, фольклор, литература. - Л, 1978. - С.3-15.
37. Икки ой, икки юлдуз. Ўзбек халқ эртаклари. - Т.: Фан, 1992. - 256 б.
38. Имомов К. Ўзбек сатирик эртаклари. - Т.: Фан, 1974. - 207 б.
39. Имомов К. Ялмоғиз - жодугар образи талқинига доир // Ислom шоир ва унинг халқ поэзиясида тутган Ўрни. - Т., 1978. - Б.84.
40. Имомов К. Ўзбек халқ прозаси. Т.: Фан, 1981. - 103 б.
41. Имомов К. "Алпомиш" дostonининг айрим хусусиятлари // "Алпомиш" - Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. - Т., 1999. - Б.96-114.
42. Казахские сказки / Сост. и ред. В.М.Сидельникова. - Алмата: Гослитиздат, 1958. - 463 с.
43. Кисляков Н.А. Бурх-горный козел // Сов. этнография. - 1934. - №1-2. - С.181-189.
44. Кулса-гул, йиғласа-дур. Ўзбек халқ ижоди. - Т.: Ташкент, 1983. - 303 б.
45. Мадаев А. Хорезмские дастаны и их специфические особенности: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. - Т., 1973. - 25 с.
46. Мадаев О. Хоразм дostonларида образ яратишнинг айрим хусусиятлари ҳақида // Ҳаёт ва адабиёт. Илмий ишлар. - №381. Т., 1968. - Б.49-54.
47. Мадаев А. Следы мифологического мировоззрения в творчестве Навои // Историко-культурные контакты народов алтайской языковой общности. - М., 1986. - С.125.
48. Мелетинский Е.М. Происхождение героического эпоса. - М.: Изд. вост. лит., 1963. - 462 с.
49. Мелетинский Е.М. Введение в историческую поэтику эпоса и романа. - М.: Наука, 1986. - 318 с.

50. Минжагетдинов М.Х Мотив чудесного рождения героя в башкирской богатырской сказке // Эпический жанр устного народного творчества. -Уфа, 1969. -С.55-74.
51. Мирзаев Т. "Алпомиш" достонининг ўзбек вариантлари. -Т.: Фан, 1968. -170 б.
52. Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. -Т.: Фан, 1979. -151 б.
53. Мирзаев Т., Саримсоқов Б. Достон, унинг турлари ва тарихий тараққиёти // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. -Т., 1981. -Б.9-61.
54. Миф, фольклор и литература. -Л.: Наука, 1978. -250 с
55. Мифология народов Якутии. -Якутск: кн. изд., 1980. -188 с.
56. Мифы народов мира. Т.1 -М.: Наука, 1997. -432 с.
57. Монгольские сказки / Сост. Г.Михайлова. -М.: Худ. лит., 1967. -264 с.
58. Муродов М. Жанровые и идейно-художественные особенности дастанов "Гороглы": Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. -Т., 1975. -48 с.
59. Мурадов М. Генезис образа Гороглы в узбекском эпосе // Фольклор, литература и история Востока. -Т., 1984 -С.304-305.
60. Мурот Ўроз. Турк асотирлари // Сирли олам. -1991. -№9. -Б.11.
61. Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. -Т.: Фан, 1995. -265 б.
62. "Ошиқ Албанд" достони. ЗЎФА, Инв. №1432
63. Ошиқ Маҳмуд. -Т.: Фан, 1970. -65 б
64. Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам. -Т.: ЎзФан, 1956. 39 б.
65. Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам. Достон // Хоразм фольклори. 1. -Урганч, 1999. -Б.
66. Парандовский Я. Мифология. -М.: Дет. лит., 1971. -272 с.
67. Пропп В.Я. Мотив чудесного рождения // Пропп В.Я. Фольклор и действительность. -Л., 1976. -С.207-208.
68. Пропп В.Я. Фольклор и действительность. -Л.: ЛГУ, 1976. -325 с.
69. Пропп В. Я. Исторические корни волшебной сказки. -Л.: Изд. ЛГУ, 1986. -364 с.
70. Раҳмонов Т. Миф диффузияси ва эпик мотивлар // Ўзбек тили ва адабиёти. -1994. -№3. -Б.17-21.
71. Рузимбаев С. Специфика, типология и поэтика хорезмских дастанов: Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. -Т., 1990. -45 с.
72. Рузимбоев С. Хоразм достонлари. -Т.: Фан, 1985. -238 б.
73. Рузимбоев С. Хоразм достонларининг спецификаси, типологияси ва поэтикаси: Филол. фанлари д-ри ... дис. -Т., 1990. -235 б.
74. Рузимбоев С. "Ошиқ" туркуми достонларининг ғоявий-бадиий хусусиятлари. -Т.: Фан, 1987. -143 б.
75. Рузимбоев С., Бекчанов Ш. Афсона ва тарихий ҳақиқат. -Хива, 2000. -137 б.
76. Рузимбоев Х. Хоразм фольклорининг хорижда Ўрганилиш гариҳдан: Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. -Т., 1996. -22 б.

77. Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. -Т.: Фан, 1986. -213 б.
78. Саримсоқов Б. Эпик жанрлар диффузияси // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. -Т., -Б.97-148.
79. Саидов М. Ўзбек халқ дostonчилигида бадий маҳорат масалалари. -Т.: Фан, 1969. -263 б.
80. Саидов М. Уммондан бир қатра // Шарқ юлдузи. -1989. -№8. -Б.180-182.
81. Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. -М.: Наука 1969. -336 с.
82. Сравнительный указатель сюжетов // Восточнославянская сказка / Сост.: Л.Г.Бараг, И.П.Березовский, К.П.Кабашников, Н.В.Новиков. -Л., 1979. -С.177-178.
83. Тоҳир ва Зухра. Ўзбек халқ ижоди. -Т.: Адабиёт ва санъат, 1974. -308-б.
84. Турдимов Ш “Қирқ чилтон пирлар бор” / Мактабгача тарбия. 1992. -?5-6. -Б.22-24.
85. Турдимов Ш. Соқабулбул // Соғлом авлод учун. -1996. -Б.23-24.
86. Турдимов Ш. “Алпомиш тизими ҳақидаги тасаввурлар ва “Алпомиш” // “Алпомиш”-ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. -Тошкент, 1999. -Б.157-163.
87. Турдимов Ш. “Гуруғли” номи хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти. -2000. -№3. -Б.62-65.
88. Фольклорное наследие народов Сибири и Дальнего Востока. -Горно-Алтайск, 1986. -389 с.
89. Фрезер Дж. Золотая ветвь. -М.: Политиздат, 1990. -702 с.
90. Чоршанбиев М. Ўзбек фольклорида дарахт билан боғлиқ тотемистик қарашлар // Ўзбек тили ва адабиёти. -1998. -№6. -Б.32-33.
91. Эшонқулов Ж. Ўзбек эпик асарларида “Ўзга” дунё тушунчаси // Ўзбек тили ва адабиёти. -1996. -№2 -Б.33.
92. Эшонқулов Ж. Фольклор: образ ва талқин. -Т.: Насаф, 1999. -172 б.
93. Эшонқулов Ж. “Алпомиш” дostonи ва “Дада қўрқут китоби”даги тутқунлик мотивининг қиёсий таҳлили // “Алпомиш”-ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. -Т., 1999. -Б.165-173.
94. Эшонқул Ж. Туш ва унинг ўрганилиш // Ўзбек тили ва адабиёти. -2001. -№2. -Б.54-60.
95. Юсунов Ж. Хоразм эртаги ва ҳаёт ҳақиқати. -Т.: Фан, 1996.
96. ЎзР ФА қўлёзмалар институтининг фольклор фонди. Инв. 1371.
97. Ўзбек ишюҳли луғатини. Т.1. Т.: Рус тили, 1980.
98. Ўзбек халқ эршқлари. Т.2. Т.: Фан, 1995.
99. Қаюмов О. Ўзбек фольклорида пари образининг бадий талқини: Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. -Т., 1999.
100. Ҳайдаров Т. “Гуруғли” ва мифологик синкретизми (“Гуруғлининг туғилиши” дostonи мисолида): Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. -Т., 1994.

МУНДАРИЖА

К и р и ш	3
I-БОБ. “Ошиқ” туркуми дostonларининг ўзига хос хусусиятлари	5
II-БОБ. “Ошиқ” туркуми дostonлари сюжет қурилиши ва етакчи мотивларининг мифологик асослари	20
III-БОБ. “Ошиқ” туркуми дostonларининг асосий образлари талқини	57
Хулоса	84
Иқтибослар	86
Фойдаланилган адабиётлар	93

Илмий-адабий нашр

НОДИРА СОБИРОВА

ХОРАЗМ “ОШИҚ” ТУРКУМИ ДОСТОНЛАРИ

Бичими 84x108 1/32. Адади 500 нусха. Буюртма №130
нашриёт босма табағи 6,25. «Минхож» нашриётидада тайёрланди.

Манзил: Буюк турон 41

«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.
700113. Тошкент, Чилонзор 8, Катортал кучаси, 60.



СОБИРОВА
Нодира Каримбаевна

1975 йил 18 апрель Хоразм вилояти Гурлан туманида туғилган.

1992-1997 йилларда Урганч Давлат университети жаҳон тиллари факультетининг инглиз тили бўлимида таҳсил олган.

2002 йилда ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти фольклор бўлими аспирантурасини тугатган.

2004 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаган.

Ҳозирда ЎзРФА Илмий-ўқув марказида хизмат қилмоқда.